

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ  
ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ  
РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ  
ВА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР  
ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ

**Маматқул ЖҮРАЕВ**

# **НАВРЎЗ ҚЎШИҚЛАРИ**

*(наврўз байрами ва баҳорий удумлар билан боғлиқ  
ўзбек халқ қўшиқлари)*

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти  
Тошкент -- 2007

Ушбу китобда ҳалқимизнинг наврӯз байрами билан боғлиқ удум, одат ва сайлларда ижро этилган қадимий қўшиқлари, сумалак пишириш, ҳалинчак учиш. «Бойчечак хабари», «Лола сайли», «Қизил гул сайли каби баҳорий удумлар фольклори, шунингдек, ўлкамизга эрта кўкламда учиб келадиган мавсумий қушларга қаратса айтиладиган айтимлар, далага биринчи марта кўши чиқариш ва дон экши маросими, йил қурғоқ келганда симғир ёғдириш ва шамол тўхтатиш мақсадида ўтказилган маросимлар билан алоқадор ҳалқ қўшиқлари жамланган.

Бу материаллар ҳалқ оғзаки бадиий ижодиётининг нодир намуналарини тиклашдек эзгу мақсад йўлида ижод қилаётган фольклор-этнографик жамоаларнинг наврӯз байрами ва йилбоши сайлига бағишлиланган дастурларини янада мукаммалластириш ва бойитишига хизмат қиласиди деган умиддамиз.

**Масъул мухаррир: Тўра МИРЗАЕВ, Ўзбекистон Республикаси  
фан арбоби**

**Нашр учун масъуль:  
Азамат ҲАЙДАРОВ, сиёsatшунослик фанлари номзоди**

**Тақриზчилар:  
Ўткир ТОҲИРОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими**

**Асқар МУСАҚУЛОВ, филология фанлари доктори**

**ISBN - 978-9943-06-031-9**

**© Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти. 2007 йил.**

## ЭЗГУЛИККА ЭШ БЎЛГАН АЙЁМ

Ҳар бир халқнинг миллий ўзига хослигини кўрсатадиган анъана ва маросимлари, урф-одат ва байрамлари бор. Асрлар бўйи яратилиб, зукко халқнинг теран ижодий иқтидори туфайли сайқалланиб келган ана шундай анъаналар миллатнинг ўзлигини, менталитетини, миллий қиёфасини белгилайди. Зеро, бундан бир неча минг йиллар муқаддам Зарауткамар ва Сармишсой қоятошларига ажойиб сурат ва чизгиларни муҳрлаб, асрлар давомида кўнгилдай поёнсиз ватанимизнинг барча сўлим гўшаларида «Алпомиш», «Гўрўғли» сингари буюк эпосларни куйлаб келган зукко аждодларимиз бамисоли бадиий тафаккур сарчашмасидаги инжуларга қиёс қилса арзигулик бой маданий меросни яратишган. Ўзининг бениҳоя юксак ижодий салоҳияти туфайли жаҳон маданияти дурдоналари хазинасига улкан ҳисса қўшган халқимиз ўз миллий анъаналири тизимининг бекиёс руҳий-маънавий қувватидан куч олиб тараққий этиб, ривожланиб келмоқда.

Икки азим дарё оралиғидаги шу муборак замин – она диёримиз Ўзбекистонда ўзига хос қадимий маданиятни бунёд этган зукко аждодларимизнинг яратувчилик, яшариш, янгилашиб билан боғлиқ энг эзгу ва ҳаётбахш ғояларини ўзида муҗассамлаштирган наврўз байрами ҳам ана шундай бетакрор ва муҳташам бадиий қадриятлардан бири ҳисобланади. Асрлар ардоғида улгайиб, ҳар бир авлоднинг кўнгил чаманзоридаги турфа чечакларнинг анвойи бўйларидан баҳра олиб сайқал топган бу фусункор шодиёна ҳамиша эзгуликни улуғлаб, халқимиз дилига ҳаётсеварлик, бунёдкорлик, меҳр-мурувват, тинчлик, ватанпарварлик, мўл ҳосил ва кут-барака тилаш ғоясини жо этиб келган.

Наврўз йил янгиланадиган, табиат уйғонадиган, далага яхши ният билан барака уругини қадайдиган бободеҳқонлар ҳамда қўй-қўзиларини серўглоқ яйловларга ёядиган тажрибали чорвадорлар учун янги меҳнат мавсуми бошланадиган, қўйингки, ҳар бир юртдошимизнинг қалbidаги эзгу орзулар чаман-

зорида ажиг бир янгиланиш насими эсадиган бир даврда нишонланади. Зоро, “кўклам нафаси уфуриб, майин шабадалар эса бошлиши, табиат уйғониб, куртакларнинг очилиши билан инсон вужудига янги қуч, янги ғайрат киргандек, унинг томирига, унинг қон-қонига ҳаёт ва баҳор нашидаси юргурган-дек бўлади. юрагимизни, бутун борлиғимизни яхшилик, яратувчиликка ундайди”!

Наврўзи олам ўз моҳиятига кўра тозариш, руҳий покланиш ва ҳаётнинг боқийлигини тараннум этиш тантанаси сифатида ҳар биримизнинг юрагимизга яқин, вужудимизда оқаётган ҳаёт-баҳш жилғаларни бир-бирига пайванд қиласидиган ажиг бир фасл. Эзгуликка эш бўлган бу қадимий байрам элу юртни бирлаштиради, одамларни бунёдкорликка ундайди, яратувчилик мақсадида бошланган ҳар бир ишга унум баҳш этади, дилларни меҳр-мурувват шамчироғининг барҳаёт нури ила ёритади.

Наврўз дунёдаги энг қадимги сугорма деҳқончилик маданияти шаклланган она диёримиэда юзага келганилиги учун ҳам ҳамиша ризқ-рўзимиз манбаи - табаррук заминни севишга, меҳнатни қадрлашга, кўклам мўъжизаларидан лаззатланишга, оппоқ гуллаган ўрик шоҳларию, қоқигулларнинг зарғалдоқ фунчаларидаги бетакрор гўзалликни дилга жо этишга ўргатади. Йилбоши байрами ҳақида ушбу сатрларни ёзар эканмиз, беихтиёр ям-яшил қирлар бағрига қизғалдоқлар алвон бўлиб сочилган фараҳбаҳш кунда оммавий тарзда ўтказиб келинган наврўз сайллари кўз олдимизга келаверади.

Асрлар давомида бу фусункор шодиёна яшариш ва янгиланиш, руҳий покланиш ва ҳаётнинг боқийлигига имон келтириш тантанаси бўлиб келган. Халқимиз ўзлигини танибдики, янги йилни баҳорий тенгкунлиқдан бошлишга, қуёш ҳамал буржига кирадиган кунни байрам қилишга одатланган. Фасллар алмашадиган, йил янгиланадиган, диллар яйрайдиган бу шодиёна халқимиз ҳаётига шу қадар сингиб кетганки, у билан боғлиқ дилрабо куй ва қўшиқлар, афсона ва ривоятлар, удум ва одатлар келиб чиқсан. Шунинг учун ҳам наврўз фақатгина

<sup>1</sup> Каримов И. Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўз // Каримов И. Инсон, унинг ҳуқуқ на эркинликлари – олий қадрият. 14. – Тошкент, «Ўзбекистон», 2006, 201-бет

Йилбоши байрами эмас, айни пайтда зукко аждодларимизнинг бекёс тафаккур дурдоналарини ўз ичига қамраб олган маънавий қадрият ҳамдир. Қадим аждодларимизнинг вақт ҳисобини юргизиш билан алоқадор амаллари, самовий ёритқичлар ҳаракати ва табиат ҳодисаларини муттасил кузатишга асосланган ҳаётий тажрибалари, деҳқончилик ва чорвачилик маданиятигининг сарзаминин вазифасини ўтаган эътиқодий қарашлар наврўз байрамининг юзага келишига асос бўлган.

Манбаларда қайд қилинишича, бизнинг аждодларимиз қуёш, ой ва юлдузлар ҳаракатини жуда яхши билгандар. Энг қадимги даврларда йил дастаявал икки қисмга, ёз ва қиш фаслларига бўлинган бўлиб, ана шу фаслларининг ўрин алмашиш муддати муҳим ҳаётий аҳамият касб этган. Чунки қишининг аёзли, изғиринли кунлари тугагач, наботот ва ҳайвонот олами уйғонадиган, дов-дараҳатлар барт ёзиб, замин ям-яшил либос киядиган иссиқ кунлар бошланган. Шу боис, боболаримиз кўкламнинг ҳар бир аломатида эзгулик тимсолини кўришган. Табиатда рўй берган янгиланиш ва тозариш жараёни инсон руҳий дунёсига ҳам покиза эпкин олиб киради.

Аждодларимиз учун заминни нурга чулғайдиган қусш, ризқ-рўз манбаи бўлмиш тупроқ, поклик ва боқий ҳаёт тимсоли ҳисобланган сув ҳамда олов мўътабар саналган. Шунинг учун ҳам улар ўз уйларининг эшигини қўёшга қаратиб очганлар. Эрта тонгда чиқаётган қўёшта, тунда эса тўлин ойга уч марта эгилиб, ўз эҳтиромларини ифода этишган. Шуниси қизиқки, Ўрта Осиёнинг айрим жойларида наврўз куни уй деворига доирасимон шаклларни чизиб қўйиш одати XX асрнинг бошларида ҳам сақланиб қолган экан. Шубҳасиз, бу доиралар қўёш тимсоли ҳисобланган ва наврўз байрамида кун билан тун тенглашишига ишора вазифасини ўтаган.

Зеро, Абу Райҳон Беруний ҳам наврўзнинг келиб чиқиши ҳақида фикр юритар экан, “айтишларича, шу куни худо фалаклар ҳаракатсиз тургандан кейин уларни айлантириб ва ёритқичлар (сайдар) тўхтагандан кейин уларни сайр эттириб юборган. Қуёшни яратган, ниҳоят у туфайли муддатнинг йиллар, ойлар, кунлар ва бошқалардан иборат бўлаклари яширилинидан кейин маълумликка айланган ва ҳисоб боши улар-

дан бошланган”лигини қайд қилған эди.<sup>1</sup> Бу эса наврӯзниң Келиб чиқиши қүёш культи ва само ёритқичларини кузатиш анъанаси билан бевосита алоқадорлигини тасдиқлайди.

Самовий жисмлар ҳаракати ва фасллар об-ҳавосидаги ўзгаришларни яхши биладиган билгич ҳисобдонлар баҳорий тенгкунликнинг дохил бўлиш муддатини ҳам бехато айтиб бера олишган. Чунки астрономик билимлар ҳийла эрта тараққий этган мамлакатимизда вақт ҳисобини юргизишнинг бир неча хил усуслари мавжуд бўлган. Ҳисобдонлар орасида қўёшнинг йиллик ҳаракатини кузатишга асосланган “шамсий тақвим”, ой фазаларининг муттасил ўзгаришини ифодаловчи “қамарий тақвим”, ой ва Ҳулкар юлдузининг ҳаракат йўналишидаги кесишув нуқталарини белгиловчи “тўғал ёки тўқуш ҳисоби”, ўлкамиздаги дарёлар сатҳининг кўтарилиб-тушишини кўрсатувчи “тошув ҳисоби”, экинларни экиш, парваришилаш ва ўриб-йифиб олиш муддатларини ўз ичига олган “юз ҳисоби”, қушларнинг кузда иссик ўлкаларга қишлиш учун учеб кетини ва кўкламда яна юртимизга қайтиб келишини кўрсатувчи “қуш қайи ёки долға ҳисоби” жуда машҳур бўлган. Бундан ташқари, ҳалқимиз орасида “мучал ҳисоби”, “декон ҳисоби”, “чорва ҳисоби”, “тўқсон ҳисоби”, “чилла ҳисоби”, “юлдуз ҳисоби”, “қамбар тўғал” ҳисоби ҳам амалда қўлланилган. Ана шу далишларнинг ўзи бизнинг аждодларимиз қуёш ва ой манзиллари, юлдузлар ҳаракати, табиий ҳодисаларнинг рўй берини сабаблари ва муддатларини кузатишга асосланган фенологик билимга эга бўлганликларини кўрсатади. Элнинг меҳнатига эш бўлиб келган наврӯз байрами аждодларимизнинг қадимги деҳқончилик маданияти, эзгуликни улуғлаш ва яратувчилик тоясига асосланган ҳаётбахш анъаналари асосида келиб чиқсан.

Наврӯз байрами айнан кўкламги тенгкунликада, қиши ва баҳор алмасиғида, бутун борлиқ уйғонадиган фарофатли дамда тантана Қилинишининг муайян табиий-илмий асослари бор, албатта. Абу Райҳон Берунийнинг қайд қилишибча, наврӯз “бутун йил унга хизмат қиласиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунича, да-

<sup>1</sup> Абу Райҳон Беруний. Тинланган асрлар. 1-жилд. – Тошкент, 1968, 253-бет.

рахтлар гуллашидан мевалар етилгүнича, ҳайвонларда шаҳват қўзғалишидан то насл вужудга келгүнича ва ўсимлик униб чиқа бошлишидан такомиллашганингача давом этган вақтда келади. Шунинг учун наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинганд". Табият ва жамиятдаги янгиланишни ўзида ажойиб тарзда мужассам этган наврўзи олам ҳалқимиз дунёқараши ва бадиий тафаккурининг ҳар бир ютуғидан куч олиб, асрлар оша тўлишиб, янгиланиб, такомиллашиб келаверган.

Х асрнинг улуғ муаррихи Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахийнинг "Бухоро тарихи" номли асарида келтирилган бир далил наврўз байрамининг ёши тўрт минг йилдан ортиқроқ эканлигини исботлайди. Наршахий бухороликларнинг кўхна удумларидан бири хусусида ҳикоя қиласар экан, шундай ёзади: "Сиёвуш бу ерда (яъни Бухорода) ўзидан бир ёдгорлик қолдиришини истади. Шундай қилиб, у Бухоро ҳисорини бино қилди ва кўпроқ вақт ўша жойда турар эди. Кимлардир у билан Афросиёб ўртасида гап юргизди ва натижада Афросиёб уни ўлдирди ҳамда шу ҳисорда шарқий дарвозадан кираверишдаги "Дарвозаи фўриён" деб аталувчи сомонфурушлар дарвозасининг ичкарисига дағн этдилар. Шу сабабли Бухоро оташпастлари ўша жойни азиз тутадилар ва унга атаб ҳар йили наврўз куни қуёш чиқишидан олдин ўша жойда биттадан хўroz сўядилар. Бухоро аҳолисининг Сиёвушнинг ўлдирилишига бағишлаб айтган марсиялари ҳам бор бўлиб, у барча вилоятларда машҳурдир. Куйчилар унга мослаб куй тузганлар ва қўшиқ қилиб айтадилар. Қўшиқчилар уни "оташпастлар йифиси" дейдилар. Бу гаплар бўлиб ўтганига ҳозир уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтди".<sup>1</sup>

Агар хассос муаррих "ҳозир" деганида ўзи яшаган X асрни назарда тутганилигини, ўша замондаёқ наврўзи олам "уч минг йилдан ортиқроқ" ёшга кириб қолганлигини зътиборга олсак, минг йиллар оша ҳалқимиз маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилиб келган бу фусункор шодиёна ўлкамизда тўрт-тўрт ярим минг йил давомида кенг нишонланганни маълум бўлади.

Наршахийнинг наврўз тарихига доир юқоридаги қайднома-

<sup>1</sup> Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. – Тошкент, 1966, 28-бет.

си ишончли эканлигини тасдиқлайдиган яна битта далил бор. “Девону луготит турк”нинг муаллифи Маҳмуд Кошфарий “қаз” сўзига изоҳ берадиган, қуйидаги маълумотни беради: “Бутун Моворауннарни туркийлар ўлкаларидан деб ҳисоблаганлар. У Янканддан бошланади. Унинг бир оти Дизруйинdir. У сариқлигига кўра, мис шаҳри демакдир. Бу Бухорога яқиндир. Бу ерда Афросиёбнинг қизи - Қазвиннинг эри Сиёвуш ўлдирилгандир. Маъжусий-оташпастлар ҳар йили бир кун бу ерга келиб, Сиёвуш ўлган жой атрофида йиглайдилар. Моллар сўйиб, қурбонлик қиласидар. Сўйилган мол қонини унинг мозори тепасига тўқадилар. Уларнинг одатлари шундай”.<sup>1</sup> Бу ўринда ҳам Сиёвуш дағн этилган жойда ҳар йили наврӯз куни ўтказиладиган анъанавий маросим тўғрисида сўз бормоқда. Бизнингча, Маҳмуд Кошфарий ҳам “ҳар йили бир кун” дегандা айнан йилбошини назарда тутган.

Наврӯз байрами Сиёвуш билан алоқадорлигининг боиси шундаки, қадимги аждодларимиз мифологиясида Сиёвуш ўлиб-тирилувчи табият тимсоли деб қаралган. Йилбоши шодиёналари ҳам маълум маънода, кузла рамзий маънода “ўлган” табиатнинг кўкламги “тирилиши”ни нишонлаш тантанаси ҳисобланган.

Чинлик муаррихлардан бири Вэй-Цзе қадимги самарқандилкларнинг наврӯзи ҳақида шундай ёзган: “Олтинчи ойнинг биринчи куни уларда йилбоши ҳисобланади. Ўша куни подшоҳ ҳам, халқ ҳам ўзларининг янги либосларини киядилар, соч-соқолларини олдиришади. Улар шаҳарнинг кунчиқар тарафидаги бир дараҳтзор ёнидаги майдонда тўпланишиб, байрам қиласидар. Етти кун мобайнида моҳир тирандозлар от чоптириб туриб, ўз камонларидан нишонни мўлжаллаб ўқ отиш баҳсида қатнашадилар. Еттинчи кун нишон ўрнида олтин танга қўйилади ва ушбу нишонни бехато урган қирағай мерган бир кун шоҳлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритади. Улар кўк тангрини мўътабар тутадилар ва унга ўз эҳтиромларини ифода этадилар. Айтишларича, илоҳий маъбуд еттинчи ойда ҳалок бўлган ва унинг суюклари йўқолганилиги боис бу маъбудга топинувчи одамлар ҳар йили ўша ойнинг бошида қора кийим

<sup>1</sup> Маҳмуд Кошфарий Девону луготит турк З-жилд. — Тошкент, 1960, 164-бет

киядилар, далаларда ялангоёқ йиғлаб юриб, маъбуднинг ҳокими ахтарадилар. Еттинчи куни йилбоши байрамининг тантаналари ўз ниҳоясига етди”.<sup>1</sup>

Наврӯз байрами ўз таркибига бойчечак, лола, қизил гул, қизғалдоқ билан алоқадор “гул сайллари”, йилнинг охирги чоршанбасида ўтказилган “охир чоршанба” удуми, ариқ-зорурлар тозаланиб, янги боғлар барпо этиладиган “ҳашар” аньанаси, йилбоши арафасида қилинадиган “қозон тўлди” удуми, илк кўкламда далага биринчи марта кўш чиқариб, дон экиш одати-“шоҳ мойлар” маросими, етти хил дондан “наврӯз гўжа” пишириш ҳамда етти хил кўкатдан кўк сомса тайёрлаш одати, аргимчоқ учиш, сумалак ва ҳалим тайёрлаш, варрак учирис, кўчкор, хўроz, тия уриштириш анъаналарини ҳам ўз ичига олган муҳташам миллий қадриятимиз саналади. Бу удум ва анъаналарнинг ҳар бири ўзига хос рамзий маъно касб этган бўлиб, замирида аждодларимизнинг эзгу тушунчалари ётди.

Наврӯз байрами тантаналари қадим-қадимдан кўлкари, кўчкор уриштириш, хўроz уриштириш, тия уриштириш, кураш каби ҳалқ ўйинларисиз ўтмайди. Йилбоши билан боғлиқ бу анъананинг тарихи жуда олис замонларга бориб тақалар экан. Қадимги Чин муаррихлари қаламига мансуб “Тан сулласининг тарихи” деб номланган манбанинг Фаргона тавсифига бағишланган фаслида қуйидагилар битилган: “ҳар йили янги йил байрамида шоҳлар ва қабила сардорлари икки гурухга бўлинадилар. Ҳар тарафдан бир баҳодир ўртага чиқади ва олишадилар. Иккала томон қийқириқ ва шовқин-сурон билан ўз баҳодирини қўллаб-қувватлаб туради. Ботирлардан бири нинг қўли баланд келгач, жангни тўхтатадилар ва шунга қараб келаётган йилнинг ҳосили мўл ёки камҳосил бўлиши башорат қилинади”.<sup>2</sup> Қадимги Ҳиндистонда ҳам ҳар йили баҳорда кўклам қўёшининг ғалабасини шарафлаш мақсадида камондан ўқ отиш мусобақалари ўтказилган экан. Наврӯз байрамида кўчкор, тия ва хўроz уриштириш баҳсининг ўтказилиши аслида қут-барака ва мўл ҳосил тилаш ғояси билан боғланади. Хуллас, наврӯз байрами сугорма деҳқончилик маданиятини яратган қадимги аждодларимизнинг мифологик тасаввурларидан

<sup>1</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. - М., 1948. - С.204.

<sup>2</sup> Толстов С.П. Древний Хорезм. - М., 1948. - С 282-283.

тортиб ҳозирги даврда ўз ижодий салоҳиятини эркин намоён этаётган юртдошларимизнинг бадиий тафаккуригача бўлган улкан маънавий қадриятлар силсиласини ўзида яхлит ҳолда жамлаган ҳаётбахш шодиёнадир.

Мамлакатимиз президенти И.А.Каримовнинг наврӯзи олами умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш тўғрисидаги фармони асрлар давомида инсониятни эзгу манзиллар сари чорлаб келган бу беназир анъанага яна қайта ҳаёт бахш этди. Президентимизнинг асрий қадриятларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш йўлидаги шундай мислсиз жасоратлари туфайли деярли унтутилиш арафасига келиб қолган кўплаб анъана ва маросимларимиз қатори наврӯз ҳам тикланиб, юртимизнинг барча сўлим гўшаларида меҳнат ва яшиариш шодиёнаси сифатида кенг кўламда нишонлана бошланди. Мамлакатимиз миллий истиқлолга эришганидан кейин кўплаб унтутилаётган қадриятларимиз қатори наврӯз байрами ва у билан боғлиқ фольклор асарлари, удум ва анъаналар ҳам қайта тикланди. Азалдан чинакам халқона тантана сифатида байрам қилиб кelingan наврӯз ўзининг аслий қиёфасига қайтди. Зукко момоларимизу нуроний отахонлар хотирасида сақланиб қолган наврӯз қўшиқлари, айтим ва ўйинлари яна кенг кўламда ижро этила бошланди. Чунки «мана шундай шукуҳли дамларда ҳар қайси инсон табиатдан баҳра олиб, оламга бағрини кенг очиб, ўз қалбидаги энг эзгу туйғу ва тилакларини, орзу ва умидларини юзага чиқариш, ҳаётга, ота-онаси, дўсту биродарларига бўлган меҳру муҳаббатини изҳор этишга интилади».<sup>1</sup>

Юртимиз мустақилликка эришгандан кейин наврӯз байрами халқимизнинг энг қутлуғ ва энг хосиятли кунларидан бири сифатида кенг тантана қилинмоқда. Наврӯз байрамини тараннум этувчи асрий қўшиқлар баралла куйланиб, бу муборак шодиёна ҳаётимиз мазмунига айланди. Натижада аждодларимиз бадиий тафаккурининг сарчашмасидан баҳра олган халқ наврӯзномаси – қўшиқ, лапар, айтим, олқиши каби турфа жанрлардан иборат наврӯз фольклорининг жўшқин тўлқинлари бамисоли ўзанига қайтган дарёлар сингари мавжланиб-мавж-

<sup>1</sup> Каримов И. Энг қадимий, асл миллий, гоит ардоқли байрам // Каримов И. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10. – Тошкент, «Ўзбекистон», 2002, 296-297-бетлар

ланиб оқа бошлади. Назаримизда, наврӯз байрами ўз тарихий тараққиёти давомида ҳеч қачон бизнинг кунлардагидек қадр топиб, ғоятда кенг миқёсда нишонланмаган эди.

Миллий анъаналаримизни сақлаб қолиш ва халқимизнинг маънавий тикланишига замин яратиш йўлида фидойилик кўрсатаётган юртбошимизнинг сайъ-ҳаракатлари туфайли наврӯз байрамининг барча узвлари тикланиб, унинг қадимий анъаналари бугунги замондошларимиз томонидан яратилган бадиий қадриятлар билан уйғунашган ҳолда чинакам миллий байрамга айланди. Эндиликда бу байрам мамлакатимиздаги барча халқларни ўзаро бирлаштирадиган, меҳнатсеварлик ва яратувчанлик, тинчлик ва ҳурфикрлилик, серҳосиллик ва қут-барака, меҳр-муруват ва эл-юрт ободончилиги ғоясини ташувчи умумхалқ шодиёнаси сифатида ўлкамизда кенг нишонланади. Зоро, ўз аждодларининг маънавий қадриятларини қадрлаган халқнинг истиқболи ойдин бўлиши табиийдир.

## **БУГУН ЙИЛБОШИ – НАВРҮЗ**

*(наврүз байрами тараннум этилган халқ құшиқлари)*

Асрлар бүйи эзгуликка ошно дилларга баҳорий янгиланиш, яратувчилік ва табиатнинг бокира гүзаллиги билан уйғулашибиши кайфиятини баҳш этиб келган наврүз байрами халқ оғзаки бадиий ижодиёти асарларини күйловчи құшиқчи, лапарчи, баҳшы-шоирларга ҳам бениҳоя улкан илхом берган. Шу боис, халқ оғзаки бадиий ижодиётида наврүз байрами билан боғлиқ күплаб құшиқ, терма ва ашулалар юзага келган. Бундай тафаккур дурданаларыда йилбоши байрами баҳш эттән саодатли құнлар суури малқ этилади. Күйида наврүз байрамида ижро этиб келинган қадимий халқ құшиқларидан айрим на-муналарни үкійсиз.

### **ЖАРЧИЛАР ҚҰШИФИ**

Бор-ҳо,  
Кел-ҳо,  
Ҳамалим, ҳа,  
Амалим, ҳа,  
Сайл бейда,<sup>1</sup>  
Тезда этиб кел,  
Үйнагани кел,  
Кулгани кел,  
Тортышгани кел,  
Беллашгани кел,  
Келмасанг ҳам кел-о-о-о!

Бор-ҳо,  
Кел-ҳо,  
Ҳамалим ҳа,  
Амалим ҳа,

<sup>1</sup> “бейда” – бу ерда.

Сайл бейда,  
Тезда етиб кел,  
Отда учеб кел,  
Жойни топиб кел,  
Сайлни топиб кел,  
Куйлагани кел,  
Суйлагани кел,  
Кувнагани кел-о-о!

Жарчилар қичқирар,  
Хо-ҳо-лаб чинқирар,  
Бор-ҳо,  
Кел-ҳо,  
Эшитмадим, деманглар,  
Эшитганлар кетманглар,  
Сайл-томуша бошланур,  
Кўрганлар дармонда,  
Кўрмаганлар армонда,  
Бор-ҳо,  
Кел-ҳо...(1).

## НАВРЎЗГА КЕЛ

Бор-ҳо,  
Кел-ҳо,  
Ҳамалим-ҳо,  
Йўл қайда?  
Йўл бейда,  
Тезда чопиб кел,  
Йўлни топиб кел,  
Онанг билмасин,  
Отанг билмасин,  
Аканг билмасин,  
Уканг билмасин,  
Опанг билмасин,  
Синглинг билмасин,  
Куйлагани кел,  
Наврўзга кел ҳо-о-о! (2).

## **САЙЛГА ЧОРЛАР**

Енгил ел эсар,  
Ҳамал ҳам келар,  
Қуёш ҳам порлар,  
Сайлга чорлар.

Наврўз бу ёнда,  
Сайл бу ёнда,  
Үйнагани кел,  
Куйлагани кел! (3).

## **САЙЛДАН КЕЧ ҚОЛМАНГЛАР**

Одамлару, одамлар,  
Боғда битган бодомлар,  
Эшиитмадим деманглар,  
Наврўзни олқишиланглар.  
Сайлдан кеч қолманглар-о, ҳо-ҳой!

Бозорлар бўлсин тўкин,  
Халқимиз эксин экин,  
Хунарманду косиблар,  
Чевару ҳолвагарлар,  
Барча-барчангиз бу кун,  
Сайлдан кеч қолманглар-о, ҳо-ҳой!

Туну кун тенглашади,  
Ҳамма бир мучал ошади,  
Бахт келтирсинг янги йил,  
Севинчларга тўлсин дил,  
Сайлдан кеч қолманглар-о, ҳо-ҳой! (4).

## ЧОРЛОВ

Азал-азал наврўзжон,  
Байрамларнинг зўрида,  
Нуроний чол, кампирлар,  
Тураг давра тўрида,  
Келинг наврўз сайлига,  
Сиз ҳам келинг майлига.

Наврўз нишонаси бу,  
Бобо дехқон иш бошлар,  
Эзгу ният билан у  
Ерига уруғ ташлар,  
Келинг наврўз сайлига,  
Сиз ҳам келинг майлига.

Бизнинг элда бу айём,  
Сумалаксиз ўтмайди,  
Ялпиз сомса ёпмасдан,  
Азиз меҳмон кутмайди,  
Келинг наврўз сайлига.  
Сиз ҳам келинг майлига.

Қизлар учар арғимчоқ,  
Тақиб олган гул мунчоқ,  
Боғу роғлар безанган,  
Мисли сулув келинчак,  
Келинг наврўз сайлига.  
Сиз ҳам келинг майлига.

Яйлов узра таралар,  
Чўпон найин навоси,  
Минг бир дардга даводир,  
Тоғу тошлар ҳавоси,  
Келинг наврўз сайлига,  
Сиз ҳам келинг майлига.

Даврани кенг олайлик,  
Улкан кураш бошлайлик,  
Пойгага от солайлик,  
Ана улоқ ташлайланди,  
Келинг наврӯз сайлига,  
Сиз ҳам келинг майлига.

Товус мисол таралар,  
Раққоса қиз ноз билан,  
Ҳикмат бахши күйлайди,  
Думбирарадай соз билан,  
Келинг наврӯз сайлига.  
Сиз ҳам келинг майлига (5).

## ДОИРАНИ ЧАЛИНГ, ЖОН МОМО

Доирани чалинг, жон момо,  
Үйинга тушсин қиз бола,  
Қиз боланинг сочига,  
Ярашибди чучмома.

Сомса ёпдим ялпиздан,  
Омонлиғ-е, сомонлик.  
Юз наврӯзни ўтказган,  
Момоларга берайлик.

Наврӯз куни, қизларжон,  
Ўсма баргин терайлик.  
Сочга тақиб гул-маржон,  
Қошга ўсма қўяйлик (6).

## НАВРӮЗ КЕЛДИ, ЁЗ КЕЛДИ

Наврӯз келди, ёз келди,  
Турна келди, ғоз келди,

Ям-яшил чорбоғлардан  
Булбулдай овоз келди.

Наврӯз келди бу кечада  
Пиширинг наврӯзгўжа,<sup>1</sup>  
Гўжаси ширин момоларга,  
Берайлик бир жуфт жўжа.

Гулгун экан куйлагинг,  
Гулдай нозик билагинг,  
Наврӯз келди, гул келди,  
Айтгин бўлса тилагинг.

Қалдирғоч қайиб учар,  
Қанотин ёйиб учар,  
Наврӯзда қозон тўлса,  
Элимиизни баҳт кучар (7).

## БАҲОР КЕЛАР, ЁЗ КЕЛАР

Наврӯз келди, ёз келди,  
Турна келди, ғоз келди,  
Кўшиқ айтган шу ёрдан,  
Булбулдек овоз келди.

Ўрдак келар, ғоз келар,  
Баҳор келар, ёз келар,  
Иккимизни бир кўриб,  
Ёниб<sup>2</sup> ўлсин ўзгалар (8).

---

<sup>1</sup> “наврӯзгўжа” - халқимизнинг қадимий анъанасига кўра, йилбоши арафасидан келаётган янги меҳнат мавсуми баракали, серҳосил келсин деган ниятда етти хил доңдан тайёрланадиган маҳсус таом.

<sup>2</sup> “ёниб” - алам қилиб

## **КЕЛДИ НАВРҮЗ - НАВБАҲОР**

Келди наврӯз - навбаҳор,  
Очилди гул-лолазор.  
Ҳар шохидаги булбуллар,  
Нола қиласар зор-зор.

Зардолизор боққа кирсам,  
Қизғалдоқлар очилибди,  
Боққа кирған қиз-жувонлар,  
Наврӯзгулдек сочилибди.

Наврӯзигул ранго-ранг  
Рангин баҳоримдан салом,  
Үнг күзимнинг гавҳари,  
Гули баҳоримга салом (9).

## **КЎКЛАМ КЕЛДИ**

Кўклам келди, ҳар ерлар,  
Яшінар лола, гул билан.  
Боғлар, бўстонлар тўлди,  
Кумри-ю булбул билан.

Парча-парча булутлар,  
Йигилса ёғар ёмғир,  
Элим хазинасига  
Ҳар бир томчи гавҳар-дур.

Келса йилбоши - наврӯз,  
Оlam гулистон бўлғуси,  
Осмондан еру заминга,  
Оби раҳмат ёғгуси (10).

## **НАВРЎЗ “ЁР-ЁРИ”**

Гул наврўз чечагида,  
Беланчак бор, ёр-ёр.  
Беланчакнинг бошида,  
Келинчак бор, ёр-ёр.

Келинчакнинг йўлига,  
Гуллар сочай, ёр-ёр.  
Шу наврўзда суйганимга  
Кўнглим очай, ёр-ёр.

Шунда олам мунаввар,  
Бўлғусидир, ёр-ёр.  
Севишганлар шўх қувнаб,  
Кулғусидир, ёр-ёр (11).

## **ЙИЛБОШИ**

Одамлар, ҳой одамлар,  
Боғда битган бодомлар!  
Эшитмадим демантлар,  
Бугун байрам - йилбоши,  
Сайлга, ҳо, сайлга.

Деҳқон дала айланди,  
Ҳўқиз шохи мойланди,  
Омоч, мола, чўнка тиш,  
Деҳқонбобо шайланди.

Арпа, буғдой сепилсин,  
Майса униб етилсин.  
Деҳқон иши ўнг келсин,  
Омборлар донга тўлсин,  
Янги йилда қут бўлсин,  
Қозон тўла сут бўлсин.

Бугун байрам - йилбоши,  
Йилбошига эл оши.  
Ҳар рўзгорнинг ҳиммати,  
Паловми ё сут оши?!

Қатиқ оши, сут оши,  
Қуноқ, бўтқа, сўк оши,  
Шавла пишган иликдек,  
Кичирининг зур моши.

Кўй гўштидан кулча бор,  
Жўхоридан гўжа бор,  
Момо, қуйинг гўжани -  
- Товоқни тут ичгани...

Деҳқон бобо, бўш келма,  
Кузда санар жўжани.

Очилигимиз йўқ бўлсин,  
Момо, қорин тўқ бўлсин,  
Ризқимиз бутун бўлсин,  
Умримиз узун бўлсин.

Омад бизга жўр бўлди,  
Нозу неъмат мўл бўлди.  
Бахтимизга тинч замон,  
Давру даврон эўр бўлди.

Гул, лолалар очилсин,  
Элу юрга сочилсин.  
Доим тинч замон бўлсин,  
Элу юрт омон бўлсин (12).

## ОМОНЛИК, ҲЕЙ ОМОНЛИК

Анъанага кўра, ҳар йили кўкламда илк бор сумалакни та-  
тиб кўраётган киши “Омонлик, омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмон-

**лик**" деб, бу баҳорий неъматни жимжилоги билан олиб еса йил баракали келади деб умид қиласидилар. Қуйидаги қўшиқ ҳам сумалакни илк бор татиб кўриш удуми билан боғлиқдир.

Омонлик, ҳей омонлик,  
Етдик наврўзга.  
Унуглисин ёмонлик,  
Қут бер ризқ-рўзга!  
Юртга тинчлик сўрайман,  
Оlamга чирой.  
Шу айёмни қутлай деб,  
Ундиридик буғдой.

Сумалак бир баҳона,  
Фанимат дийдор.  
Шу урфимиз шоҳона,  
Оқибатга ёр.

Замонга минг шукрким,  
Етдик наврўзга.  
Майса ўсибди дуркун,  
Сурайлик кўзга (13).

## **ЭРТАГА НАВРЎЗ, ЭРТАГА**

Даврага дедим, даврага,  
Эртага наврўз, эртага,  
Жizzахимнинг яхшилари,  
Чиқаверинг ўртага.

Дутор чалиб чиқинглар,  
Фолибга-ғолиб чиқинглар,  
Жizzахимнинг мадҳини,  
Куйга солиб чиқинглар.

Бир томонда қорли тоғ,  
Қорлар отиб ўйнаймиз.

**Бир томонда наврўзой,  
Гуллар сочиб ўйнаймиз.**

Келинлар зулфи камалак,  
Қизлар тақар жамалак,  
Наврўзда элим қизлари,  
Пиширадилар сумалак (14).

## **НАВРЎЗ ЙЎҚЛОВИ**

Илгарилари наврўз сайлидан икки-уч кун аввал марҳумларни зиёрат қилиш учун қабристонларга бориларди. Ҳар ким уз яқинларининг мозорини хас-чуплардан тозалар, кексалардан бири марҳумлар ҳақига дуо ўқигач, қуидаги каби йиғи-йўқловлар айтилган:

Олмадан отлар қиласай,  
Баргига хатлар қиласай,  
Наврўз куни онажонимни,  
Үлтириб ёллар қиласай.

Ўйилсин ерлар, ўйилсин-а,  
Ўртасидан бўлинсин-а,  
Наврўз чоғи онажонгинам  
Бойчечак бўлиб кўринсин-а.

Ўсмалар экким келади-ё,  
Баргини тергим келади-ё,  
Бугун наврўз, меҳрибонимни  
Биргина кўргим келади-ё (15).

## **ЖАҚИДА, ҲАҚИДА, ҲАҚҚА**

Омон, омон, омон-а,  
Қандай баҳтли замона,  
Наврўзимнинг шуҳрати,

Кетти турли томона,  
Жақида, ҳақида, ҳаққа,  
Бақида, ҳақида, ҳаққа.

Гулим бору, гулим бор,  
Боғимда булбулим бор,  
Толейимдан ўргилай,  
Зоминдайин элим бор,  
Жақида, ҳақида, ҳаққа,  
Бақида, ҳақида, ҳаққа.

Юртим бахтин куйлайман,  
Қўлимда олтин созим,  
Қўшиқ айтсам завқ билан,  
Жаранглайди овозим,  
Жақида, ҳақида, ҳаққа,  
Бақида, ҳақида, ҳаққа.

Гул ўсар ўнг-сўлимда,  
Баҳт порлайди йўлимда,  
Энди ўзбек халқининг  
Тақдирни ўз қўлида,  
Жақида, ҳақида, ҳаққа,  
Бақида, ҳақида, ҳаққа (16).

## “СИР БЎЙИГА ЧИҚАЙЛИК”

Сир бўйига чиқайлик, аҳай-аҳай-аҳай-ҳей,  
Гўжа оши ичайлик, аҳай-аҳай-аҳай-ҳей,  
Янги йил - йилбошида, аҳай-аҳай-аҳай-ҳей,  
Ўйин-кулгу қилайлик, аҳай-аҳай-аҳай-ҳей.

Оҳ йилбоши, йилбоши, аҳай-аҳай-аҳай-ҳей,  
Ана йилбоши, йилбоши, аҳай-аҳай-аҳай-ҳей,  
Оҳ йилбоши, йилбоши, аҳай-аҳай-аҳай-ҳей,  
Ана йилбоши, йилбоши, аҳай-аҳай-аҳай-ҳей.

Йилбошида оллоҳдан, аҳай-аҳай-аҳай-ҳей,  
Ризқ барака тилайлик, аҳай-аҳай-аҳай-ҳей,  
Тўкин дастурхон учун, аҳай-аҳай-аҳай-ҳей,  
Завқи мөҳнат тилайлик, аҳай-аҳай-аҳай-ҳей.

Буғдойимиз мўл бўлсин, аҳай-аҳай-аҳай-ҳей,  
Гулистан гулга тўлсин, аҳай-аҳай-аҳай-ҳей,  
Ўзбек элим уйид, аҳай-аҳай-аҳай-ҳей,  
Ҳар доимо тўй бўлсин, аҳай-аҳай-аҳай-ҳей (17).

## КЕЛСА НАВРЎЗ, БЎЛСА НАВРЎЗ

Қизлар гулли рўмол ўраг,  
Ўзларини қилиб қўз-кўз.  
Замин янги куйлак кияр,  
Келса наврўз, бўлса наврўз,

Омоч ҳайдар тиним билмай,  
Деҳқон ила қўш ҳўкиз,  
Насибамиз бутун бўлар,  
Келса наврўз, бўлса наврўз (18).

## НАВРЎЖОН, БУ ЙИЛГИ КЕЛИШИНГ БОШҚА

Тарихинг, таърифинг тилларда достон,  
Қуёш чараклайди, мовийдир осмон,  
Хоғиз қўшиқ айтар, рақс этар жонон,  
Севинч бағишлийсан кексаю ёшга,  
Наврўжон, бу йилги келишинг бошқа.

Бир ён катта кураш, бир ён кўпкари,  
Аския, айтишув, ўланлар бари.  
Янгаларнинг айтган авжли ёр-ёри,  
Севинч бағишлийсан кексаю ёшга,  
Наврўжон, бу йилги келишинг бошқа.

Шоирларнинг айттар сўзи бўлиб кел,  
Яйловларда қўю қўзи бўлиб кел,  
Майли, гулбаҳорнинг ўзи бўлиб кел,  
Севинч бағишилайсан кексаю ёшга,  
Наврӯзжон, бу йилги келишинг бошқа (19).

## КЎП НАВРӸЗГА ЕТАРМИЗ

Наврӯз келди, экайлик,  
Оғоч-уғоч тикайлик,<sup>1</sup>  
Кутлаб қўчкор йиқайлик,<sup>2</sup>  
Улли<sup>3</sup> ўтлар ёқайлик.

Улли ўтни натармиз,<sup>4</sup>  
Қўзи кабоб этармиз,  
Бу жонимиз соғ бўлса,  
Кўп наврӯзга этармиз (20).

## ЮРТИМИЗДА НАВРӸЗ

Юртимда бугун Наврӯз,  
Кечалар мисли кундуз.  
Шу баҳтиёр элимда,  
Ўйнаб-кулар ўғил-қиз.

Осмонимда камалак,  
Жўш урар орзу-тилак.  
Ўйин тушар жонона,  
Сочларида камалак (21).

<sup>1</sup> “оғоч-уғоч тикайлик” - “даражат-қўччат ўтқазайлик” маъносини англатади.

<sup>2</sup> “қўчкор ёқайлик” - “қўчкор сўйилник”.

<sup>3</sup> “улли” - катта.

<sup>4</sup> “натармиз” - нима қиласмиш

## **НАВРҮЗ ОЛҚИШИ**

Эски йил кетди,  
Янги йил келди,  
Дошқозонлар тизилсін,  
Сумалақтар сузилсін.  
Бұғдойлар пишиб чош бұлсін,  
Еганимиз ош бұлсін,  
Элу юртимиз бағ бұлсін,  
Рисқу рүзимиз тоғ бұлсін (22).

## **НАВРҮЗИ ОЛАМ КЕЛДИ**

Эритиб тоғларнинг музин,  
Яшнатғанча ҳаёт ҳуснин,  
Айтиб ширин-шириң сўзин,  
Наврӯзи олам келди.

Кўкликларга тўлиб ҳар ён,  
Лабин очиб лола-райхон,  
Кувонишиб ҳар хонадон,  
Наврӯзи олам келди.

Фимиirlab жумлайи жаҳон,  
Булбул сайраб бийрон-бийрон,  
Бойчеклар маржон-маржон,  
Наврӯзи олам келди.

Томга чиқиб беланчаклар,  
Ўсма эзиг келинчаклар,  
Ҳаволаниб ҳалинчаклар,  
Наврӯзи олам келди.

Шод ўлкани гулга ўраб,  
Мажнунтоллар сочин тараб,  
Давримизни күйлаб-куйлаб,  
Наврӯзи олам келди (23).

## **НАВРЎЗИНГДАН, УКАЖОН, ЧИРОЙЛИК**

Бойғалча гул очилди,  
У баҳордан нишона,  
Бинафша гул очилди,  
У наврўздан нишона,  
Гулларингдан, укажон, чиройлик,  
Наврўзингдан, укажон, чиройлик.

Оқ бўз отим сой келди,  
Сой ёқалаб ёр келди,  
Бинафша гулни тақиб,  
Гуллоладай ёр келди,  
Гулларингдан, укажон, чиройлик,  
Наврўзингдан, укажон, чиройлик.

Эшик олди жуфт терак,  
Жуфт теракка сув керак,  
Менинг дехқон оғамга,  
Гуллоладай ёр керак,  
Гулларингдан, укажон, чиройлик,  
Наврўзингдан, укажон, чиройлик.

Дараҳт шоҳида булбул,  
Булбул андоз қиласи,  
Бойғалча гулни тақиб,  
Қизлар пардоз қиласи,  
Гулларингдан, укажон, чиройлик,  
Наврўзингдан, укажон, чиройлик (24).

## **БУГУН НАВРЎЗ, ДЕЙДИ-Ё**

Дейди-ё, дейди-ё,  
Бугун наврўз, дейди-ё,  
Эски ўпка-гиналарни  
Қилма ҳаргиз, дейди-ё.

Дейди-ё, дейди-ё,  
Гул сайлим, дейди-ё,  
Бу кўнглимини кимга берсам,  
Ўз майлим, дейди-ё.

Дейди-ё, дейди-ё,  
Қўшиқ айтгин, дейди-ё,  
Қўшиғингга бахтиянангни,  
Қушиб айтгин, дейди-ё.

Дейди-ё, дейди-ё,  
Омон бўлинг, дейди-ё,  
Пок меҳнату яхшилик  
Томон бўлинг, дейди-ё.

Дейди-ё, дейди-ё,  
Қувна, ишла, дейди-ё,  
Хизматингни элингта  
Сен бағишла, дейди-ё.

Дейди-ё, дейди-ё,  
Ҳур қизиман, дейди-ё,  
Ҳур қизининг доимо  
Лафзи ҳалол, дейди-ё (25).

## **СУМАЛАК - КҮКЛАМ МҮЙЖИЗАСИ**

*(сумалак пишириш билан боғлиқ удумлар  
ва маросим қўшиқлари)*

Ўлкамиз илк кўклам чечакларининг анвойи бўйидан сархуш бўлган маъсуд кунларда юртимизда қадимий халқ байрами - наврўзи олам нишонланади. Халқимизнинг кўхна қадриятларидан бири бўлмиш йилбошини сумалаксиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ота-боболаримиз наврўзга тайёргарликни ҳам сумалак пишириш учун майса ундиришдан бошлаганлар. Наврўз бамисоли тан бўлса, сумалак унинг жони, уларни бир-биридан ажратиш мушкул. Аждодларимиз асрлар бўйи наврўз оқшоми катта-катта дошқозонларда сумалаклар қайнатиб, келаётган янги йил баракали, қутли ва серҳосил бўлишига умид бошлаганлар. Сумалак пишираётган онахонларимиз қадимий халқ қўшиқларини, байт-газалларни ва лапарларни айтиб, байрам файзига файз қўшишган.

Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Жигачи қишлоғида яшовчи Шарофат Мурод Олим қизининг хотирлашларича, илгарилари сумалак пишираётганда қозонга буғдой майсасининг шарбатини солаётган момоларимиз:

*Бувиларимизнинг оши ширин бўлсин,  
Ризқу рўзимиз бутун бўлсин,  
Умримиз узун бўлсин,  
Тўрт кўз тугал кетаёнлик,*

*Муродимизга етаялик, - деб агар кўнгилдаги орзулари рўёбга чиқса, келгуси наврўзда яна элга сумалак қилиб беришни ният қиласилар. Сумалак пиширишдан аввал Биби Фотиманинг ҳақига дуои фотиха ўқилади. ўчоқ бошида ис чироқлар эшиб ёқилади, исириқ тутатадилар. Айтишларича, шундай қилинса, сумалак пиширувчиларга Биби Фотиманинг ўзи бошқош бўлиб турармиш. Айни тонг маҳали сумалак ковлаётган*

момоларнинг кўзи илинган пайтда Биби Фотима сумалакка беш панжасини урар, ана шунда у қиёмига етиб пишар экан. Шунинг учун сумалак пишираётган момолар унинг руҳидан мадад сурайдилар. Қозонга ёғ колаётганда ҳам:

*Худойим ўзи ёр бўлсин,  
Биби Фотима мададкор бўлсин,  
Кўлим ширин, юзим ёруғ бўлсин,  
Йилбошимиз қутлуғ бўлсин,*  
Сумалагимиз тотлик бўлсин! – деб яхши ният билдирилади.

Сумалак учун ундирилган буғдой майсасининг ширасини қозонга колаётганда аёллар қизил куйлак кийиб, бошларига қизил рўмол ўрайдилар, қулоқларига эса ял-ял ёниб турган қизғалдоқлардан тақиб оладилар. Шундан кейин тоғорадаги ширани қозонга кола туриб:

*Муродимиз ҳосил бўлсин,  
Сумалагимиз қизил бўлсин, - дейдилар.*

Ҳалқимиз орасида сақланган анъанага кўра, сумалак Биби Фотиманинг оши деб қаралғанлиги учун уни илк даъфа жимжилоқ билан татиб курса, савоб бўлади, дейдилар. Шу боис, наврўз кунлари дастурхонга сумалак тортилганда кўклам неъматини биринчи марта татиб кўраётган пиру бадавлат отахонларимизу, табаррук онажонларимиз “Ҳасан-Ҳусанларнинг таоми пишишибди, янгилик. Илоҳим, ҳеч кўрмайлик-ёмонлик, ниятимиз омонлик. Илоҳим янаги йил, янаги ойларга ўйнаб-кулиб, бошимиз эсан, бағримиз бутун бўлиб етайлик!” - дейишиб, жимжилоқлари билан татиб кўрадилар.

Баҳор байрамининг шоҳ таомини тайёрлаш анъанасининг тарихи жуда олис даврларга бориб тақалади. Ҳатто милоднинг I-II асрларида яшаб ўтган машҳур юонон олими Плутарх мидиаликларнинг баҳорий удумлари тўғрисида ёзаркан, улар илк кўкламда буғдойдан маҳсус таом пиширганликларини алоҳида қайд қилиб ўтган. Ўрта Осиёда истиқомат қилган аждодларимиз ҳам бундан минг йиллар муқаддам кўкламни сумалак пишириш билан кутиб олганликларини XI асрнинг буюк олими Маҳмуд Кошғарий ҳам таъкидлаган зди. У ўзининг “Девону луғотит турк”, яъни “Туркий сўзлар луғати” номли асарининг

3-жилд, 253-саҳифасида “сума - ивитилган буғдой номи. У куритиб, туйилади. Сўнг ундан угра ош ва нон қилинади. Шарбат учун қилинган, ундирилган арпа учун ҳам бу сўз қулланилади”, - деб ёзган.

Демак, “сумалак” лексемаси шарбат учун қилинган, ундирилган арпа ёки буғдой маъносини англатувчи қадимги туркӣ сўз бўлмиш “сума”дан келиб чиқсан, сумалак пишириш удуми эса Ўрта Осиёда яшаган қадимги аждодларимиз орасида ҳам кенг расм бўлган экан. Озар олими О.Набиевнинг маълумотларига қараганда, Шимолий Ҳиндистонда истиқомат қилган қадимги аҳолининг лаҷжаси - санскрит тилида буғдой маъносини англатувчи “сумани” сўзи бўлган. Демак, тилимиздаги дони олинган буғдой пояси “сомон” дейилиши ҳам бежиз эмасга ўхшайди.

Инглиз олимаси Мэри Бойснинг ёзишича, қадимги зардӯштийлар эрта кўкламда келаётган йилнинг баракали бўлишини ният қилиб, муқаллас ӯсимликлардан бирини туйиб, ширасини олганлар ва сувга оқизганлар. Ўша қандай ӯсимлик эканлиги ва унинг номи нималиги маълум эмас. Аммо ана шу ӯсимликнинг ширасини қадимги ҳиндлар “сома”, “Авесто”нинг битикчилари эса “ҳаома” деб аташган бўлиб, бу сўз “сиқиб олинган сув” маъносини англатаркан. Бинобарин, тилимиздаги “сиқмоқ” (яъни, «бирор нарсани эзиб, сувини чиқармоқ» маъносидағи) сўзи ҳам ана шу ўзакка боғланса ажаб эмас.

Қизиги шундаки, “Авесто” асотирларида тасвирланган улкан уммон - Ворукаша денгизининг ўртасида ӯсадиган ҳаёт дарахтининг номи ҳам “Хома - Сома” деб талқин қилинади. Ўйлашимизча, сумалак пишириш анъанаси Шарқ ҳалқарининг ҳаёт дарахти, табиатнинг баҳор фаслидаги рамзий уйғониши, ҳосилдорлик тўғрисидаги энг кўхна эътиқодий ишончлари асосида келиб чиқсан. Аждодларимиз сумалак пишириш воситасида ззгулик, яхшилик ва меҳр-муруватни улуғлаганлар, табиатдан сиҳат-саломатлик ва мўл ҳосил тилаганлар.

Нақл қилишларича, ўтмишда дехқонлар кўклам келиши олдидан етгита ёки ўн иккита идишга ҳар хил донли экинларнинг уруғини экиб, майсаларнинг кўкаришига қараб келаётган янги йил ҳосилининг чўғини чамалаганлар: агар донлар бир текис, бехато чиқсан бўлса, баракали йилдан нишона, яккам-дуқкам

кўкарған майса эса камҳосил куздан дарак беради деб ўйлаганлар. Ҳосил миқдорини билиш, қайси экиндан барака келишини аниқлаш мақсадида ундирилган доннинг майсасидан йилбошига атаб сумалак пиширилган ва йилнинг серҳосил, тўкин-сочин, тинч-омон, қутлуғ бўлишига умид боғлаганлар.

Халқимизнинг сумалак пишириш билан боғлиқ қизиқарли удумлари бор. Ҳатто, сумалак учун ундирилган буғдой майсасини муқаддас билиш расмининг излари ҳам сақланиб қолган. Сумалак пишираётганда фарзанд кутаётган ёки бефарзанд аёлларга буғдой майсаси берилган, бу билан келаётган йилда фарзандли бўлишларига тилак билдирилган. Суннат қилинмаган болалар тезроқ улғайиб, вояга етишларига умид боғлаб, уларнинг чопонларининг этагига буғдой майсасини осиб қўйганлар. Сумалак тагига олмасин учун қозонга солинадиган тош ёки ёнғоқларнинг сонини белгилашда ҳам ўзига хос қадимий анъаналарнинг нафаси билиниб турди. Момоларимиз сумалак қайнаётган қозонга еттита тош ташлайдилар. Чунки “етти” дунё халқларининг энг севимли “сехрли” сонидир.

Биз ўлкамизнинг турли жойларида фольклор экспедицияларида бўлганимизда кексалар хотирасида сақланган ана шундай удум ва эътиқодларни, сумалак пиширишда амал қилинадиган одатларга доир маълумотларни тўплашга ҳаракат қилдик. Куйида халқимизнинг сумалак билан боғлиқ эътиқод ва ишончларидан айримларини эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз:

- Қишдан эсон-омон чиқиб олган одамлар бир-икки косадан буғдой йигиб, ундириб, бир дошқозонда сумалак пишириб ейишса, бир-бирларига қариндошдек яқин бўлиб қолишиади.

- Сумалак буғдойи ундирилаётган уйга бегона кишиларни киритмайдилар. Таҳорат қилиб, покланган, кўнгли тоза одам буғдой ундирилаётган хонага киради ва майсага сув селади.

- Кўкартирилган буғдой майсасини одамлар қўзига суртишади, “янгилик, яхшилик” деб тавооф қиладилар. Бу билан наврўздан бошланадиган янги йилда мўл ҳосил, юрт тинч-омон бўлсин, деб ният қилинади.

- Бефарзанд аёллар, боласи турмайдиган хотинлар, ўғли армияга кетган ёки оила аъзоларидан бири узоқ сафарда бўлган

оналар, бирорта жигари оғир қасал бўлиб ётган аёллар сумалак майсасини чаккаларига тақиб, мушкуллари осон бўлишига умид қиласилар.

- Сумалак пишириладиган қозоннинг қулогига майсадан “соқол” осиб қўядилар.

- Сумалак пишадиган куни ҳамма янги кийим кияди, янги либос кийишга имкони бўлмаган киши ҳеч бўлмаса бирорта оҳорли мато бўлаги билан бармоғини боғлаб қўйса ҳам савоб бўлади, лейдилар.

- Сумалак қилаётган момолар ундирилган буғдој майсасининг ширасини қизил рўмолдан сузуб олганлар ва ўзлари ҳам қизил куйлак кийиб, шу рангдаги рўмол ўраганлар. Шундай қилинса, сумалак қиёмига етиб қип-қизариб пишар эмиш.

- Сумалак майсасининг суви қўни-қушниларга, қариндош-урӯвларга улашилади. Бу сувдан солинган қозонда пиштан таом баракали бўлади, деб ўйлайдилар.

- Сумалакка солинадиган унни пиру бадавлат онахонлар эладилар. Икки момо ун элаб бўлгач, супра устига дока ёлиб, ташқарига чиқиб кетадилар. Хона эшиги очиқ қолдирилади. Чунки сумалак Биби Фотиманинг оши, шунинг учун у уйга кириб, супра устидан айланса, ҳамманинг муроди ҳосил бўлар экан.

- Сумалак шарбатини солишдан аввал дошқозонга ёғ солиб қиздирилади ва тузсиз хамирдан бўғирсоқ пишириб ис чиқардилар.

- Сумалак пиширишдан аввал ўчоқ атрофига чироқ ёқадилар, арвоҳларга ис чиқарилади.

- Дошқозон тагига ўтин қалаётган аёл кўнглида нимаики нияти бўлса, сумалак олдида айтса, орзуси амалга ошармиши.

- Нопок кимилар сумалак қайнаётган қозон атрофига яқинлаштирилмайди, мабодо таҳорат олмаган ёки нияти ёмон одам қозонга назар ташласа, сумалак топиб кетар экан.

- Фарзандталаб аёллар сумалак пишаётган қозон атрофини уч марта айланиб, ниятини айтсалар, муродлари ҳосил бўлади, лейдилар.

- Эгизак фарзанд ўстираётган аёллар ҳар йили сумалак пишириб, элга худойи берсалар, болалари эсон-омон улғаяр экан.

- Тонгга яқин сумалак ковлаётган аёлларнинг кўзини уйқу элитганда, осмону фалакдан учиб келган малойикалар қозон-

га туз ташлаб кетишаркан. Пинакка кетган момолар буни билмай қолишармиш. Сумалакка туз солинмаслигининг сабаби ана шунда.

- Сумалак пишираёттанды ҳамма хурсандчиллик қилиши, ҳеч ким бир-бирининг күнглига озор бермаслиги керак.

- Сумалак пишаёттанды қозонга каттароқ мунчоқ, ёнғоқ ёки тош солинади. Сумалак сузилаёттанды кимнинг идишига мунчоқ түшса, биринчи фарзанды қызы бўлади деб хурсанд бўладилар. Мободо тош чиқса - турмуши тошдек мустаҳкам, ёнғоқ чиқса - бамисоли ёнғоқдек сермағиз, яъни серфарзанд бўлади деб ният қиласидилар.

- Сумалакни оила аъзолари баҳамжиҳат тановул қилишади. Агар у оз бўлса, ҳар ким жимжилоги билан бир мартадан ялаб кўради. Шу боис ҳалқ орасида “сумалак – бир яламак” деган нақл юради.

- Сумалак тарқатилгандан кейин яхши ният қилғаи аёллардан бири дошқозонни ювади. Сўнгра қозон ичидаги сувни бирор мевали дараҳт тагига тўқадилар.

Сумалак пишириш удуми табиатнинг ўлиб-тирилиши, яъни кузда рамзий маънода “йўқуга” кетган ўсимликлар оламининг эрта кўкламда қайта жонланиши ҳақидаги қадимий ҳалқ қарашлари асосида келиб чиқсан чинакам ҳалқона анъаналяримиздан биридир. Ҳар йили буғдои, арпа, тарик, жўхори каби донли экинларни ўриб-йиғиб олаёттанд дәққон даласидаги охирги тутам ғалланни ўриб олишни foят табаррук иш, деб билган. Ўтмишда бу юмуш билан алоқадор “обло барака” деган алоҳида маросим бўлганлиги ҳам маълум. Дәққонлар сўнгги тутам ғалланинг донини келгуси баҳоргача авайлаб асрраганлар. Наврӯз арафасида эса ҳосил чўғини чамалаш, келаёттанд йилда кайси экиндан барака топиш мумкинлигини тахмин қилиш, кайси дон камҳосил-у, қай бири серҳосил бўлишини аниқлаш мақсадида маҳсус идишларда турли донларни, яъни донли экинларнинг охирги тутам бошофилан олиб қўйилган донларни майсалатганлар. Кейинчалик ўша донларни ундириб, майсасининг ширасидан таом тайёрлани анъанаси юзага келган. Аждодларимиз сумалак пишириш орқали табиатдан мўл ҳосил, кут-барака, лалмикор ерда дәққончилик қильувчилар эса қулай об-ҳаво, майсалар баравж ўсиши учун зарур бўлган ёғин-сочин сўраган-

лар, Сумалак пишириш табиятни эъзозлаш билан боғлиқ кўҳна эътиқодий қарашлар маҳсули бўлиб, деҳқончилик мавсуми бошланадиган қадимий халқ байрами - наврӯзнинг шоҳ таомидир.

Сумалак пиширилаётган хонадон бамисоли тўйхонага ўхшаб кетади. Нуроний онахонлар қозон атрофида ўтиришиб, кўнгилларида яхши ниятлар билан қозон ковлаётиб, болаларга қўшиқ, топишмоқ, қадимий термаларни айтиб берадилар. Қиз-жувонлар ҳам дошқозон оловида чилдирмаларни қиздириб, ўйин-кулгуни бошлаб юборадилар.

## **СУМАЛАКЖОН, СУМАЛАК**

Сумалакжон, сумалак,  
Яхшиликнинг белгиси,  
Наврӯзимга эш бўлган  
Сен баҳорнинг элчиси,  
Сумалакжон, сумалак,  
Сумалакжон, сумалак.

Сумалакка йигилар,  
Катта-кичик, жамулжам,  
Пишиб чиқса тотисанг,  
Кўнгиллар кувнар бирам,  
Сумалакжон, сумалак,  
Сумалакжон, сумалак.

Дошқозонда сумалак,  
Ковламаган армонда,  
Бир-бирининг кўнглини  
Овламаган армонда,  
Сумалакжон, сумалак,  
Сумалакжон, сумалак.

Сумалакка ўтин йўқ,  
Қайда экан даласи,  
Келмадими ҳашарга,  
Кўни-қўшни, боласи?  
Сумалакжон, сумалак,

Сумалакжон, сумалак.  
Қыз боланинг рўмоли,  
Қип-қизил гулли шойи,  
Билсангиз, сумалакжон,  
Барча овқатнинг бойи,  
Сумалакжон, сумалак,  
Сумалакжон, сумалак.

Наврўз келай деганда,  
Буғдой ундириб қўйдик,  
Меҳмон бўлиб келдингиз,  
Сумалак қилиб қўйдик,  
Сумалакжон, сумалак,  
Сумалакжон, сумалак.

Сумалакни қилдик биз,  
Болаларни йиғдик биз,  
Қўни-қўшни, элу юрт,  
Бир ҳовлига сиғдик биз,  
Сумалакжон, сумалак,  
Сумалакжон, сумалак.

Қора кўзли Қамарой,  
Ўйин тушар мисли ой,  
Сумалак бир баҳона,  
Ўйнадик ботгунча ой,  
Сумалакжон, сумалак,  
Сумалакжон, сумалак.

Сумалакни пишириб,  
Тўйиб-тўйиб едик биз,  
Бунча ширин сумалак,  
Унга қойил қолдик биз,  
Сумалакжон, сумалак,  
Сумалакжон, сумалак.

Ухлаганинг кўзига,  
Сумалакдан суртамиз.

Эрталабки тонгтacha,  
Барчамиз шўх ўйнаймиз.  
Сумалакжон, сумалак,  
Сумалакжон, сумалак.

Сен бўласан буғдойдан,  
Мазалиқда асалсан,  
Сени еса тузалар,  
Бўлса ҳатто сил касал.  
Сумалакжон, сумалак,  
Сумалакжон, сумалак.

Олов момо кўйнида,  
Етиласан, пишасан.  
Катта қора қозонда,  
Қайнаб-қайнаб тошасан,  
Сумалакжон, сумалак,  
Сумалакжон, сумалак.

Сумалакжон, сумалак,  
Ширин жоним сенга ҳалак,  
Тайёрлаймиз сени биз,  
Қуни-қўши, жамоат,  
Сумалакжон, сумалак,  
Сумалакжон, сумалак (!).

## СУМАЛАК БЕРАР ДАРМОН

Лола гул алвон-алвон,  
Сумалак берар дармон,  
Сумалак етмай қолган,  
Бир умр қилар армон.

Сумалагимиз пишади,  
Қозонларга ёлишади,  
Сумалак ей деганлар,  
Кумурсқадай ёпишади.

Үй эгаси ухлаб қолар,  
Қозон қайнаб чопишади,  
Ийди-наврүз – қутлуғ айём,  
Уришганлар топишади.

Ёқинг, гулхан авжга минсин,  
Жин-ажина қочишади,  
Одам Ота, Мома Ҳаво,  
Қут-барака сочишади (2).

## СУМАЛАК

Сумалакжон, сумалак,  
Мен сенгә жоним ҳалак,  
Сумалак қадим овқат,  
Уни пишириб бериш,  
Анъянавий бир одат.

Буғдойни аввал олиб,  
Тахтага яйратамиз,  
Ҳафталаб сувни сепиб,  
Баҳордай яшнатамиз.

Тайёр бўлгач буғдойжон,  
Янчиб-янчиб эзилар.  
Суви сиқиб олиниб,  
Дошқозонга солинар.

Яйраб-яйраб момолар,  
Қозонни ковлаб турар,  
Ўсма тортган қиз-жуон,  
Шўх қушиқ куйлаб турар.

Қора қошли қизалок,  
Йўлларингга мен муштоқ,  
Сумалак бир баҳона,  
Мендан кетмагин йироқ.  
Сумалаклар қўйибсиз,

Киз-жувонни йигибсиз,  
Тўй ўчоқда ўт ёқиб,  
Дошқозонлар осибсиз.

Сумалакка ун қўшинг,  
Мен ўзим унни элай,  
Сумалак пишиб чиққанда,  
Тўйиб-тўйиб бир ялай.

Сен баҳорнинг элчиси,  
Таомнинг биринчиси,  
Мўл-кўллик даракчиси,  
Сумалакжон, сумалак (3).

## СУМАЛАКНИ БОШЛАДИК

Сумалакни бошладик биз, ё бисмилло,  
Қозонга ун, ёғ ташладик, ё бисмилло,  
Фотимани ёдга олиш қарзdir бизга  
Хар баҳорда сумалагим фарзлир бизга.

Қозонимиз атрофида қирқ фаришта,  
Шу сайдла қирқ фаришта ёрдир бизга,  
Замон-замон аталгандир бу сермалак,  
Доим бизга ҳамроҳ бўлсин қирқта малак (4).

## ҲОСИЛИМИЗ МЎЛ БЎЛСИН

Сумалакжон, сумалак,  
Мени сенга жоним ҳалак,  
Баҳор ёмғирли келсин,  
Ҳосилимииз мўл бўлсин,  
Бефарзандга фарзанд бер,  
Қаторимиз кўлайсин,  
Золимларга инсоф бер,  
Элу юртимииз гинч бўлсин! (5).

## **“АШШАДАРОЗИ” ЎЙНИ**

Қарийиб тўрт минг йилдан буён ҳалқимиз дилини мунавар туйғуларга тўлдириб келаётган наврўзи олам билан бўйдош қадимий анъаналардан бири сумалак пишириш билан алоқадор “Ашшадарози” ўйинидир.

Амударёнинг қуи оқими соҳилларига хос бу қадимий ўйин Хоразм ҳалқ театри анъаналарини ўрганган санъатшунос Т. Қиличев томонидан аниқланган. Олим 1974 йилнинг 10 нояброда Тўрткўл туманидаги “Қирққизобод” жамоа хўжалигида яшовчи 70 яшар Биби момо Қозиевадан сумалак пишириш пайтида ўйналадиган Ашшадарози номли ҳалқ ўйинининг этнографик тавсифи ва қўшиқларини ёзib олган.

Маълум бўлишича, “Ашшадарози” ўйини (Бу ўйиннинг этнофольклористик тавсифи Т. Қиличевнинг “Хоразм ҳалқ театри” (Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 70-75-бетлар) китобидаги маълумотлар асосида баён қилинади) сумалак пиширилаёттанди ташкил этилган. Бунинг учун икки ярим - уч метрлар чамаси узунликдаги таёқнинг учидан ярим метрлар пастрогидан кичикроқ бир таёқчани кўндаланг қилиб боғланган. Тепа қисмида кўл шакли ҳосил қилинган ана шу таёқка узун бўйли бир аёлнинг куйлагини кийгизишган ва унинг учига бир рўмолни ҳам танғиб, одам бошига ўхшатиб қўйганлар. Узун бўйли ёғоч қўғирчоқнинг бошига хоразмча дузий дўппи кийгизиб, устидан оқ ипак рўмол ташлаганлар. Узун куйлакли бу қўғирчоқ Ашшадарози деб аталган. Аёллардан бири қўғирчоққа кийгизилган узун куйлакнинг ичига кириб олади-да, Ашшадарозини кўтариб, сумалак пиширилаётган жойга олиб борган.

Одатда сўзга чечан, ҳалқ қўшиқларини маҳорат билан ижро эта оладиган аёлга Ашшадарози роли топширилади. У узун куйлакли сарвқомат қўғирчоқ - келинчакни кўтарганча даврага кириб борар экан, сумалак сайдига йигилган аёллардан бири эркакча кийиниб ўртага чиқади-да, шундай қўшиқ бошлиайди:

*Ашшадарози меварам,  
Вақти намози беварам,*

*Ўн бармогини ўйнатиб,  
Боққан онангга бир салом!*

Шунда Ашшадарози аввал сумалак сайлига бош-қош бўлиб турган табаррук момоларга, кадхудо-кайвониларга, сўнгра барча давра аҳлига таъзим қилиб, салом солади. Қиз-жувонлар унинг тавозе билан этилиб салом беришини зўр хурсандчилик билан олқишилайдилар. Эркакча кийинган хотин билан Ашшадарози ролини бажараётган аёл ўртасидаги айтишув эса давом эттирилади.

Этнофольклористик кузатишлар шуни кўрсатдики, “Ашшадарози” Хоразм воҳасида, шунингдек, Амударёнинг ўрта қисми соҳилларига яқин қишлоқларда анъанавий тарзда ижро этиб келинган ритуал ўйинлардан бири экан. Ҳалқ орасида “Ашшадарози” ўйини ташкил қилинмаса, сумалак қиёмига этиб пишмайди, сабаби хотин қизларнинг пири Биби Фотима сумалакка бош-қош бўлмайди” деган инонч манжудлиги ҳам бу ўйин ҳосилдорлик культи ва қут-барака билан боғлиқ рамзий маънога эгалигини кўрсатади.

Бизнингча, Ашшадарози ўйининг тарихий илдизлари “Авесто”да олов ҳамда эзгулик тимсоли сифатида талқин қилинган илоҳа Ашани шарафлашга бағишлиланган қадимги баҳорий удумлар билан алоқадор.

Маълумки, “Авесто”да эзгу сўз, эзгу ўй ва эзгу амал улуғланган бўлиб, дунёда ҳақгўйлик ва собит эътиқол билан яшаган кишилар ҳақ марҳаматига сазовор бўлади деб қаралган. Зардўштийлик мифологияси талқинига кўра, рўйи заминдаги ҳаётнинг боқийлиги ва кишилар турмушининг фаровонлигини таъминлаб турувчи эзгу кучлар мавжуд. Улар одамларни ҳар хил хасталиклардан ҳалос қиласди, ёбуз кучлар хуружидан сақлайди ва эзгу мақсад билан ният қилганларни муродига етказади деб тасаввур қилинган. Ҳусусан, “Авесто”ла ер юзидағи абадий ҳаётнинг тартиботини бошқариб турувчи *Asha* (баъзи манбаларда *Asha* тарзида ҳам ёзилган бўлса-да, биз таниқли инглиз авестошуноси М.Бойснинг фикрини кувватлаб, бу илоҳа номини *Asha* кўринишида ёзиш тарафдоримиз) одамларга тансиҳатлик, узоқ умр, фаровонлик ва қут-барака баҳш этувчи эзгу илоҳа сифатида тасвирланган.

*Аша* тўғрисидаги қадимий тасаввурларнинг юзага келиш тарихи, ўзига хос мифологик табиати ва зардўшийликдаги талқинлари хусусида тўла маълумот берувчи илмий тадқиқотлар яратилган бўлмаса-да, “Авесто”нинг турли қисмларида бу эзгу илоҳа билан боғлиқ ҳалқ қарашларини акс эттирувчи кўплаб лавҳалар мавжудлиги, шунингдек, “Орд яшт” деб аталган ўн еттингчи яшт эзгу тақдир ва баҳт тимсоли Ашага бағишланган алқовлардан иборатлигининг ўзи омад, барака ва эзгу ниятни ўзида мужассамлаштирган бу афсонавий образ “Авесто” мифологиясида муҳим ўрин тутганилигини кўрсатади.

Зардўшийларнинг қадим аждодлари қуёш ҳаракати, табиат ўзгаришлари ва йил фаслларининг муттасил ўрин алмашиб туриши, хуллас, оламдаги ҳаётни ўз измига солиб турувчи бир муқаддас куч бор деб ўйлаганлар. Бу илоҳий қудратнинг мифологик тимсоли “Авесто”да *Аша* сўзи билан ифодаланган. Аждодларимиз адолат, садоқат, ҳақгўйлик, жасорат каби хусусиятлар ҳам инсон вужудига *Аша* томонидан сингдирилишига ишонгандар ва бу эзгу илоҳа ҳақига курбонлик маросимлари ўтказиб, уни шарафловчи алқов матнларини ижро этганлар.

“Авесто”да *аша* тушунчаси ҳақиқат, эзгулик, ҳалоллик маъноларини ташийди ва риёкорлик, ёлғон, фиску фасод каби инсон табиатини бузадиган хусусиятларга қарама-қарши қўйилади. *Аша* сўзининг маъноси хусусида ҳам қизиқарли фикрлар билдирилган. М.Бойснинг ёзишича, “*аша* сўзини айнан таржима қилиш қийин, чунки бу сўз матнда ифодаланган мазмундан келиб чиқиб, турлича изоҳланади. Масалан, моддий олам ҳақила сўз юритилганда *тартиб*, ахлоқий масалаларга доир матнларда қўлланилганда эса ҳақиқат, адолат, солиҳ маъноларини англатади”. “Жаҳон ҳалқлари мифлари” қомусидаги “Аши” мақолосининг муаллифи Л.Лелековнинг фикрича, бу мифологик персонаж омад ва тўкин-сочинлик тимсолидир. И.М.Стеблин-Каменский эса рус тилига таржима қилган “Орд яшт” алқовидаги айрим тушунчаларга изоҳ берар экан, XVII-яшт эзгу баҳт-саодат илоҳаси *Ашага* бағишланганлиги, бу сўз лисоний-этимологик жиҳатдан олов культи билан боғлиқ *Ar-Ti* лексемасига алоқадорлигини қайд қиласди.

“Орд яшт” алқовида Ашанинг сарвқомат гўзал аёл, кучкудрат соҳибаси сифатидаги тимсолий қиёфаси тасвиранган

бўлиб, одамларга жисмоний қувват, қут-барака, саломатлик баҳш этувчи бу эзгу илоҳа шундай эъзозланади. “Авесто” мифологияси талқинича, *Аша* эзгулик қучларининг соҳиби Ахура Мазда билан Спента-Арманинг қизи, Сраоша, Рашну, Митраларнинг синглисидир. Кўнглида бирор орзуси бор киши сут қўшилган муқаддас неъмат-хаома тайёрлаган ва қўлида барсман новдаларини туттганча эзгу ўй, эзгу сўзу эзгу амал билан баралла овоз ила қут сўраб Ашани алқаган. Кимда-ким шарафнок Ашанинг номини эзгу мақсад билан тилга олса, ширин сўз ва пок дил билан эъзозласа ҳақиқат соҳибаси унга эш бўлиши муқаррар деб қаралган.

“Ўлмас малакларга сингил” бўлган эзгу илоҳа Аша ҳақиқат ва яхшиликни улуғловчи ҳар бир кишига мададкор. Яшта айтилишича, Аша эш бўлган зотларнинг отлари юлдузни кўзлаб гуркирайди, омад ёр бўлган соҳиби саодатларга ҳеч қандай ёвуз куч ҳам, гаразгўй душман ҳам дахл қилолмайди. Ашага топингланларнинг рўзгоридан кут-барака аримайди, экини серҳосил, чорваси бўлиқ, эл-юрти обод ва безавол бўлади. Чунки ҳамду шарафга мұяссар бўлган бу илоҳанинг ўзи ҳам бениҳоя гўзал: кўркам юзли Аша элу юрт узра нурин сочиб, роҳат улашади. Эзгу Аша қай уйга қадам ранжида қилиса, унда авлод томири узилмаслиги тайин.

Авестошунос олима М.Бойс наврўз байрамининг келиб чиқиши кўркам ва гўзал юзли илоҳа Аша тимсолида мужассамлаштирилган эзгуликни улуғлашғојси билан боғлиқлиги ҳақида шундай ёзади: “Унинг (яъни наврўз байрамининг - М.Ж.) авесточа номи биззача етиб келмаган. Кўклам келиши Аша-Вахишта ва оловга бағишлиланган байрам сифатида қадимдан тантана қилиб келингланлигига асосланган Зардўшт бу шодиёнани баҳорий тенгкунликда нишонлашни урф қилган. Етти байрамнинг энг сўнгги тантанаси сифатида у дунёнинг охирги кунини, яъни Аша батамом ғалаба қиласиган кунни англатган. Шу билан бирга ўтаётган Йилнинг охирги куни айни вақтда боқий ҳаётнинг янги куни ҳам эди. Бу байрам Йилнинг Ахурага тааллукли мавсуми-ёзнинг бошланиши ва ёвуз Рӯҳнинг ҳар йил эрта кўкламдаги мағлубиятидан далолат берарди” (қаранг: *Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи. - М.: Наука, 1987. - С.45).*

Демак, ёргулик ва яхшилик рамзи Ахура Мазда яраттан эзгу илоҳа Аша ҳамда олов шарафига бағишилаб ўтказилган қадимий баҳор байрамининг аждодларимиз томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келиниши асосида умумхалқ байрами-наврӯзи олам келиб чиққан. Зоро, ўзбек халқ афсоналарида ҳам наврӯзининг пайдо бўлиши қуёшнинг чиқиши, оловнинг кашф этилиши ҳамда кўкламнинг бошланиши билан боғлаб тасвирланиши ҳам бежиз эмас. Чунки бу байрам олов ва қуёш ҳомийси, эзгулик рамзи Аша номи билан боғланган бўлиб, қиши, совуқ, зулмат билан алоқадор ёвузликнинг рамзий мағлубияти, баҳор, иссиқлик ва рўйи заминла ҳаётнинг жўш уриши, нурли кунлар галабаси ифодасидир.

Бинобарин, “ашшадарози” ўйини ҳам эзгу илоҳа Аша ва олов шарафига ўтказилган қадимий баҳор байрами, яъни йилбоши шодиёналари тизимидағи рамзий ўйинлардан бири бўлиб, серҳосиллик ва қут-барака тилашғоясини ўзида музассамлаштирган удумдир. Фикримизни исботглаш учун қуйидаги далилларни келтирамиз:

*Биринчидан*, анъанага кўра, “Ашшадарози” ҳар йили кўкламда, сумалак пишираётган аёллар даврасида ташкил этилган. Бу ўйиннинг ташкил қилиниши қадимдан рамзий маънога эта бўлиб, сумалак қиёмига етиб пишиши учун бу ўйинни кўпчилик бўлиб ижро этишган. Бу эса “Ашшадарози” ўйини тарихий-генетик жиҳатдан рамзий маъно касб этганлиги ҳамда йилбоши тантаналари тизимидағи бу анъанавий ўйин ҳосилдорлик иончларига алоқадор тасаввурлар асосида юзага келганигини кўрсатади.

*Иккинчидан*, наврӯз удумлари тизимиға мансуб бўлган бу ўйин номини билдирувчи Ашшадарози атамасининг этимологик асоси ҳам “Авесто”нинг “Орл яшт” алқовида шарафланган эзгу илоҳанинг номи, яъни *Аша* лексемасига алоқадордир. Хоразм шевалари лексикасида *ашшадароз* сўзи мавжуд бўлиб, тилшунос Ф.Абдуллаевнинг изоҳлашибча, Урганч, Хива ва Хонқада бу сўз қўғирчоқ ўйини ва ҳаддан ташқари новча маъноларида кўлланилади.

*Ашшадарози* сўзи Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Жигачи қишлоғида ҳам қайд қилинган бўлиб, 1930 йилда туғилган Шарофат Мурод Олим қизининг айтишибча, қўғирчоқ

маъносини билдиради. Гарчи бу қишлоқда сумалак билан алоқадор бу қадимий ўйин ҳақидаги маълумотлар сақланиб қолмаган бўлса-да, шева лексикасида *ашшадарози* сўзининг мавжудлиги ҳам йилбоши байрамининг удумлари тизимига мансуб бу рамзий ўйиннинг тарқалиш ареали бирмунча кенгроқ бўлган деб холоса чиқаришга асос беради.

Бизнинг фикримизча, аслида икки лисоний уздан ташкил топган Ашшадарози атамасининг биринчи қисми, яъни *ашша сўзи* “Авесто”даги эзгу илоҳа *Asha* (ёки *Aши*)нинг айнан ўзи бўлиб, *дароз* эса *новча*, узун бўйли, *сарвқомат* маъноларини англатади. Шунга кўра, Ашшадарози атамаси *сарвқомат* илоҳа *Asha* деган маънони билдиради деб ҳисоблаймиз.

Зеро, “Орд яшт”да ҳам туғма оқил зот сифатида таърифланган Ашанинг сарвқоматлиги, қадду қомати кўркамлигига алоҳида ургу берилаган: “*O, Asha, тангриберган, бошқаарсан туриб ғоз, бўрлиқнинг улугъ чархин*”.

**Учинчидан.** “Ашшадарози” узун куйлак кийган аёл сувратида тасаввур қилинган ва сумалак сайлида ана шундай ёғоч кўғирчоқни кўтариб олган бир аёл унинг номидан қўшиқ айтган. Бинобирин, “Орд яшт” талқинича, эзгу Аша “Ахурунинг қизи бўлиб, ўлмас малаклар сингил деб билган зот”дир.

**Тўртминчидан,** “Ашшадарози” ўйинининг ижро этилиши сумалак пишириш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлиб, то қуёш чиққунига қадар давом этган. Бу эса мазкур ўйин олов ва қуёш тимсолини ўзида мужассамлаштирган Аша образи билан алоқадорлигидан далолат беради.

Назаримизда, қадимда эзгу илоҳа Ашадан қут-барака тиляш мақсадида унинг ҳақига қурбонлик қилиш маросимлари ўтказилган ва ана шу маросимларда буюк куч-кудрат соҳибаси сифатида эъзозланган бу сарвқомат илоҳанинг юз кўрсатиши, яъни унинг муруввватига эришиш ниятида уни шарафловчи алқов сўзларини айтиб, турли хил рамзий амаллар бажарилган. “Ашшадарози” ўйинида бошига ҳарир рўмол ташлаб олган қўғирчоқ-қизга қўшиқ орқали мурожаат қилаётган “йигит” ундан юзини, қадди-бўйини кўрсатишини сўраб мурожаат қилиши ҳам ана шу қадимий ритуалларнинг ўйин ҳараратига кўчган кўрининиидир.

Юқоридаги таҳлиллардан шундай холоса чиқариш мумкини, мамлакатимиз ҳудудида қадим замонларда шаклланган

юксак деҳқончилик маданияти ҳосилдорлик культи ва қутбарака тилаш билан боғлиқ мифологик иончларга асосланган кўплаб аттарар маросим ва анъаналарнинг юзага қелишига ҳам замин ҳозирлаган. Табиатнинг баҳорий янгиланиши ва баракали меҳнат мавсумининг бошланишини нишонлаш тантанаси-наврӯз байрамининг тарихий асослари ҳам қадимги аждодларимизнинг сув, ҳаво ва тупроқни эъзозлаш билан алоқадор қадимий анъаналарида ўз ифодасини топган ҳосилдорлик фоялари, қуёш ва оловни боқий ҳаёт манбай сифатида қадрлаш билан боғлиқ удумлари ҳамда самовий тартибот соҳибаси бўлган эзгу Ашани шарафлаш мақсадида ўтказилган мавсумий маросимларга бориб тақалади. Наврӯз байрами тарихининг зардўшийлик даврида илоҳа Ашага бағишланган маросимлар йилбоши тантаналари тизимининг муҳим узвларидан бири ҳисобланган.

Кенг омма томонидан ҳар йил кўкламда эзгулик тантанаси сифатида анъанавий тарзда ўтказиб келинган наврӯзи олам байрамининг кўл асрлик тадрижий ривожи давомида унинг таркибидағи баъзи удумлар такомиллашиб, айримлари йўқолиб, халқимизнинг юксак эстетик салоҳиятини ўзида намоён этган янги узвлар билан бойитилган. Ана шу этнофольклорий жараённинг тарихий-тадрижий ривожи давомида йилбоши байрамининг келиб чиқишига асос бўлган энг қадимий маросимлардан бири-эзгу илоҳа Аша ҳамда олов (куёш)ни шарафлаш билан боғлиқ ритуаллар ўзининг дастлабки мифологик моҳиятини йўқотиб, наврӯзниң шоҳ таоми-сумалак пишириш анъанаси тизимидағи халқ ўйинларидан бири сифатида бизнинг кунларгача сақланиб қолган.

Халқимизнинг сумалак сайли удумида қайд қилинган “Ашшадарози” ўйини ҳам “Авесто”да улуғланган эзгу илоҳа Ашани эъзозлаш, ундан қут-барака тилаш, оловни мўътабарлаштириш ҳамда келаётган янги йилнинг ҳосили мўл бўлишини таъминлаш мақсадида ўтказилган қадимий маросимлар асосида келиб чиқкан.

“Ашшадарози” ўйини пайтила қуйидаги лапар-кўшиқ айтилган:

*Кайвони:*

Ашшадарози меварам,  
Вақти намози беварам,  
Үн бармоғини ўйнатиб,  
Қизил тилини сўзлатиб,  
Боққан онангга бир салом.

*Йигит:*

Ашишадарози меварам,  
Вақти намози беварам.  
Болингни кўрсат манга,  
Рўмollар олай санга,  
Ман кетаман шахри Кўқон,  
Мандан нишон қолсин санга.

*“Аишадарози”:*

Бошимни кўрсатмайман,  
Рўмollар олмайманам,  
Маломатга қолмайманам,  
Кетсанг бошим садофаси.

*Йигит:*

Ашшадарози меварам,  
Вақти намози беварам,  
Бурнингни кўрсат манга,  
Олтин аравак<sup>1</sup> олай санга,  
Ман кетаман шахри Кўқон,  
Мандан нишон қолсин санга.

*“Аишадарози”:*

Бурнимни кўрсатмайман,  
Олтин аравак олмайманам,  
Маломатга қолмайманам,  
Кетсанг бошим садофаси.

*Йигит:*

Ашишадарози меварам,  
Вақти намози беварам,

---

<sup>1</sup> “аравак” - бурунга тақиладиган қадимий тақинчоқ.

Бўйингни кўрсат манга,  
Зар кўйлаклар олай санга,  
Ман кетаман шаҳри Кўқон,  
Мандан нишон қолсин санга.

*“Аишадарози”:*  
Бўйимни кўрсатмайман,  
Зар кўйлаклар олмайманам,  
Маломатга қолмайманам,  
Кетсанг бошим садоғаси.

*Йигит:*  
Ашшадарози меварам,  
Вақти намози беварам,  
Бармогингни курсат манга,  
Олтин узук олай санга,  
Ман кетаман шаҳри Кўқон,  
Мандан нишон қолсин санга.

*“Аишадарози”:*  
Бармогимни кўрсатмайман,  
Олтин узук олмайманам,  
Маломатга қолмайманам,  
Кетсанг бошим садоғаси.

*Йигит:*  
Ашшадарози меварам,  
Вақти намози беварам,  
Кулогингни кўрсат манга,  
Олтин сирға олай санга,  
Ман кетаман шаҳри Кўқон,  
Мандан нишон қолсин санга.

*“Аишадарози”:*  
Кулогимни кўрсатмайман,  
Олтин сирға олмайманам,  
Маломатга қолмайманам,  
Кетсанг бошим садоғаси.

*Йигит:*

Ашшадарози меварам,  
Вақти намози беварам,  
Оёгингни кўрсат манга,  
Муза ковуш олай санга,  
Ман кетаман шаҳри Кўқон,  
Мандан нишон қолсин санга.

*“Ашшадарози”:*

Оёгимни кўрсатмайман,  
Муза ковуш олмайманам,  
Маломатга қолмайманам,  
Кетсанг бошим садоғаси.

*Йигит.*

Ашшадарози меварам,  
Вақти намози беварам,  
Қўлингни кўрсат манга,  
Билозик<sup>1</sup> олай санга,  
Ман кетаман шаҳри Кўқон,  
Мандан нишон қолсин санга.

*“Ашшадарози”:*

Кулимни кўрсатмайман,  
Билозик олмайманам,  
Маломатга қолмайманам,  
Кетсанг бошим садоғаси (6).

---

<sup>1</sup> “билозик” - билакузук

## **ҲАЛИНЧАКДА КЕЛИНЧАК**

*(наврӯзда ҳалинчак учиш удуми билан боғлиқ қўшиқлар)*

Наврӯз байрамининг ўзига хос анъаналаридан бири – ҳалинчак учиш удумидир. Бу одат халқимизнинг энг қадимий қадриятларидан бири бўлиб, унинг келиб чиқиши ҳам бевосита наврӯз байрамининг шаклланиши билан боғлиқдир. Зоро, улуғ юртдошимиз Абу Райхон Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарида келтирилган қуйидаги афсона ҳам шу фикрни тасдиқлайди: "Жамшид ўзига арава ясаттириб олгач, ўша куни аравага чиқди. Жинлар ва шайтонлар уни ҳавога кўтариб, бир кунда Дунбованддан Бобилга олиб бордилар. Одамлар бу ажойиб воқеани кўргач, ўша кунни ҳайит қилдилар ва Жамшиднинг аравада учишига тақлид қилиб, арғим-чақларда учдилар" (Абу Райхон Беруний. Таъланган асарлар. 1-том. – Тошкент, 1968, 255-бет).

Демак, ҳалинчак учиш удуми қиси фасли ўз ниҳоясига етиб, фарахбахш кўклам бошланадиган ажиб фаслнинг гаройиб анъаналаридан бири сифатида юзага келган. Унинг келиб чиқиши наврӯз билан боғлиқлиги эса мазкур ўйин гоятда қадимилигидан далолат беради.

Ҳалинчак учиш ўйини халқимиз томонидан асрлар мобайнида авайлаб-асраб келинган азалий қадрият эканлигини XI асрда яшаб ижод қилган машҳур тилшунос олим Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луготит турк" номли асарида келтирилган бир маълумот ҳам тасдиқлайди. У ўща даврда аждодларимиз орасида урф бўлган "Йалиғу" номли ўйинни тавсифлаб, қуйидагиларни ёзган эди: "бу жориялар ўйнайдиган бир хил ўйин номи. Шундайки, арқоннинг икки учи бир дарахтга ёки устунга бошланади, сўнг уларнинг бири арқон ўртасига ўтиради – оёқларини сакратиб, баъзан юқори, баъзан қуи тушиб учади" (Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. 3-том. – Тошкент, 1963, 390-бет).

Анъанага кўра, байрам кунлари қиз-жуvonлар тўпланишиб,

боғ сайрига чиққанлар. Азим ўрикларнинг бақувват шохларига арқон ташлаб, аргимчоқ – ҳалинчаклар ясалади, ҳамма на-вбати билан аргимчоқ учади. Бухоро вилоятининг Коракўл ту-манидаги Тангачар қишлоғида яшовчи Яхшигул момо Мулла Ниёзберди қизининг айтишича, кимки наврўзда аргимчоқ учса, йил бўйи билиб-билмай қилган гуноҳлари тўкилармиш. Шу боис, кекса момолар ҳам "Аргимчоқ учсан, савоб бўлади! Оғир-лигимиз ерга тўкилади, қушдек енгил бўламиз!" – дейишиб, ҳазил-хузул билан аргимчоқ учишган. Набиралари эса "момо-мизнинг ёшига етайлик" деган эзгу ниятда аргимчоқнинг ипи-дан тугиб ҳаракатлантирадилар.

Турмушга чиқмаган қизлар, фарзанд кутаётган келинчак-лар аргимчоқни баландлатиб, ҳаволатиб учишга ҳаракат қила-дилар. Улар ҳар гал шўх кулгу билан ўрикнинг энг баланд шохидаги оппоқ гуллар орасидан эндиғина бўртиб чиққан яп-роқни узib олишга интиладилар. Фольклоршунос олим О.Са-фаровнинг аниқлашиб, тўё аргимчоқ учайдан келинчак да-рахт учидан япроқ узib ололса, жамики ўйлаган ниятларига етаркан (Сафаров О. Ўзбек халқ болалар поэтик фольклори. – Тошкент.: Ўқитувчи, 1985, 92-бет).

Аргимчоқ учиш удуми наврўзимизнинг ўзи каби ўта қади-мий анъаналар сирасига киради. Минг йиллар давомида на-врўзнинг кўрки бўлиб келган бу удум бизнинг кунларимизда янгича чирой, кўрк касб этмоқда. Наврўз байрами билан боғлиқ қадимий удумлар тикланаётган ушбу саодатли даврда хал-қимизнинг аргимчоқ учиш анъанаси билан боғлиқ хилма-хил кўшиқлари ҳам баралла янграши табиийдир.

## ҲАЛИНЧАГИМ, ҲАЛИНЧАК

Ҳалинчагим, ҳалинчак,  
Ҳалинчакда Ҳадича,  
Ҳалинчакда учайлик,  
Куч-ҳолимиз етгунча.

Ҳалинчагим, ҳалинчак,  
Қизлар бўлар куйинчак,

Ҳалинчакда учмаган  
Бола бўлар етимчак.

Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак,  
Учавергин келинчак.  
Қошга ўсма ярашар,  
Қўш чаккага бойчечак.

Қирга қўйни қўйдингми?  
Сутдан тўйиб ичдингми?  
Норни<sup>1</sup> уйга жўнатиб,  
Ҳалинчакда учдингми?

Бекка чопон бичдингми?  
Тушга айрои ичдингми?  
Бекни сойга жўнатиб,  
Қўшиқ айтиб учдингми?

Тонгда шамол эсганда,  
Ҳалинчакда учдингми?  
Ҳалинчакда учган сўнг,  
Кушдай бўлиб учдингми?

Қизгина, ҳо, қизгина,  
Учгин сен ҳалинчакда,  
Үйқинг бузсин ҳар доим,  
Ҳамроҳинг беланчакда.

Ҳалинчак уч Хадича,  
Сен бўласан келинчак.  
Эрта-индин уйингда,  
Толдан бўлар беланчак.

Беланчакда “инга”лар,  
Сенинг боланг келинчак,  
Унга совға қилиб бер,  
Ўзинг учган ҳалинчак (!).

<sup>1</sup> “нор” - бу ўринда, “келинчакнинг ёри, эри” маъносидা.

## **ҲАЛИНЧАК**

Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак,  
Ҳалинчакда келинчак,  
Салтлигини соғинган-о,  
Келинчаклар куйинчак.

Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак,  
Учавергин келинчак.  
Кўзга сурма ярашар,  
Қўш чаккага қўш чечак,  
Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак,  
Ҳалинчакда келинчак.

Бойга чопон бичдингми,  
Тушда айрон ичдингми?  
Бойни қўйга жўнатиб,  
Ҳалинчакда учдингми?  
Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак,  
Ҳалинчакда келинчак.

Келинчак, ҳо, келинчак,  
Үйқинг бузсин “инга”лар,  
Эртаму кеч беланчак,  
Олиб келсин янгалар,  
Ҳалинчак, ҳо, ҳалинчак,  
Ҳалинчакда келинчак (2).

## **ҲАЛГИНЧАГИМ ҲАЙЛА**

Ҳалгинчагим ҳайла,  
Отинг толга бойла,  
Отинг толга турмаса,  
Гулхайрига бойла,  
Гулхайрининг гули кўп,  
Бой бувамнинг ули куп,

Бойнинг ули қуюнчак,  
Ҳалгинчак уч, келинчак.

Тақрон-тақрон тозаси,  
Юрт ошар овозаси,  
Ҳалгинчак учган қизнинг,  
Шакардан андозаси.  
Шакар-шакарга кетди,  
Тилло ковушга етди,  
Ҳовли ичи тойинчоқ,  
Ҳалгинчак уч, келинчак (3).

### ҲАЛГАНЧАК УЧДИМ

Ҳалганчак учдим, учдим,  
Шолипояга тушдим,  
Пешонамдан ўргилай,  
Севган ёримга тушдим.

Сув келади лойланиб,  
Қўлимда узук айланиб,  
Алрасдан тўнлар тикай,  
Тўгикушдай шайланиб (4).

## БОЙЧЕЧАГИМ БОЙЛАНДИ

(“Бойчечак сайли” маросими билан боғлиқ құйшиқлар)

Мамлакатимиз худудида анъанавий тарзда ўтказиб келингандык гул сайлларининг энг қадимииси ва кең тарқалғани “Бойчечак сайли” ёки “Бойчечак хабари” маросими ҳисобланади. Зарафшон дарёси соҳилида истиқомат қилувчи аҳоли ҳар йили эрта кўкламда илк бойчечаклар очилиши биланоқ “Бойчечак гулгардони” номли анъанавий сайлни ўтказиш учун дала-қирларга ошиқишиган (Тульцева Л.А. Современныс праздники и обряды. – М.: Наука, 1985. – С.107-108).

ХХ асрнинг 20-йилларида Зарафшон воҳаси буйлаб утказилган этнографик экспедиция қатнашчиси О.А.Сухарева Самарқанд шаҳри яқинидаги қишлоқлардан бирида бойчечак билан боғлиқ маросимни кузатишга муваффақ бўлган. Унинг ёзишича, “бойчечак чиққанлигининг илк даракчилари болалар ҳисобланган. Одатда ўғил болалар тўп-тўп бўлишиб, далаға чиқишиди ва қор кетган ўнгирларда очилиб ёттан бойчечакларни теришади. Улар баҳор нафаси уфуриб турган бойчечаклардан жажжигина гулдаста ясашиб, қишлоққа қайтиб келишиади ва бойчечак қўшигини куйлаганча, уйма-уй кириб чиқишиади. Кексалар, касалванд кишилар бойчечакни кўзлалига суртишиб, болаларга нон, қанд, ширинлик ҳадя этадилар” (Сухарева О.А. Праздневств цветов у равнинных таджиков (конец XIX – нач. XX вв.) // Древние обряды, верования и культуры народов Средней Азии. – М.: Наука, 1986. - С.31-32).

“Бойчечак сайли” ёки “Бойчечак хабари” маросими қадимдан наврӯз олди шодиёналаридан бири сифатида ўтказиб келинган. Баъзи жойларда болалар бир даста бойчечакни узун ходанинг учига боғлаб олганлар ва уни кўтариб қишлоқ айланганлар. Бойчечак чиққанлиги - қиши-қирорли кунлар ортда қолиб, кўклам яқинлашганлигини англатган. Шунинг учун кекса ва касал одамлар болалар олиб келган бойчечакни юз-кўзларига суртиб, ундан яқинлашаётган баҳор ҳидини туйтган-

лар. Соғ-омон наврўзга етиб келганиклариға шукронна айтиб, “Омонлик, омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик, янаги йил шу кунларга эсон-омон етайлик! Оғирлигим ерга, енгиллигим ўзимга” деганлар.

ХХ асрнинг бошида Тошкент шаҳрининг Бешёғоч даҳасида бойчечак очилиши болалар учун бамисоли байрамга айланиб кетган. Улар саккиз-ўн нафар бўлиб, бойчечак теришган ва кўчама-кўча юриб, ёши улуғ кишилар ва кўпдан бўён бетоб бўлиб ётган маҳалладошлиариға бойчечак олиб боришган. Бойчечак кўтарган болалар ҳар бир уй олдига келганда:

*Бойчечагим бойланди,  
Қозон тўла айронди,  
Айронингдан бермасанг,  
Қозон-товоқинг вайронодир.  
Қаттиқ ердан қазилиб чиққан бойчечак,  
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак.*

*Бойчечакни тутдилар,  
Тут ёғочга осдилар,  
Қилич билан чопдилар,  
Бахмал билан ёпдилар,  
Қаттиқ ердан қазилиб чиққан бойчечак,  
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак, - деб қўшик*  
айтганлар. Мободо уй згаси бирор юмуш билан банд бўлиб,  
ҳадеганда “бойчечакчи”лар ҳузурига чиқавермаса, болалар:

*Овратманг, овратманг,*  
*Болаларни жовратманг!* - дейишган. (Пещерева Е.М. Некоторые игры среди оседлого населения Туркестана // Бюллентень САГУ. Вып.11. – Ташкент, 1925. - С.92)

Тошкент вилоятининг тоф олди қишлоқларида эса “Бойчечак сайли” ўзига хос тарзда ўтказилган. Фольклоршунос Ш.Галиевнинг маълумотлариға Қараганда, даста-даста бойчечак териб олган болалар тўп-тўп бўлишиб қишлоқ айланишган ва ҳар бир хонадон эшиги олдига борганда:

*Адирлар тўла чечак,  
Биз келдик уча-уча,*

## *Бойчечагим, бойчечак,*

*Кутиб олинг, ҳой чеча, - деб қушиқ айтганлар.* Уй эгалари эса болалар олиб келган садафдек оппоқ бойчечакларни юз-кўзларига суртиб, тавоғ қилганлар ва “Омонлик, омонлик, илоҳим ҳеч курмайлик ёмонлик!” - деб болаларни алқаганлар. Ҳар бир хонадон соҳиби бойчечак хабарини келтирган болакайларни бирорта тансиқ ширинлик билан сийлашга ҳаракат қылган. Бундан хурсанд бўлган болалар эса:

## *Бойчечак келтирдик эшигингизга,*

*Худойум ўғил берсин бешигингизга, - деб қушиқ айтиб, бошқа хонадон сари отланганлар.* Баъзи болалар эса уй эгасининг фарзанди ўғил бўлишига истак билдириб қуидаги қушиқни ҳам куйлашган:

*Ҳурли бўлинг, ҳурли бўлинг,*

*Бойчечакдай гулли бўлинг,*

*Келаси йил шу маҳал,*

*Қўш кокил ўғилли бўлинг!* (Галиев Ш. Ўзбек болалар ўйин фольклори. – Тошкент: Фан, 1998, 73-74-бетлар).

Ўтган асрнинг 20-йилларида маросим фольклори ва ҳалқ ўйинларига доир материалларни тўплаш мақсадида Тошкент вилояти бўйлаб фольклор экспедициясида бўлган Е.М.Пешчерева Бурчмуллада болалар томонидан “Бойчечак сайли”да айтиладиган қуидаги қўшиқни ёзib олган:

*Олатой, булатой,*

*Мен сени ўўргалатай,*

*Ўўрга отим ўлибди,*

*Гўштини кимга сотай?*

*Банди, бандига сотай,*

*Банди кетармон бўлти,*

*Хотин оларман бўлти,*

*Хотинининг кучи йўқ,*

*Чачвонининг учи йўқ,*

*Ошиқ ўйнар ўғли йўқ,*

*Кашта тикар қизи йўқ* (Пешчрева Е.М. Кўрсатилган мақола, 93-бет).

Ана шу матн ҳам қадимда “Бойчечак сайли” удумининг

ўзига хос кўшиқлари ва расм-руsumлари мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Наманган вилоятида кўкламги биринчи чечак – “гулбар-ра” очилганда “Бўка-бўкавой” маросими ўтказилган. “Гулбар-ра” сап-сариқ рангли лолага ўхшаш гулнинг номи бўлиб, бу гулнинг очилганини кўрган болалар дала-қирларга ошиқадилар. Улар гулбаррадан бир даста териб олиб, кичкина таёқчанинг учига боғлайдилар ва уни кўтариб уйма-уй юрадилар. Ҳар бир хонадон эшигини тақиллатаётган пайтда улар:

*Бўка, бўкавой, бойтилла,  
Ўйингизга чоч тилла,  
Худойим ўғил берсин,  
Унинг оти Раҳматила,  
Ўлатириб чиқинг,  
Ёюч товоқни,*

Тўлдириб чиқинг, - деб қўшиқ айтишади (Пещерева Е.М. Некоторые игры среди оседлого населения Туркестана // Бюллетень САГУ. Вып.11. – Ташкент, 1925. - С.92).

Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги Қорақурсоқ қишлоғида истиқомат қиливчи Ҳазраткул Муҳаммадқуловнинг айтишича, одатда даивнинг 2-3 куни «қантар оғади», яъни ер тагига иссиқ киради. Қантар оғандан кейин қори кетган бет-кайларда бойчечак кўрина бошлайди. Бойчечакнинг энг кўп очилиш даври эса асосан хут ойига туғри келади. Бу баҳорий чечак очилганда болаларнинг «Бойчечак» қўшигини айтиш одати мавжуд бўлган. Айтишларича, бойчечак чиққанда «бултурғи одамлар бу йил ҳам бор экан» дер эмиш. Шунинг учун болалар бойчечакдан даста-даста териб, қишлоқдаги ҳамма одамларга тарқатиб чиқишиган.

## **БОЙЧЕЧАК ЧИҚИБДИ, БУГУН НАВРЎЗ ЭКАН**

Бойчечак чиқибди, бугун наврўз экан,  
Ҳамма бир-бирига жигарсўз экан,  
Оlam ҳам баробар кеча-кундуз экан,  
Бойчечак чиқибди, бугун наврўз экан.

Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой бобо,  
Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой момо,  
Янги йилингиз муборак бўлсин, ҳой она,  
Бойчечак чиқибди, бугун наврўз экан.

Ҳой, боғбон бобо, ниҳолга берсин барака,  
Ҳой, леҳқон бобо, далангга берсин барака,  
Ҳой, чўпон бобо, қўрангга берсин барака,  
Бойчечак чиқибди, бутун наврўз экан (1).

## БОЙЧЕЧАГИМ, БОЙЧЕЧАК

Бойчечакнинг боласи,  
Қулоғида донаси,  
Донасини олайлик,  
Югуриб чиқсин онаси,  
Бойчечагим, бойчечак,  
Териб олдим хушчақчақ,  
Бойчечагим, бойчечак,  
Териб олдим бир этак.  
Бойчечак гул аслидир,  
Наврўз фаслин наслидир,  
Бойчечагим, бойчечак,  
Кутиб олай хушчақчақ.  
Бола, бола, бойчечак,  
Этак тўла бойчечак,  
Бойчечагим ҳиллолик,  
Ҳамён-ҳамён тиллолик.

Ҳаммаёқ гул-лолазор,  
Гуллардан биз терайлик,  
Бола-бола, бум, бойчечак,  
Этак тўла бойчечак,  
Бойчечагим ҳиллодир,  
Ҳамён-ҳамён тиллодир,

Тиллолардан олайлик,  
Атрофга гул сочайлик,  
Териб олинг болалар,  
Дала-қирда лолалар.  
Бака-булдур-банг, бойчечак,  
Бака-булдур-банг, бойчечак,

Бака-бака бойчечак,  
Бака-бака бойтилла,  
Бойнинг қизи Ойтилла,  
Ойтиллахон, Ойтилла,  
Ишни қилдинг қай пилла?  
Ишни чала қилибсан,  
Кулгуга сен қолибсан.

Бака-бака бой билан,  
Қүён қочди сой билан,  
Қозонга ёғ солдингми?  
Уйма, чўзма қилдингми?  
Уймадан ўйиб олдик,  
Чўзмадан чўзиб олдик,  
Бака-бака бум бойчечак,  
Бойчечагим бойчечак,  
Териб олдим бойчечак (2).

## БОЙЧЕЧАГИМ БОЙЛАНДИ

Бойчечагим бойланди,  
Қозон тўла айронди,  
Айронингдан бермасанг,  
Қозонларинг вайронди,  
Қаттиқ ердан қаталаб чиқсан бойчечак,  
Юмшоқ ердан юмалаб чиқсан бойчечак.

Бойчечакни тутдилар,  
Тут ёғочга осдилар,  
Қилич билан чопдилар,

Бахмал билан ёпдилар.  
Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак,  
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак.

Оғритманг-о, оғритманг,  
Болаларни жавратманг,  
Бойчечагим боласи,  
Күлөнди донаси,  
Донасини олай десам,  
Чиқиб қолди онаси,  
Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак,  
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак.

Бойчечагим бойланди,  
Күчама-күча айланди,  
Бойчечагим күк сомса,  
Чүнтакларга жойланди,  
Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак,  
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак.

Бойчечагим бойланди,  
Қозон тұла айронди,  
Айронингдан бермасанг,  
Қозонларинг вайронди.  
Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак,  
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак (3).

## БОЙЧЕЧАГИМ ҲИЛЛОЛИК

Бойчечагим ҳиллолик,  
Ҳамён-ҳамён тиллолик,  
Ҳамма бозор - бир бозор,  
Теварак-чети лолазор.  
Лолазор хазон бўлибди,  
Олимқул жувон ўлибди,  
Бала-бала-бум, бойчечак,  
Бала-бала-бум, бойчечак.

Бака-бака-бум, бойчечак,  
Бака-бака-бум, бойтилла,  
Боряптилар бой билан,  
Күён қочти сой билан,  
Қозонга ёғ солдингизми,  
Уйма, чўзма қилдингми?  
Уймадан ўйиб олдик,  
Чўэмадан чўзиб олдик (4).

## **БОЙЧЕЧАГИМ БОЙИРОН**

Бойчечагим бойланди,  
Қалбимизга жойланди,  
Чиқиб салом бермасанг  
Кувончларинг вайрондир.

Бойчечагим бойирон,  
Гуллар ичра айрон<sup>1</sup>,  
Айронингдан ичмайман,  
Баҳоримдан кечмайман (5).

## **БОЙЧЕЧАГИМ АСИЛДИР**

Бойчечагим асилдир,  
Гўзал баҳор фаслидир,  
Келса кўклам наврўзи,  
Сумалаклар асалдир (6).

## **ЭТАГИМ ТЎЛА БОЙЧЕЧАК**

Бойчечагим, бойчечак,  
Этагим тўла бойчечак,

<sup>1</sup> “айрон” - ажратиб турадиган маъносида.

Бойчечагим бойланди,  
Тегирмонлар айланди.

Бойчечагим боласи,  
Кулогида донаси,  
Донасини олай десам,  
Югуриб чиқди онаси.

Бойчечагим очилди,  
Қирга тилла сочилди.  
Бойчечагим аслидур,  
Асли самарқандилур,  
Бойчечак, бойчечак (7).

## БОЙЧЕЧАКНИ АЙТГАНДА

Бойчечак иллодир,<sup>1</sup>  
Хамён газак<sup>2</sup> тиллодир,  
Бойчечагим иғоди,<sup>3</sup>  
Тасби эриб чигоди.  
Бойчечакни айтганда  
Хамма жойим тиллодир.  
Оққурғон кўп баланддир,  
Оққурғондан ошайлик,  
Холи гилам тўшайлик,  
Холи гилам устита  
Найар ипак эшайлик,  
Найар ипак тутунчак,  
Моҳлар опам келинчак,  
Моҳлар опам тувупти,  
Оқ куйлагин ювибди,  
Оқтеракка ёйибди (8).

<sup>1</sup> «иллодир» – олдин чиққан маъносини англатади.

<sup>2</sup> «газак» - тўлган

<sup>3</sup> «иғоди» - энгашади

## **ЮМАЛАБ ЧИҚҚАН БОЙЧЕЧАК**

Бойчечак, бойчечак,  
Бойчечакнинг онаси,  
Кулонида донаси,  
Донасини олай десам,  
Чўччанглайди боласи.

Қаттиқ ердан қалтираб чиққан бойчечак,  
Юмшақ ердан юмалаб чиққан бойчечак,  
Ўтириб чиқинг, ўтириб чиқинг,  
Елпиштовоғди тўлдириб чиқинг (9).

## **БЎТА, БЎТА, БОЙЧЕЧАК**

Бўта, бўта, бойчечак,  
Ариқ бўйи ойчечак,  
Бойчечакнинг боласи,  
Қорнидаги донаси,  
Бўта, бўта, бойчечак,  
Ариқ бўйи ойчечак.

Юмрон ўтдек юмалаб чиққан, бойчечак,  
Қаттиқ ўтдек қазилиб чиққан, бойчечак,  
Бўта, бўта, бойчечак,  
Ариқ бўйи ойчечак.

Ўлтириб, чиқинг, ўлтириб чиқинг,  
Ёвоштовоқни тўлдириб чиқинг,  
Бўта, бўта, бойчечак,  
Ариқ бўйи ойчечак,  
Бўта, бўта, бойчечак,  
Баҳор келса ойчечак,  
Кўз-кўз қилиб ҳуснини,  
Очилиб чиқсин ойчечак (10).

## БОЙЧЕЧАК АЙТГАН БИЛАН ТҮЯМИЗМИ

Ассалому алайкум, бизлар келдик,  
Кўргали, кўриштали салом бердик,  
Ассалому алайкум ётган бойлар,  
Эчки, кўй, подага ботган бойлар,  
Эчки, кўй, подани киминг ҳайдар,  
Елкалари ялпиллааб қулинг ҳайдар,  
Қаттиқ ердан қақраб чиқсан бойчечак, бойчечак,  
Юмшоқ ердан югуриб чиқсан бойчечак, бойчечак.

Бойчечак айтган билан тўямизми,  
Бурунгининг қаъдасини қўямизми,  
Бойчечагим билла, бойчечак, бойчечак,  
Хамён тўла тилла, бойчечак, бойчечак,  
Ўша тилладан берсангиз, бойчечак, бойчечак,  
Ўғлингиз бўлсин мулла, бойчечак, бойчечак.

Бойчечагим боласи, қулоғида донаси,  
Донасини олай десанг, югуриб чиқади онаси,  
Бойчечак айтиб келдик эшигингизга,  
Кўчкордек ўғил берсин бешигингизга.  
Бойчечакни айттар экан Ҳаким ота,  
Бошида катта дастор, белида бўта.  
Бойчечак, бойчечак.

Ўнқир-чўнқир срлардан юриб келдик,  
Бой акамнинг ҳимматин билиб келдик,  
Ойга қараб кўтаринг билагингиз,  
Ойда берсин худойим тилагингиз,  
Кунга қараб кўтаринг билагингиз,  
Кунда берсин худойим тилагингиз.  
Бойчечак, бойчечак.

Қўшариқдан иргиган кўйнинг изи,  
Қўша рўмол беради бойнинг қизи,  
Қўша рўмол берса-берсин белимизга,  
Мақтаб-мақтаб кетайлик элимизга,  
Бойчечак, бойчечак.

Олиб чиқинг унини мойи билан,  
Болалар қўймоқ қилсин жойи билан,  
Бойчечак, бойчечак.

Сув қайнаган қозонингда мой қайнасин,  
Тўрингда тўрт-беш ўғлинг жайранглесин,  
Насибаси ортиқ бўлсин болаларнинг,  
Ўйнаб-кулиб ёнбошингда мой чайнасин,.  
Эшигингнинг олди ўр бўлсин,  
Сенга келган балонинг икки кўзи кўр бўлсин,  
Бойчечак, бойчечак.

Шул уйнинг эшиги энгашади,  
Бой билан бойбича кенгашади,  
Бой айтади: қўтондан қўй берамиз,  
Бойбича айтади: бўқчадан тўн берамиз,  
Бойнинг қўйи қўтондан қочиб кетди,  
Бойбичанинг тўни шамолга учиб кетди,  
Бойчечак, бойчечак.

Бойчечагим бийрон,  
Қозон тўла айрон,  
Айронингдан бермасант,  
Қозонларинг вайрон,  
У бозор билан бу бозор,  
Тевараги лолазор,  
Бойчечак, бойчечак.

Моможон ухлаб қопсиз хурра-хурра,  
Супрангизни ит тортибди тирра-тирра,  
Супрангизнинг қийигини келтирайлик,  
Уни тортган итларни ўлдирайлик,  
Ўнқир-чўнқир ерлардан юриб келдик,  
Бой бобонинг уйи шу деб топиб келдик,  
Бойчечак, бойчечак.

Болалар, болалар, бойга фотиҳа беринглар,  
Бой бувам яна бой бўлсин,

Мингани йўрға той бўлсин,  
Жабагадаги кигизидан,  
Ёмғир ёғса ўтмасин,  
Худой берган кенг давлат,  
Тепкиласа кетмасин,  
Ичкани қатиқ бўлсин,  
Насибаси ортиқ бўлсин,  
Бойчечак, бойчечак (11).

## БОЙЧЕЧАКНИНГ ИЗИ БОР

Бойчечакнинг изи бор,  
Яшиаб турган кўзи бор,  
Ер қаттиқми, ё юмшоқ,  
Тош кесар илдизи бор (12).

## БОЙЧЕЧАГИМ БОҚИЯ

Бойчечагим бойрон,  
Қозон тўла айрон,  
Айронингдан бермасанг,  
Кўнгилларинг вайрон.  
Бойчечагим хут дейди,  
Қозон тўла сут дейди,  
Сутларини ичайлик,  
Бошингта гул сочайлик,  
Бойчечагим боқия,  
Бошида бор тақия,  
Балабом, балабом, бойчечак.

## **ТУРНАЛАР УЧСА ҚАРАЙЛИК**

*(эрта кўкламда ўлкамизга учиб келадиган қушларга қаратма айтнадиган қўшиқ ва айтимлар)*

Ҳамал ойида ўлкамизнинг барча сўлим гўшаларида наврўзи олам тантаналари давом этади. Майсаларнинг ажаб бўйи та-ралган далаларга миришкор деҳқонлар барака уруғи қадашга киришадилар. Наврўзда габиат уйғонади, деҳқон дилидаги мўл ҳосил тўплаш умидига қанот баҳш этилади. Зоро, XI асрнинг етук тилшуноси Маҳмуд Кошғарий ёзишича, ўтмишда яшаган боболаримиз йилбошидан кейинги илк баҳор ойини «улуг' ой» ёки «умид ойи» деб атаганлар. Ўша даврларда ҳам наврўзи олами нишонлаш, кўпчилик бўлиб сайл-томушаларга чиқиш анъанага айланган эди. Қиши бўйи сўлим фасл-баҳорни орзи-қиб кутган одамлар ям-яшил дала-қирлар гулгун чечак тақсан чоғларда очилиб-сочилиб лола сайлига отланадилар. Баҳор ке-лиши билан баракали ҳосил олиш умидида яхши ният билан табаррук заминга уруғ қадаган бободеҳқонлар, қўй-қўзилари-ни ўт-ўланлар баравж бўлиб ўсган яйловларга ҳайдаган чорва-дорлар йилбошидан кейинги ойни «умид ойи» деб аташлари-да катта рамзий маъно бор, албатта. Чунки йил янгиланадиган, табиат яшарадиган, янги меҳнат мавсуми бошланадиган ажаб даврда инсон умидлари ҳам кургакланади. Шу боис, аж-додларимиз эзгу ният билан бошланадиган деҳқончилик ва чорвачилик мавсуми баракали бўлишига умид боғлаб, иш бош-лашга одатланганлар.

Одатда деҳқончилик билан боғлиқ юмушларни бажариш муддатлари кузда иссиқ ўлкаларга қишиланӣ учун учиб кетган мавсумий қушларнинг эрта баҳордан эътиборан юртимизга қайтиб келиши вақтига қараб белгиланган. Баҳорда қушлар учиб келадиган вақтда об-ҳавода муайян ўзгаришлар содир бўлади деб ҳисоблайдилар. Ҳатто халқимиз орасида мавсумий қуш-ларнинг кузда учиб кетишни ва кўкламда қайтиб келиши муд-

датларига асосланган ўзига хос фенологик тақвим ҳам юзага келган бўлиб, бу ҳалқ ҳисоби «қуш қайи» ёки «долға ҳисоби» деб аталади.

Этнограф олим И.Жабборов томонидан Абдураҳим Хўжаниёзовдан ёзиб олинган маълумотларга кўра, хоразмлик деҳқонлар Қушларнинг кўкламги учиб келиши ва куз бошланиши билан иссиқ мамлакатларга учиб кетишини кузатиш асосида деҳқончилик ишларини бажаргандар. Қушларнинг баҳорги учиб келиши ҳамда кузги учиб кетиши муддатлари асосида яратилган анъанавий ҳалқ тақвими “тўқич ҳисоби” деб ҳам аталган (Джабборов И.М. Из истории техники и культуры земледелие Южного Хорезма (конец XIX - XX века) // История материальной культуры Узбекистана. Вып.2. -Ташкент, 1961. - С. 294.).

«Куш қайи» ҳисоби ҳар йили таҳминан 10 февралдан кейин “сарисаманак” ва “чой” номли қушларнинг учиб келиши билан бошланган. Маълум бўлишича, “чой” – одатда февраль ойининг охирида, қор аралаш ёмғир ёғиб турадиган кунлари келадиган “калхат” деган қушлар. Бу қушнинг овозини эшитган деҳқон яқин кунлар ичида ҳаво жўнашиб кетажаклигига амин бўлиб, экини олди юмушларини бажаришга киришиб кетади. Баъзан баҳор эрта келган йиллари эса айрим эртапишар экинларни экиш ҳам шу “куш қайи”дан бошланган. Нурота тоғлари этагидаги Қоракиса қишлоғида эса бу ҳисоб бўйича хутнинг 15-куни калхат келиши кузатилган. Ҳагто “калхат келди, ёз·бўлди” мақоли ҳам бу куш баҳор келишидан даракчи эканлигини англатали. Нуротада ҳамалнинг 18-куни “куккарғанинг қори” деб аталади. Чунки, ўша куни кўкқарға келади. Саврнинг 4-кунини нуроталиклар “тарра-тарранинг куни” дейишади. “Тарра-тарра” кичкина бир қуш номи бўлиб, деҳқонлар унинг учиб келганига қараб ток очадилар.

Хоразмлик деҳқонлар ҳисобича, биринчи қуи қайидан кейин, яъни февраль ойининг охири – мартаңнинг бошларида “бухор қалдирғоч” номли қуи учиб келади. Бу қушнинг кўриниши деҳқонлар учун дала юмушларини бошлашга ишора саналган. Наврӯз арафасида Хоразмда “гоккарлик” (куркирак) учиб келади. Агар йил илиқ келса йилбоши тантаналари кунларида, баъзан эса наврӯз байрамидан кейин “майдо қалдирғоч” ёки “жайдари қалдирғоч” кўкда қайиб уча бошлайди. “Ҳипшиш”,

яъни биринчи “попишак” кўриниши билан эса деҳқонлар беда экиш пайти келди дейдилар. Хоразмлик деҳқонларнинг “қуш қайи ҳисоби”га кўра саврнинг бошлари, яъни апрель ойининг охирида “кўкқарға” учиб келади. Бу – совуқ кунлар батамом тутаб, баҳор фасли авж паллага кирганлигини билдиради.

Тошкент вилоятининг Бурчмулла қишлоғида яшовчи болалар баҳорда илк бор саъвани кўрганда:

*Саъва момо, саъва момо,  
Эсон-омон келдингизми?  
Саъва момо, саъва момо,  
Кўзингиз тузалдими,*

*Пўстакларингиз очилдими?* – деган айтилган тикилган тиқилган пўстинига ўралганча, кўзларини юмиб ётар эмиш (Пещерева Е.М. Некоторые игры среди оседлого населения Туркестана // Бюллетень САГУ. Вып.11. – Ташкент, 1925. - С.96).

Турналар учиб кетаётганда уларга қараб: “*ҳой турналар, турналар, хизмат қилаётган акамга салом айтинглар!*” – деб армияда хизмат қилаётган яқинларини ёдга олганлар. Нақл қилишларича, турналар пастваб учса, арzonчилик бўлади. Навоий вилоятининг Навбаҳор туманида яшовчи Азима Сайдованинг айтишича, турна келганда:

*Арқон бўл, гилам бўл,  
Арқон бўл, гилам бўл, - дейилади.*

Айтишларича, турналар баландлаб учса – қимматчилик, пастваб учса – арzonчилик бўлар эмиш. Навбаҳор туманида яшовчи Сиддиқ бува Турдиевдан эса турна келганда ижро этиладиган қуйидаги айтим-қўшиқни ёзиб олган эдик:

*Турналар қурей-қурей,  
Тўргай чулдир-чулдирей,  
Қайда сўқмоқ - йўлдир-еїй,  
Оёқ ости гулдир-еїй!*

Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Қуввача қишло-

ғида эса баҳорда турналарнинг арқондай бўлиб учиб ўтаётганини кўрган болалар қувончини қўшиқча жо қилиб, шундай дейдилар:

*Турна, турна, арқон сол,  
Чўнчагингга талқон сол,  
Талқонингни ейлик,  
Тегаверсун дейлик.*

Турналар барвақт учиб келса, баҳор эрта бошланади дейди дэҳқонларимиз. Бу күшлар тўп-тўп бўлиб ўйин-рақсга тушса, кун исиди, улар қичқирса, ёмғир ёғали деб таъбир қилинади. Тажрибали дэҳқонлар турналарнинг кўкламги учиб келишигагина эмас, балки кузда иссиқ ўлкаларга учиб кетишига ҳам эътибор берадилар. Уларнинг қўп йиллик кузатувлариға қараганда, кузда турналар баланд учса, куз узоқ вақт давом этади. Улар барвақт ва пастлаб учиб кетишса, қиши каттиқ келади. Ҳатто ҳалқ орасида “Турнанинг орқасидан аёз келади” деган нақл ҳам бор. Шунинг учун ҳам Чимкент вилоятининг Сайрам туманида яшовчи Жаҳон опа И момрашидова 1969 йил 10 апрелда фольклоршунос З.Хусаиновага «Турна келди, тур хотин, тўғирлигинги тут хотин» мақолининг маъносини изохлар экан, кузда турна учиб ўтаётганини кўрган одамлар қора уйнинг намат кигизи – тўғирлиқни жойига суриб, қиши тараддудини кўришга киришишганлигини баён қилган (ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№1643/9).

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Назари қишлоғида яшовчи 1958 йилда туғилган Исмоил Нуриллаевнинг айтишича, бойсунлик дэҳқонлар ҳам турна учиб ўтгандан кейин баҳор бошланади деб ҳисоблашар экан. Қуйида турна учиб ўтганда айтиладиган қадимий ҳалқ қўшиқларидан намуналар келтирамиз.

## ТУРНА КЕЛДИ

*Аргамчи, гиламчи,  
Аргамчи, гиламчи,*

Турна бўйлик болажон,  
Кўкаламга тиламчи.

Турна десам, турумли,  
Кенг далага қўнимли,  
Турналар учса пастлаб,  
Ризқинг қилас унумли,

Арғамчи, гиламчи,  
Арғамчи, гиламчи.  
Турна ўзи кўримли,  
Усти қора, бўйни - оқ,  
Турна учса баландлаб,  
Дерлар йил келар қурғоқ,  
Арғамчи, гиламчи,  
Арғамчи, гиламчи.

Турна тилла тарози,  
Об-ҳавога қози,  
Турна қолса юртингда,  
Салқин келади ёзи,  
Арғамчи, гиламчи,  
Арғамчи, гиламчи (1).

## ҲЕЙ, ТУРНА, ТУРНА

Ҳей, турна, турна, турна,  
Кулоч бўйнингни бурма,  
Минорларга ин қургин,  
Чим далага ин қурма.

Сув бошида ҳаккараб,  
Сувни лойқатма турна,  
Қурвақани қувалаб,  
Бизни кўрқитма турна.

Довуши шириним, турна,  
Кўзи мунчоғим, турна,  
Сендан ўтар меҳмон йўқ,  
Қозон-ўчоғим, турна.

Баланд учган турналар,  
Қўноғимдан айланган.  
Қўним, қўним турналар,  
Чиноримга боғланган (2).

## ЧИММА, ЧИММА, ЧИРАЛАЙ

(чучнома, қоқи ўт, қўзиқорин ва бошқа баҳорий неъматларни тераётганда ижро этилган айтимлар)

Буюк олим Абу Райҳон Берунийнинг гувоҳлик беришича, Аму соҳилларида яшаган қадимги хоразмликлар илк баҳор шабадаси сабзаларни уйғоттан дилрабо даврда янги йил байрами – наврӯзни нишонлашар экан. Наврӯз арафасида деҳқонлар маҳсус идишга етти хил дон экиб, унинг униб чиқишига қараб, кузда олинадиган ҳосил чўғини чамалаганлар. Агар дон бир текис униб чиқса, баракали йилдан нишона, яккам-дуккам унган майса камҳосил куздан дарак беради, деб ишонишган. Наврӯзда кўклам неъматларидан таом ҳозирлаш анъанаси ҳанузгача сақланиб қолган.

Республиқамизнинг айрим қишлоқларида наврӯз кунлари етти хил кўкатдан маҳсус сомса пишириш одати мавжуд. Аслида масаллиғи таркибидаги кўкатлар сони айнан еттита эмас, кўпроқ ёки камроқ бўлишига қарамасдан, бу таомни “етти кўкатдан пиширилган” дейилаверади.

Хоразмликлар баҳорнинг етти неъмати анъанасига, айниқса, катта аҳамият беришган. Кексаларнинг хотирлашларига кўра, илгарилари элнинг обрўли кишиларидан бири - ҳунарманд ва косиблар оқсоқоли етти хил неъмат солинган патнисни кўтариб юриб, наврӯз байрами шодиёналари бошланганигини ҳалқа маълум қиларкан. Ҳатто сумалакни пиширишда ҳам еттиликка амал қилинаркан. Ундириш учун ивитиб кўйилган буғдой етти кун тахтачага ёйиб кўйилади. Етти кундан сўнг униб чиқсан майса етти марта сувда ювилгач, сиқиб суви олинади.

Хоразмликларнинг яна бир одатига кўра, наврӯз кунлари байрам дастурхонига “наврӯз гўжа” кўйилади. Наврӯзнинг “етти кўкати” ҳақидаги қадимий тасаввурлар асосида пайдо бўлган бу удум хоразмликлар орасида кенг тарқалган. “Наврӯз гўжа” масаллиғининг таркиби етти нарсадаи иборат бўлади: жўхори, буғдой, арпа, тариқ, туруч, мош, ловия.

Дастурхонни етти хил неъмат билан безатиш удуми жаҳоннинг бошқа ҳалқларига ҳам маълум. Германиянинг айрим шаҳар ва қишлоқларида янги йилда байрам столи етти хил кўкат билан безатилади. Японлар эса 1-3 январда бир-бирлариникига кўкатдан қилинган таомлар олиб борадилар. Қизлар бамбук саватларига “кўкламнинг етти кўкатини” терадилар. Гўё бундай кўкатлар барча дардларга даво бўлармиш. Қишлоқларда япон аёллари бу кўкатларни гуруч билан қўшиб байрам дастурхонига тортадилар.

Хассос фольклоршунос олима Музайяна Алавиянинг хотирлашича, илгарилари Тошкент вилоятининг тоғ олди қишлоқларида кўклам кунлари қиз-жувонлар дала-қирларга кўкат тергани чиқишиган. Сижжак қишлоғида истиқомат қилувчи қизлар баҳорда тоғларга чиқиб, наврўзгул, навшодил, шунгула (сабзининг баргига ўхшаб чиқадиган бу шифобахш ўсимликнинг оқ рангли сучук сабзисини пиширмай ейдилар), тоғпиёз (пиёзи сутли бўлган бу кўкатни ошга, норинга солса, жуда яхши бўлади), зирк (зиркнинг қора ва қизил рангли тури мавжуд бўлиб, одатда қизил гуллайди, ошга солинади), қатранғи (олчага ўхшайдиган мевасини ейдилар ва куритиб толқон қилиб оладилар. Қатранғининг ёғочидан қошиқ, чўмич ясалади. Агар қатранғидан қилинган қошиқни идишнинг ичига солиб қўйса, идишни қатрат қилиб турари дейдилар) терадилар.

Тоғларга чиққанларида ожуд (кatta сабзидаи, томирлари хушбўй, хуштаъм ўсимлик бўлиб, унинг томирини худди лавлагини пиширгандай пишириб ейдилар. Илгарилари очарчилик бўлганда ҳалқ шуни еб тирикчилик ўтказган), олғи (томирада худди картошкага ўхшаган тугунаклари бўлади, уни сутда пиширадилар) деган ўсимликларни ҳам терадилар. Ҳалқ орасида «Олғи деманг, ожуд деманг бизни, уч ой боқамиз сизни», - деган нақл ҳам айтилган экан.

Наврўзгули чиққанда тоғларга, боғларга наврўз қилиб чиққалиди ўйин-кулги, қўшиқ айтишиб қизлар, келинлар қизил, сарик, тарғил лолалар, бойхалча ва наврўз гулларидан сочларига, қулоқларига тақиб тушадилар. Бойхалча сарик гул бўлиб, қор кетиши билан бўйнини эгиб чиқаркан. Наврўз қилиб чиққанларида йигит-қизлар лапарлар айтишади (ЎзР ФА Алишер

Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви.  
Инв.№9330).

Қадимги одам дунёда инсонни боқадиган ва бой-бадавлат қиласынан етти ҳазина, инсоният құли билан бунёд этилған архитектура ва санъат дурдоналари - етти муъжиза бүлгани каби, барча ут-уланлар, дов-даражатлар орасида етти хил күкәт алохидан ақамиятта зға деб түшүнгән. Шу тариқа “күкламнинг етти күкати” ҳақидағи хилма-хил халқ қараашлари яратылған. Бүтун табиат уйғонадиган илк күклам байрами – наврұзда “етти күкат” аңынасига амал қилишінинг ҳам муайян ҳәёттій асослари бор: қиши бўйи осуда ухлаган она-табиат уйғонадиган, дала-қирлар яшил либосини киядиган, новдалар оппоқ дурға беланадиган гаройиб фасл одамларга олам-олам қувонч бахш этади.

## ЧУЧМОМА

Қадимда болалар чучмомани “Чув-чув момо” деб аташган. Эрта баҳор кунлари чучмома териш учун далага йўл олган болаларнинг ҳар бири бу куклам даракчисини биринчи бўлиб куришга ошиққанлар. Далада чучмомани излаётганда:

Чимма, чимма, чиралай,  
Сенинг күзинг қуралай,  
Нув-чув момо! – деб кўшиқ айтганлар.

Биринчи чучмомага кўзи тушган болакай уни суғураётганда қувончини ичига сифедиролмай, завқ-шавқ билан шундай кушиқ куялган:

Янги тўнинг кийиб чиқ,  
Кўхна тўнинг қўйиб чиқ,  
Чув-чув момо, чиқ, чиқ! (1)

## ҚОҚИ ЎТ ТЕРИШ

Болалар наврұзда қоқи ўтнинг зарғалдоқ гулларини тераётганда қуядаги айтимни ижро этишган:

Топил, топил, топғач қуш.  
Топилмасанг ўтғач қуш! (2)

## ҚЎЗИҚОРИН ТЕРИШ

Кўкламда момақалдироқ бўлиб, осмон гумбирлаганда одамлар ерга замбуруқ-қўзиқорин тушди деб хурсанд бўлишган. Бальзан кўпчилик бўлиб, қўзиқорин кўп бўладиган жойларга бориб, тоза қўзиқоринларни териб келиб, кабоб қилиб ейишган. Қўзиқорин теришга чиққанда битта замбуруқни топиб олган киши хурсанд бўлиб, яна излай бошлаган ва маҳсус айтимларни айтса, омадим чопади деб умид қилган.

Маълумки, ўзбекларнинг мифологик тасаввурларига қарандан, момақалдироқ гумбурласа, осмондан қўзиқорин тушар эмиш. Хусусан, Қизилтепа туманидаги Бўстон қишлоғида яшовчи Феруза Темированинг айтишича, момақалдироқ бўлганда, ер кўрқаркан. Шундан ер бетида чизиққа ўхшаш ёриқлар пайдо бўлармиш. Ана шу ёриқларга худойи таолло баңшаларимга ризқ бўлсин деб қўзиқориннинг уругини ташлар эмиш. Олот туманидаги Чандир қишлоғида яшовчи Faffor Эшшиевдан ёзигб олинган афсонада эса замбуруғлар момақалдироқнинг болалари сифатида талқин қилинади. Осмон билан ернинг катта энаси момақалдироқ ҳар йили баҳорда болаларини кўргиси келиб, чақирап экан. Онасининг овозини эшитган замбуруғлар ҳам ер юзига югуриб чикишар эмиш.

Момақалдироқдан кейин қўзиқорин чиқиши ҳәқидаги айрим мифологик афсоналар эса бу табиий ҳодисасининг сабабини инсон ҳаётида рўй бериши мумкин бўлган ҳолатларга ўхшагиши асосида келиб чиққан. Маълумки, фавқулодда воқеа-ҳодисалардан чўчиган ёки ёмон туш кўриб босинқираб чиққан одамнинг лабига кўпинча учук тошади. Бу кўркув натижасида юзага чиқадиган тиббий ҳодиса. Шу боис, қадимги одам ҳам момақалдироқнинг ваҳимали овози ҳамма нарсани, шу жумладан, заминни ҳам даҳшатга солади деб ўйланган. Навбаҳор туманида яшочи Маърифат Ўрунованинг ишонтиришича, момақалдироқ гумбурлаган пайтда ер кўрқиб кетармиш. Шунинг учун ернинг лабига учук тошиб кетармиш. Момақалдироқдан кўрқанидан ернинг лабига тошган учуклар - қўзиқорин бўлиб кўкарармиш. Тошкент шаҳридаги В.Жумаев кўчасининг 3-шахобчасида яшовчи Санталат Аъзамованинг ҳикоя қилишича, момақалдироқ гумбурлатиб сандигини очганда, унинг ичидаги

ти совғалари ерга тұқилар экан. Момақалдироқ сандигидан тұқилған совғалар рўйи заминдан қўзиқорин бўлиб кўкариб чиқар эмис.

Кўзиқорин билан боғлиқ мифологик тасаввурлар ва улар билан алоқадор афсона, ирим-сирим, қўшиқ ҳамда айтимлар алоҳида ўрганилиши зарур бўлганлиги боис биз қўйида айrim мисолларни келтирамиз:

Замбуруқ,  
Сўписи ёриқ,  
Жўрангни топ! (3).

## ЗАМБУРУҚ - БАФРИНГ ЁРИҚ

Ўзингни топдим,  
Ёрингни топсайдим,  
Замбуруқ,  
Бафинг ёриқ,  
Ҳамроингни топсайдим,  
Жизза кабоб этсайдим (4).

Замарриқ сўписи ёриқ,  
Жўранг ҳам ўзингга лойиқ,  
Замарриқ, сўписи ёриқ,  
Топмаганиннинг боши ёриқ (5).

## ЛОЛАЧАГА ИШИМ БОР

(«Лола сайли» ва у билан боғлиқ ҳалқ қўшиқлари)

Куклам келиши билан қир-адирлар, дала-тузлар қип-қизил лолаларга бурканади. Бамисоли алвондай жилоланадиган бу манзара гўзалликка ошно бўлган ҳар бир инсонни бефарқ қолдирмайди. Шунинг учун ҳам асрлар давомида ҳалқимиз орасида баҳорда лола сайлига чиқиш ўзига хос анъана ҳисобланган.

“Лола сайли” ҳалқимизнинг наврўз билан алоқадор анъанавий сайлларидан бири бўлиб, кишиларда табиатга муҳаббат ҳиссини тарбиялашда муҳим амалий аҳамият касб этган. Этнограф олима Е.М.Пешчеванинг маълумотларига қараганда, Фарғона водийсида “Лола сайли” ўзига хос тарзда ўтказилган. Анъанага кўра, “Лола сайли”ни даставвал “лолачилар” бошлаб беришган. Дала-қирларда лола очилғанлигини кўрган “лолачи” болалар тол ёки терак шохини кесиб олиб, уни лола билан безатишган. Улар ана шу “гулчаман”ни кўтариб, қишлоқ кўчалари бўйлаб айланиб юрганлар. “Лолачи”ларни кўрган одамлар болалар кўтариб юрган “гулчаман” шохига рўмолча, мато бўлаги боғлаб, дилларицаги орзу-истакларини изҳор этишган. “Лолачи” болалар қишлоқни айланиб чиқишгандан кейин, лола гуллари билан безатилган “гулчаман”ни кўтарганча тоғ ёнбағри томон йўл олганлар. Улар гуллар билан бурканган дарахт шохини лолазорнинг ўртасига ўрнатиб қўйишган. Шундан сўнг қишлоқ оқсоқоллари “Лола сайли”ни бошлаш учун оқ фотиҳа берганлар (Пешчера Е.М. Праздник тюльпана (лола) в селе Исфара Кокандского уезда // Сборник В.В.Бартольду. – Ташкент, 1927. – С.374-376).

Тошкентда эса лола очилган пайтда болалар қуйидаги қўшиқни кўйлаганлар:

Оппоқжоннинг дастидан,  
Қизил гуллар очилди,  
Қизил гулнинг ҳумчаси<sup>1</sup>,

<sup>1</sup> “ҳумчаси” - гунчаси

*Оппокжоннинг бачаси,  
Оппокжон ўлибди,  
Кўк кўйлакни кийибди,  
Оқ кўйлакни ёйибди,  
Олма билан отибди,*

*Юмаланиб ётибди.* (Пецерева Е.М. Некоторые игры среди оседлого населения Туркестана // Бюллетень САГУ. Вып.11. – Ташкент, 1925. - С.93-94).

Элшунос олим Ҳ.Исмоилов томонидан ёзиб олинган дала-этнографик материалларнинг гувоҳлик беришича, “Лола сайли” Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларида ва ҳатто, Тошкент шаҳрининг атрофларида ҳам ўтказиб келинган. Далаларда қизралдоқлар барқ уриб қийғос очилган пайтда, қишлоқларнинг аҳолиси баланд тепаликларга чиқишиб, “Лола сайли”ни ўтказишган. Сайлда асосан ёш йигит-қизлар иштирок этишган. Сайл қатнашчилари чилдирма ҷалиб, ашула айтишган, лапар, ўлан ижрочиларининг беллашувлари бўлиб ўтган. Қизлар шўх оҳанглар оғушида рақсга тушганлар. Айтишларича, Паркент канали бўйидаги тепаликлар азалдан сайлгоҳ вазифасини ўтаб келган. Қиз-жувонлар қип-қизил лолага ўхшашни орзу қишигандарни боис “Лола сайли”га атаб қизил рангли матодан янги куйлаклар тикиб кийишган.

Йигитлар узокроқда туриб, қизларнинг ўйин-кулгусини томоша қилиб, уларнинг оромижон қўшиқларини берилиб тинглаганлар. Улар нон орасига солинган Қаңд-курс, ширинлик, ҳолва, ёнғоқ, майизни рўмолга тутиб, бирорта ёш болакай орқали ўzlари сўйган қизларга совға сифатида юборишган. Шу зайлда “Лола сайли”да боғланган муҳаббат ришталари мустаҳкамлана борган ва айни пишиқчилик палласи ёшларнинг никоҳ тўйлари ўтказилган (Сухарева О.А. Праздневеств цветов. С.33).

Самарқанд шаҳри яқинида “Лолазор”, Тошкент вилоятида “Лолакўл”, Бухоро вилоятининг Ромитан туманида “Лола” каби жой номлари мавжудлиги ҳам бу ерлар қадимда “Лола сайли” ўтказиладиган сайлгоҳ вазифасини ўтаганлигидан да-лолат беради.

Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиётида “Лола сайли” билан боғлиқ халқ қўшиқлари кўп учрайди. Бундай қўшиқларда лола

очилиши одамлар дилига фараҳ бахш этиши тараппум этилади. Қуидада ана шу қадимий ҳалқ сайлида ижро этилган умри-боқий қўшиқлардан баъзи намуналарни ўқийсиз.

## ЛОЛА, ЛОЛА, ЛОЛАЖОН

Лола, лола, лолажон,  
Ўсар жойинг далада.  
Лола, лола, лолажон,  
Чидаш бердинг жалага.

Лола, лола, лолажон  
Чақмоқдан ҳам қўрқмагин,  
Лола, лола, лолажон,  
Жаладан ҳам қўрқмагин.

Лола, лола, лолажон,  
Селлар олса қўрқмагин.  
Лола, лола, лолажон,  
Совуқ турса қўрқмагин.

Лола, лола, лолажон,  
Кизлардан ҳеч қўрқмагин.  
Лола, лола, лолажон,  
Бизлардан ҳам қўрқмагин.

Лола, лола, лолажон,  
Кизлар тақса қўрқмагин.  
Лола, лола, лолажон,  
Бизлар узсак қўрқмагин.

Лола, лола, лолажон,  
Лола сайли ийӯх бўлсин.  
Лола, лола, лолажон,  
Биздан кўнглинг тўқ бўлсин.

Лола, лола, лолажон,  
Чақир ёнинита борайлик.

Лола, лола, лолажон,  
Сендан кўпроқ терайлик.

Лола, лола, лолажон,  
Сени кўрсак қувнаймиз.  
Лола, лола, лолажон,  
Наврўз қилиб ўйнаймиз.

Лола, лола, лолажон,  
Дала чиройи сенсан.  
Лола, лола, лолажон,  
Баҳор дараги сенсан.

Лола, лола, лолажон,  
Келдик сени соғиниб,  
Лола, лола, лолажон,  
Таъзимдамиз сиғиниб.

Лола, лола, лолажон,  
Юртим чиройи, лолажон,  
Лола, лола, лолажон,  
Элим чиройи лолажон.

Ҳой болалар, болалар,  
Юринг қирга борайлик.  
Лолалардан терволиб,  
Чаккаларга тақайлик.

Ҳой, болалар, болалар,  
Гул сайлига борайлик.  
Қучогимиз тўлдириб,  
Гуллоладан терайлик.

Ҳой, болалар, болалар,  
Тоққа қараб чопайлик.  
Тоққа етиб борган сўнг,  
Лолалардан терайлик.

Ҳой болалар, болалар,

Наврўз-наврўз ўйнайлик.  
Наврўз-наврўз ўйнаш-чун.  
Гул теришга чиқайлик.

Ернинг қони, лолажон,  
Ернинг жони, лолажон,  
Лола сайлига келиб,  
Кўрдик сени лолажон (1).

## ҲЕЙ ЛОЛА

Лолачага ишим бор, ҳей лола,  
Киссамда кишмишим бор, ҳей лола,  
Кипмиш бўлса майлига, ҳей лола,  
Қиз болада ишим бор, ҳей лола.

Том устида пиёла, ҳей лола,  
Ичи тўла гул лола, ҳей лола,  
Нари туриңг бўз бола, ҳей лола,  
Уялади қиз бола, ҳей лола.

Лола ўзи қиз бола, ҳей лола,  
Қирда ўсган бўз бола, ҳей лола,  
Лолачани кўрганда, ҳей лола,  
Танлаб-танлаб уз бола, ҳей лола.

Том устида нелар бор, ҳей лола,  
Ўрдак билан ғозлар бор, ҳей лола,  
Ўрдак кетиб ғоз қолсин, ҳей лола,  
Душман кетиб дўст қолсин, ҳей лола.

Югур-югур мен турай, ҳей лола,  
Бошингни гулга ўрай, ҳей лола,  
Сенга келган балога, ҳей лола.  
Ўзим кўндаланг бўлай, ҳей лола (2).

## ОЧИЛДИ ГУЛИ ЛОЛА

Аҳамбо, ёла-ёла,  
Очилди гули лола,  
Гули лоланинг кони —  
Хончарбогининг ёни.

Хончарбогидан ўтай,  
Гулхимчасидан тутай,  
Гулхимчада гули йўқ,  
Оғагинам ёри йўқ.

Гулхимчага гул керак,  
Оғажонимга ёр керак,  
Оғажоним ёрига,  
Даста-даста гул керак (3).

## ҲО ЁРИМ, ГУЛЛОЛА

Қизил гулинг бўлайин, ҳо ёrim, гуллола,  
Ҳовучингга тўлайин, ҳо ёrim, гуллола,  
Ҳовучингга тўлмасам, ҳо ёrim, гуллола,  
Гуноҳкоринг бўлайин, ҳо ёrim, гуллола.

Кўчадан ўтманг ука, ҳо ёrim, гуллола,  
Бизнинг ҳовлида йўл бор, ҳо ёrim, гуллола,  
Чаккангизга таққани, ҳо ёrim, гуллола,  
Очилган қизил гул бор, ҳо ёrim, гуллола.

Ўзи қаро қошингга, ҳо ёrim, гуллола,  
Ўсма қўймасанг нима, ҳо ёrim, гуллола,  
Ўткинчи чиройингга, ҳо ёrim, гуллола,  
Бино қўймасанг нима, ҳо ёrim, гуллола.

Осмонда гуриллайди, ҳо ёrim, гуллола,  
Тўргай десам бедона, ҳо ёrim, гуллола,  
Чаккангдаги гулингни, ҳо ёrim, гуллола,  
Сафсар десам гуллола, ҳо ёrim, гуллола (4).

## **НАВРҮЗ КЕЛДИ**

Наврӯз келди, наврӯз-эй, ҳей лола,  
Сомса тўла ногора, ҳей лола,  
Карнай-сурнай, ногора, ҳей лола,  
Авжга минсин тобора, ҳей лола.

Қўлимдаги пиёла, ҳей лола,  
Безаклари гул-лола, ҳей лола,  
Шарбат куйиб бермасант, ҳей лола,  
Йиглаб қиласи нола, ҳей лола.

Тоғдан оқдан шалола, ҳей лола,  
Қирғоги тўла лола, ҳей лола,  
Наврӯзимнинг гаштини, ҳей лола,  
Кимга қилай ҳавола, ҳей лола (5).

## **ДЎСТ БЎЛАМИЗ ЛОЛАЧА**

Маст бўламиз лолача,  
Рост бўламиз лолача,  
Эрта туриб, салом деб,  
Дўст бўламиз лолача.

Қизғалдоқ лола эмас,  
Капаси қалъа эмас,  
Лола униб чиқмаса,  
Бу дала дала эмас.

Пичоги йўқ қин эмас,  
Юлдузи йўқ тун эмас,  
Лолачани кўрмасак,  
Бошқалари ёр эмас (6).

## **ДОИРА ДУМ-ДУМА**

Юрак дук-дук уради,  
Ёр олдига боргани,

Сўзи учун бораман,  
Дардга дармон олгани,  
Доира дум-дума, баҳорги мавсума,  
Баҳор чоги гулғунчалар қилас табассума,

Куйига борай десам,  
Кечакундуз ёғар қор,  
Айрилиб кетай десам,  
Кичик экан севган ёр,  
Доира дум-дума, баҳорги мавсума,  
Баҳор чоги гулғунчалар қилас табассума,

Юринг боққа борайлик,  
Гулғунчалар терайлик,  
Кизил тул очилибди,  
Герид ёрга берайлик,  
Доира дум-дума, баҳорги мавсума,  
Баҳор чоги гулғунчалар қилас табассума (7),

# ҚИЗИЛ ГУЛИНГ БЁЛОЙИН

(анъанавий «Қизил гул» сайлида ижро этилган құшиқлар)

Ўзбек фольклорининг кўп асрлик бадиий анъаналари тизимда табиатнинг боқийлигини тараниум этиш билан боғлиқ құшиқ ва удумлар алоҳида ўрин тутади. Ҳар йили кўкламда қизил гуллар очилган пайтда анъанавий тарзда ўтказиб келинган «гул сайли» билан алоқадор фольклор асарлари ҳам ана шундай қадимий тафаккур дурданалари сирасига киради. Ҳалқимизнинг наврўз байрами билан алоқадор маросимлари сирасига кирадиган анъанавий «Қизил гул» сайли аграр культорлар ва ҳосилдорлик ғоясими ўзида мужассамлаштирган қадимий умумхалқ тантаналаридан биридир.

Табиатнинг кўкламги уйғониши билан боғлиқ бу анъанавий халқ сайлининг ўзига хос кўринишларидан бири хоразмликлар орасида қадимдан урф бўлиб келган. «Қизил гул» сайли ҳар йил баҳорда Хива шаҳри яқинидаги Баворис бобо қабристонида бўлиб ўтган. Бу байрамда аҳолининг барча табақаси-ёшлар ҳам, болалар ҳам, катталар ҳам қатнашишган. Ислом ақидаларининг таъсири кучли бўлган даврларда ҳам Баворис бобо мозоридаги сайлда аёл ва эркаклар баб-баравар иштирок этаверишган. Ёш қиз-жувонлар мозор яқинидаги йўлакдан сайлгоҳ томон йўл олишган. Уларни кузатиб турган йигитлар ўз севгилиларига олма, анор, гул отишган. Кимdir гўшт, бошқа бирор гуруч, яна кимdir ёғ олиб келиб, сайлгоҳда ош пиширишган. Халқ оғзаки ижодиётida қи жил гул севги ва оила тимсоли сифатида талқин қилинишига асосланган Г.П.Снесарев бу баҳорий маросим замирида ўлиб-тирилувчи табиат культорлари ҳақидаги қадимий мифологик қараашлар ётишини қайд қиласи ( Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. - М., 1969. С.206).

Хоразмликларнинг “Қизил гул” сайлига доир этнографик материалларни тўплаган Н.П.Лобачева бу оммавий сайлни «баҳорий тантаналарни якунлаб, ёз мавсуми удумларини бошлаб

берадиган байрам» деб ҳисоблайди. У 1946 йили Хивада ўтказилган «Қизил гул» сайлида иштирок этган Ю.В.Кнозоровнинг кузатишлари қайд қилинган этнографик битиклар ҳамда ўзининг ана шу байрам ҳақида 1947 йилда ёзиб олган маълумотларига асосланиб, қуйидагиларни ёзади: «Қизил гулларнинг очилиши май-июнь ойларига туғри келади. Айрим жойларда бу байрам билан боғлиқ сайл-томошалар бир ой давомида мугтасил ўтказиб келинган. Яқин қариндош-уругларга, шунингдек, дўстларга қизил гул (ёки атиргул) совға қилиш бу байрамнинг ўзига хос удумларидан бири ҳисобланган. Хиваликлар Баворис бобо қабристонида «Қизил гул» сайлини ўтказганлар. Сайлда асосан ёшлар иштирок этишган. Унаштириб қўйилган ва бўй етган қизлар, келинчаклар, ёш жувонлар чиройли кийинишиб, Баворис бобо мозорига олиб борадиган йўл бўйидаги уйларнинг томи устига чиқиб олишган. Пастда мозорга туташ йўл четида байрамона кийинган ёш йигит-яланлар ҳам йигилишиб туришган. Кун ўрта бўлиб, яъни соат миллиари 12дан ошганда Баворис бобо қабристонининг туғи туширилган: бу «Қизил гул» сайлиниң бошланишига ишора бўлган. Шундан сўнг йигитлар том бошида турган қиз-жувонларга турли хил рангдаги пиширилган тухум, шунингдек, олма, анор отганлар. Ўзлари кўнгил қўйган қизларга ширинлик, майиз ва ҳолва тухфа этганлар. Одатда бундай совғалар ёш болалар орқали етказилган. Қизлар ҳам йигитларни ана шундай ҳадялар билан сийлашган. Сайлда қатнашган аёлларнинг ҳам, эркакларнинг ҳам қўлларида гул бўлган. Улар чаккаларига, рўмollарига, белбоғларига гул қистириб қўйганлар» (Лобачева Н.П. Формирование новой обрядности узбеков. М., 1975. С.121).

«Қизил гул» сайли ўтказиладиган куни чоллар ҳам мачитга йигилишиб, намоз ўқишган. Мозор ёнидаги сайлгоҳда шавла, ош каби таомлар пиширилган ва уни купчилик бўлиб тановул қилганлар. Сайл кун бўйи хурсандчилик, шодиёна билан давом этган. Соат тахминан 16-17 ларда, яъни кун пешиндан оққандан кейин Баворис бобо қабристонида янги түф кутарилган. Учига оқ сурп мато бўлаги ўралган янги түфнинг мозор узра кўтарилиши «Қизил гул» сайли ўз ниҳоясига етганлигини кўрсатган.

1946 йилда Хоразм вилоятида этнографик тадқиқотлар олиб борган М.В.Сазонова ҳам Хива шаҳрининг жанубий-ғарбий томонида жойлашган Баворис бобо қабристонида ўтказилган «Қизил гул» сайли ҳақида қизиқарли маълумотларни тўплаган. Унинг аниқлашича, март ойининг 21-22-саналарида, яъни Наврӯз байрами кунлари тантана қилинган бу сайт далага биринчи кўш чиқариш маросими билан ҳам боғланиб кетган (Сазонова М.В. Традиционные хозяйство узбеков Южного Хорезма. Л., 1978. С.38).

Назаримизда, «Қизил гул» сайли ҳалқимизнинг йилбоши - наврӯз байрами билан боғлиқ тақвимий маросимлари тизими-нинг анъанавий узвларидан бири бўлиб, табиатнинг кўкламги ўйғониши, янги меҳнат йилининг бошланиши, ҳосилдорлик ва барака тилаш тантанаси сифатида ўтказиб келинган.

Бу сайлнинг «Гули сурх» - «Қизил гул сайли» деб аталган локал типи ҳудудий жиҳатдан кенг қамровли бўлиб, Бухоро, Самарқанд, Тоҷикистон, Афғонистонда қайд қилинган. «Гули сурх», яъни «Қизил гул» байрами ҳақидаги дастлабки қайдлар ёзувчи Садриддин Айний қаламига мансубдир. У Бухоро яқинидаги Баҳоуддин Нақшбанд мозорида ўтказилган “Гули сурх” байрамини бевосита ўз кузатишлари асосида тасвирлаган. Бу-хороликларнинг Баҳоуддин мазорида ўтказилган “Гули сурх” сайли тантаналари бир ой давом этган.

Самарқанд яқинидаги бир қишлоқда ҳам «Гули сурх» сайли ҳақидаги маълумотлар сақланганлигини аниқлаган этнограф Н.П.Лобачеванинг ёзишича, ёш йигит ва қизлар тўп-тўп бўлишиб лолақизга доқлар териш учун шаҳар ташқарисига чиққанлар. Сайл маркази Чўпон ота қирларида бўлган.

«Гули сурх» тантаналари Бухоро вилоятининг Шофиркои тумани қишлоқларида ҳам ўтказилган. Бу байрам деҳқонларнинг баҳорги экиш мавсуми билан боғлиқ бўлиб, ҳамал ойининг аввалида бошланган ва бир ой мобайнода узлуксиз тантана қилинган. Бу байрам атиргулга эмас, балки кўкламда очиладиган қизил гулга бағишлиланган. Бир ой давомида қишлоқларда бозорлар гавжум бўлган, сайллар уюштирилган. (Хамраев А.Х. Праздник красной розы // «Общественные науки в Узбекистане», 1958, №6, С.72-73). Кўринадики, шофирконликларнинг «Гули сурх» сайли янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши билан боғлиқ ҳолда ўтказилган.

Баҳоуддин Нақибанд мозори ёнида ўтказилиб келинган «Гули сурх» сайлиниң нисбатан тұла тавсифи бухоролик этнограф Г.Қаюмова томонидан ёзіб олинған. «Қизил гул» сайлида йигит ва қыздар «олма отиш», «гүл узатиш», «анор отиш» үйинларини үйнаганлар. Ёш келинчаклар «Келин салом»ни бағарғанлар. «Қизил гул» шодиёнасига атаб құшиқлар тұқылған, лапарлар айттылған (Қаюмова Г. Унтилған қадриятлар. Бухоро, 1993, 6-бет). Баҳоуддин мозори ёнида ҳар йили баҳорда ўтказилған «Гули сурх» сайлида тұртлик шаклидаги анъанавий құшиқлар айттылған. Бундан ташқари, «Қизлар бозори қайдадыры», «Олманиң барғы майда», «Үлдирса ёр үлдирсін», «Адоғ- алоға дилбар», «Дилбари яғонамидинг», «Ақа мана донашүрак», «Еғма ёмғир, меҳрибоним йүлдадыры», «Киссамда кишишиим бор» каби құшиқлар ҳам ижро этилған.

Маълумки, халқ сайллари анъанавий чорлов сўзлари билан бошланади. Бухороча доира усуллари садоси остида саҳнага жарчи кириб келади. Құклам нафосатидан дили шөдликка тұлыб турған жарчи ҳаммани Қасри орифон қишлоғида ўтказилажак халқ сайлиға чорлайди: «*Одамлару одамлар, бөгөдә биттан болмлар, эшитмадым деманглар!* Бугун Бухоройи шарифда, Қасри орифонда «Қизил гул» сайли бүлади. ҳамма сайлга келсин!»

Жарчи овозини эшитған одамлар байрамона кийинишиб Қасри орифон қишлоғи томон оқиб кела бошлайдылар. «Қизил гул» сайлиға түрли касб билан шуғулланувчи ҳунармандлар, қандолатчилар, косиблар үзлари тайёрлаган маҳсулотларни олиб келишади. Катта-катта мис қозонларда лаззатли баҳорий таомлар пишириләди, санъаткорлар дилрабо күй-құшиқлар билан сайлға келған кишилар дилини хушнуд этадылар.

«Қизил гул» сайли деҳқон ва чорвадорлар учун янги меҳнат мавсумининг бошланиши даври сифатида мұхим амалий аҳамиятга әга бүлған. Бободеҳқонлар әртә күклемден она заминга барака уруғи қадасалар, чүпон-чүлиқлар үз сурувларини серүт яйловлар томон ҳайдайдылар. «Қасри орифон» фольклор жамоаси томонидан тайёрланған «Қизил гул» сайли дастурида чүпон тәғининг топширилиши лавҳасыда ҳам аждодларимизнинг чорвачилик билан боғлиқ қадимий удумлари акс эттирилған.

Маълумки, халқимизда касб-кор, ҳунар отадан ўғилға мерос қилиб қолдирилған. Шу тариқа аждодлар мероси, касбий

анъаналари авлоддан-авлодга ўтиб бизнинг кунларгача етиб келган. Ҳар бир қасб соҳиби ўз ҳунарининг сир-асрорларини шогирдларига, фарзандларига қунт билан ургатиб борган. Шу тариқа ҳунармандчилик, чорвачилик ва деҳқончиликка алоқадор барҳаёт анъаналар силсиласи юзата келган. Анъанага кўра, «Қизил гул» сайлида тажрибали чўпонларнинг ўз шогирди ёки ота қасбини пухта эгаллаган ўғлига боболаридан мерос бўлиб келаётган чўпон таёфини топшириш маросими ҳам ўтказилади.

«Қизил гул» сайлиниңг поэтик фольклори табиатнинг фусункор гўзаллигини улуғлаш билан бир қаторда ижодкор халқимизнинг руҳий кечинмаларини ҳам бадиий ифода этган. Бу қўшиқлар табиатни севишга, инсоний меҳр-оқибатни қадрлашга, ота-боболар анъаналарига содиқ бўлишга, она юрт турроғида ўсган ҳар бир гиёҳ, ҳар бир дараҳт, ҳар бир гулни мўътабар тувишга ундалган. Шунинг учун ҳам «Қизил гул» сайли ритуал маросимлардан бири сифатида анъанавий тарзда ўтказилиб, бу сайт билан боғлиқ фольклор асаллари асрлар оша сайқалланиб, такомиллашиб келаверган.

## АСРА ҚИЗИЛ ГУЛНИ, ЭГАМ

Субҳидамда сувга чиқсан, оҳ урадир бир йигит,  
Қайрилиб бетига боқсан, ёрдан айрилган йигит,  
Асра қизил гулни эгам, сақла қизил гулни эгам,  
Баҳосига етмасалар сотма қизил гулни эгам.

Ёрдан айрилган ёмондир, жондан айрилган ёмон,  
Ишқ ўти тушса юракка дўзах ўтидан ёмон,  
Асра қизил гулни эгам, сақла қизил гулни эгам,  
Баҳосига етмасалар сотма қизил гулни эгам.

Киши куни овга чиқиб, суксурни курган бормикин,  
Ўз ёридан айрилиб, девона бўлган бормикин,  
Асра қизил гулни эгам, сақла қизил гулни эгам,  
Баҳосига етмасалар сотма қизил гулни эгам.

Тоғдаги юрган кийикка мен нечук занжир солай,  
Сен кишининг ёри бўлсані, мен нечук кўнгил қўяй,

Асра қизил гулни эгам, сақла қизил гулни эгам,  
Баҳосига етмасалар сотма қизил гулни эгам.

Сен чаманнинг гули бўлсанг, мен чаманнинг булбули,  
Сен чиройингга ишонсанг, мен худойимнинг қули,  
Асра қизил гулни эгам, сақла қизил гулни эгам,  
Баҳосига етмасалар сотма қизил гулни эгам.

Эшик очиб тўрга боқсам, тўрда бир ой ўлтирур,  
Қошлари қийғоч қаламдек, бир паризод ўлтирур,  
Асра қизил гулни эгам, сақла қизил гулни эгам,  
Баҳосига етмасалар сотма қизил гулни эгам.

Сочлари ерга тушадир, беллари бир қилча йўқ,  
Ишқимиз сизга тушибдир, ўзгалар бир пулча йўқ,  
Асра қизил гулни эгам, сақла қизил гулни эгам,  
Баҳосига етмасалар сотма қизил гулни эгам.

Гулни уздим новдадан, гулдек тўрамга бандаман,  
Белида шоҳи рўмол, қоши қаламга бандаман,  
Асра қизил гулни эгам, сақла қизил гулни эгам,  
Баҳосига етмасалар сотма қизил гулни эгам.

Тоғдаги барра қиёғдай, қошгинангдан ўргилай,  
Силкиниб турган кийикдай, кўзгинангдан ўргилай,  
Асра қизил гулни эгам, сақла қизил гулни эгам,  
Баҳосига етмасалар сотма қизил гулни эгам (!).

## ҚИЗИЛ ГУЛИНГ БЎЛАЙ

Қаддингдан ўргилай соҳибжамол қиз,  
Менинг оҳу зоримдан бехабарсиз.  
Менинг оҳу зорим элларга машхур,  
Қизил гулинг бўлай кўйинингта яшир.

Қошингнинг қораси айлона келган,  
Қизил гул соясида рўлара келган.

**Қизил гул сояси, сойнинг булоги,  
Жуда ёмон бўлар ёрнинг фироғи.**

**Қизил гул тагида ювма бошингни,  
Куралай кўзингдан тўкма ёшиングни.  
Куралай кўзингдан тўксанг ёшиングни,  
Оламан-кетаман ёлғиз бошимни.**

**Чархимнинг қулоғида ой кўраман,  
Мен сени оғам билан тенг кўраман.  
Мен сени оғам дедим, жоним дедим,  
Қизил гул гунчасидек ёrim дедим.**

**Кошки уйим гул билан тўлса эди,  
Ҳамма уйдан ўртада бўлса эди.  
Ўтирасм гул зебо билан тизма-тиз,  
Дўст кулиб, душман адо бўлса эди.**

**Қизил бахмал бичаман ман ёrimа,  
Қизил гул йиғлайди оҳу зорима,  
Қизил гул йиғламай, кимлар йиғласин,  
Қўзим тўрт бўлибди севган ёrimа (2).**

## **ҚИЗИЛ ГУЛНИНГ ДОНАСИ**

**Қизил гулни эксанг хирмони бўлмас,  
Яхшига борганинг армони бўлмас,  
Ёмон билан куйиб-ёниб юргунча,  
Яхши билан даврон сурсант ўлгунча.**

**Ўйланана-ўйланана ўйлар этарман,  
Ҳавасман, бўйингга қачон етарман,  
Қизил гулнинг донасиман, бўйингдан,  
Гулзорингга эксанг, униб битарман.**

**Қизил гул ёнида юрасим келар,  
Қизил гул боғина кирасим келар,  
Қизил гули боғларда ёр юрганда,  
Ёнида қўл бериб, юрасим келар (3).**

## **ҚИЗИЛ ГУЛЛАР ДАСТА-ДАСТА**

Қизил гуллар анча-анча,  
Инжитманглар мени бунча,  
Менинг сира ўчмас ўтим,  
Ёр билан қовушмагунча.

Қизил гуллар даста-даста,  
Ҳасрат билан бўлдим хаста,  
Ҳолимни сур келиб аста,  
Бўлмас шифо келмагунча.

Қизил гул бўлмагай эрдим,  
Онадан бўлмағай эрдим,  
Очилиб-сўларим билсан,  
Дунёга келмагай эрдим (4).

## **ҚИЗИЛ ГУЛИНГ ҚЎЛИМДА**

Қўлингдаги қизил гулинг бўлайин,  
Богингдаги шўх булбулинг бўлайин,  
Орзу-армон билан сенга етишдим,  
Энди ўзим жону дилинг бўлайин.

Қизил гулинг қўлимдадир – сўлмагай,  
Қизил гулларимдан душман юлмагай,  
Қизил гулни эккан йигит соғ бўлсин,  
Қизил юзларимдан айро бўлмагай.

Қизил гулни экса бўлар нор билан,  
Соясида ётса бўлар ёр билан,  
Бўсасини алишмайман бол билан,  
Ёрга етдим армон билан, зор билан (5).

## **ГУЛ САЙЛИДА ЯЙРАБ ҚОЛ**

Афшонанинг тулпори,  
Майсалари уфори,

Баҳоуддин чорлайди,  
Эрта саҳар наҳори.

Бола ўйнайди чангни,  
Қиз танлар қизил рангни,  
Бухор элни уйғотинг,  
Саҳарлаб чалинг зангни.

Бухорода катта айвон,  
Шоҳрудда оби-равон,  
Йигит сайлга келса,  
Кияди заррин чопон.

Лаби ҳовузда мажнунтол,  
Мажнунтолга пайванд сол,  
Гул сайлига келганда,  
Чиройлисин танлаб ол.

Ариқ бўйида ялпиз,  
Ялпизнинг барги ёлғиз.  
Гул сайлида яйраб қол,  
Ўтирма қараб ёлғиз.

Бухорода гуллола,  
Гуллар сизга ҳавола,  
Гул сайлига марҳабо,  
Ўйнайди дорбоз бола.

Томга чиқдим тол учун,  
Ари тутдим бол учун,  
Гул сайлига келдим мен,  
Бир қаламқош ёр учун.

Расталар бунча дўлоб,<sup>1</sup>  
Гулдан тайёрланг шароб,  
Гул сайлига бормоқ ҳам,  
Билиб қўйинг бу - савоб.

---

<sup>1</sup> “дўлоб” - гавжум

Анори дона-дона,  
Ишқингда мен девона,  
Гул сайлига келганда,  
Килма мени бегона.

Ҳар баҳорда шу одат,  
Халқ оғзиза ривоят,  
Биттадан ниҳол экиш,  
“Гули сурх”га садоқат.

Том бошида гулхайри,  
Ёнади айри-айри,  
Кутиб турмас, тез келгин,  
Ўтиб кетар гул сайли (6).

## НАВРЎЗ ГУЛИ ПАЙВАСТА

Баҳоуддин гуллари,  
Хушхондир булбуллари,  
Сизга таъзим қиласи,  
Мажнунтол, сумбуллари.

Одамлари ораста,  
Наврўз гули пайваста,  
Баҳоуддинга келинг,  
Тенги йўқдир қиёсда.

Нозбўй гулни ардоқлаб,  
Қаламқошлар дейдилар,  
Гулга озор берманглар,  
Бағри тошлиар дейдилар (7).

## ҲОЙ, ҲОЯ МОМО, ЖИМЖИМА

Боғда булбул сайрайди-ей, ҳой, ҳоя момо, жимжима,  
Бобо сайлга келди-ей, ҳой, ҳоя момо, жимжима,

Қизил гуллар сайлига-ей, ҳой, ҳоя момо, жимжима,  
Диллар бирам яйради-ей, ҳой, ҳоя момо, жимжима,  
Дошқозонда софи ош, ҳой, ҳоя момо, жимжима,  
Ҳиди урар думоққа, ҳой, ҳоя момо, жимжима,  
Дамла палов дам есин-ей, ҳой, ҳоя момо, жимжима,  
Қўй гўшти думбали бўлсин, ҳой, ҳоя момо, жимжима,  
Ичиди сабзи мўл бўлсин, ҳой, ҳоя момо, жимжима,  
Ичиди майиз кўп бўлсин, ҳой, ҳоя момо, жимжима,  
Кампир еб мазза қиласин, ҳой, ҳоя момо, жимжима,  
Боболар еб кўк чой иссин, ҳой, ҳоя момо, жимжима,  
Ёшу қари баҳтига, ҳой, ҳоя момо, жимжима,  
Юргбошим омон бўлсин, ҳой, ҳоя момо, жимжима (8).

## ЁМФИР ЁФДИР, КҮК БҮЛСИН

(*ёмғир ёғдириси ۋە үنى تۇختاتىسى بىلان боғلىق қادимиي ماروسىم қўшиқлари*)

Деҳқончилик халқимизнинг энг қадимий маңгулотларидан бири ҳисобланади. Шу боис, аждодларимизнинг табиат ҳодисалари билан боғлиқ мифологик қарапшлари ҳамда баҳор фаслига оид маросим фольклори силсиласида йил қурғоқ келганда ёмғир ёғдириси маросимига алоқадор зътиқодий қарапш ва айтимлар алоҳида ўрин гутади. Мәълумки, ўтмишда айниқса, лалми экинзорларидан мүл ҳосил құтарищда миришкор деҳқонлар меҳнати ҳамда йиллик ёғин-сочин миқдори муҳим аҳамият касб этган. Шунинг учун ҳам лалмикор ерларда деҳқончилик қылған боболаримиз йил қурғоқ келганда ёмғир ёғдириси мақсадида ўзига хос маросимларни ўтказғанлар. Бу маросим “Суст хотин”, “Сус хотин”, “Сув хотин”, “Сут хотин”, “Сўз хотин”, “Чала хотин”, “Чайла қозоқ”, “Туз хотин” каби номлар билан аталган.

Масалан, Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги Миришкор қишлоғида яшовчи 67 яшар Тўпа Хидириалиеванинг 1972 йилда айтиб берган маълумотларига кўра, ҳаво ёғмаса, битта ходанинг тепа қисмига чўп боғлаб, одамга ўхшатиб қўғирчоқ ясайдилар. “Сут хотин” деб аталадиган бу қўғирчоқнинг эгнига аёл қуйлагини кийгизадилар ва бошига лачак ёки рўмол ўрайдилар. Момолардан бири ана шу қўғирчоқни кўтариб етти уйга боради ва ҳар хонадонга кирганида:

*Ёмғир ёғсин, Сут хотин,*

*Дарё тўлсин, Сут хотин, - деб қўшиқ айтади. Уй эгалари ун, буғдой, хуллас, бирорта атаган нарсаларини чиқариб берадилар. Момо етти уйдан йигилган буғдойларни ёргучоқдан чиқариб, овқат пиширади. Етти оила аъзолари бир жойга тўпланишиб, бу таомни биргалашиб тановул қиладилар. Шундан кейин ҳалиги “Сут хотин”ни таом пиширилган уйнинг томи-*

га чиқариб тикка қадаб қўядилар. Миришкор қишлоғида ёмғир ёғмаганда тошбақани ҳам осиб қўядилар. Шундай қилинса, ёмғир ёғади деб ўйлайдилар.

“Сут хотин” маросими Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида бироз бошқачароқ ўтказилган. Фольклоршунос Т.О-чилов ёзиг олган маълумотларга қараганда, агар курғокчилик бўлса, одамлар бир-бирини сувга пишади. Қаерда тошбақа курсалар, ағдариб ташлаб кетаверадилар. Болалар тошбақанинг устига бир оёғини қўйиб, иккинчи оёғини кўтариб туриб:

*Оғирлигим сенга,  
Енгиллигим менга, - дейдилар.*

Ёмғир ёғмай, лалмидаги буғдой ўсмай қолса, оиласида тўнгич бола булиб туғилган бир аёл куракка ходани кўндаланг қилиб боғлаб қўл қилади. ҳосил бўлган чорчўпга кийим кийгизиб, қўлларига тошбақа осиб қўядилар. Аёллардан бири ана шуни кўтариб уйма-уй юради, унинг ёнида бораётган хотинлар ҳар уйга боргандা:

*Сут хотин, сут хотин,  
Ҳаволар жосвсин, сут хотин,  
Буғдойлар бўлсин, сут хотин,*

Уралар тўлсин, сут хотин, - деб қўшиқ айтиб туришади. Уй эгаси эса бир пақир сув олиб чиқиб ҳалиги тошбақаларнинг устидан қуяди. Кейин бирор егулик билан буғдой чиқариб беради. Йифилган масаллиқдан овқат қилиб тарқатса, ёмғир ёғади дейдилар (ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Иш №1597/8. Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида яшовчи Ҳазратқул Муҳаммадкул ўғлидан 1959 йилда Т.Очилов ёзиг олган).

1982 йилнинг жавзосида лақай уруғига мансуб ўзбекларнинг фольклорини ўрганиш мақсадида Жанубий Тоҷикистон бўйлаб илмий сафарда бўлганимизда Ёвон туманининг Султонобод қишлоғида яшовчи Бобо Муслимов, Улдона Розиқова, Гала-булоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Тошгул момо Жумаева, Кўлбулоқ қишлоғилик Сайдулла ота Мирсапаровлардан ёмғир ёғдириш мақсадида утказилган “Сут хотин” маросими ҳақидағи қизиқарли маълумотларни ёзиг олган эдик.

Кўклам кунлари қурғоқ келиб, лалмига экилган буғдой ўсиш-

дан тўхтаса, ўн-ўн беш чоғли йигит-яланлар йиғилишиб, бир ёш болани эшакка терс миндириб, қулига сув тўлғазилган кади (сувқовоқ) тутқазганлар. Иккита тошбақани ҳам тутиб олиб, пугидан ип боғлаб, эшак эгарининг устидан осилтириб ташлаб кўйганлар. Эшакка терс мингандишина сувқовоққа солинган найни айлантириб, “ғўрр-ғўрр” эткизив овоз чиқарган. Йигитлар эшакни етаклаб, уйма-уй юришган ва ҳар уйга борганди эшак мингандишина “Вой куйдим! Вой куйдим!” деб қичқирган. Уй эгаси боланинг устидан бир пақир сув қуиб, йигитларга дон-дун, қанд-курс чиқариб берган. Йигитлар эса:

*Ҳаво ёғмас бўлами,  
Томчи томмас бўлами,  
Саксондаги кампирларни  
Сув оқизмас бўлами.  
Суст хотин-о, Суст хотин,  
Кўйлаклари бўз хотин, - деб қўшиқ айтишган.*

Кўлбулоқлик Саъдулла ота Мирсапаровнинг хотирлашича, илгари “Суст хотин” маросимини ўтказаётганда деҳқонлар омоchlарининг учини тепага қаратиб қўйиб, унинг тифига бир тошбақани тутиб оёғидан осиб қўйишган. Аёллар бўлса уйма-уй юриб, “Суст хотин” қўшигини айтганлар. Уй эгаси буғдой чиқариб берса, хотинлар: “Оллоҳу акбар! Гулдор момо, Жалdir момо келсин! Ёмғир ёғсин, ҳаммамиз серобликка чиқайлик!” - деб дуо қилишган.

Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидаги Дарайтут қишлоғида яшовчи 60 яшар Тўти Кокиловадан ёзиб олинган маълумотга кўра, илгарилари қурғоқчилик бўлса, ер ёмғирга тўймали, бандалар орасида касалчилик кўпаймасин, вазминлик бўлсин деб “Сел хотин” маросимини ўтказганлар. Бунинг учун учта момо бошига фалвир ёспиниб олганча, кўчама-кўча юриб садақа сўраб, шундай қўшиқ айтишган:

*Сел хотин, селдир хотин,  
Ҳаволарни ёғдир хотин,  
Ерларимиз қурғоқ бўлди,  
Бандалар сувлоқ бўлди.*

Пахтачи туманининг Кўшработ қишлоғида ёмғир ёғдириш маросими “Сўз хотин” деб юритилган. Одамлар курсоқчиликни бартараф этиш учун битта тошбақани тутиб, ип билан таёқ учига боғлаганлар ва битта кампирга эски-туски кийим кийдиришган. Кампир тошбақа боғланган таёқни кўтариб, уйма-уй юрган. У билан бирга бораётган аёллар эса, йўл-йўла-кай тошбақанинг устидан сув қуиб туриб:

*Ёмғир ёғсин, сўз хотин,  
Ўралар тўлсин, сўз хотин.  
Оқ-оққина бузоқлар,  
Оқиб ўтсин, сўз хотин,  
Қарри-қарри момолар,  
Жавраб ўтсин, сўз хотин!* – деб қўшиқ айтганлар.

Навоий вилоятининг Арабсарой қишлоғида ҳам йил курсоқ келган пайтда “Сел хотин” маросими қилинган. Бунинг учун қишлоқнинг сочи оқариб кетган энг кекса кампирини ҳовлига олиб чиқиб, устига оқ пўстак ёпиб ўтиргизиб қўйишган. Сўнгра бир челяк сув олиб келиб кампирнинг устидан қўйишган ва Ҳўл бўлган кампирни эшакка миндириб қишлоқ кўчаларини айлантирганлар ва :

*Сел хотин, сел хотин,  
Сув келтирсан сел хотин, - деб қўшиқ айтганлар.*

Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон туманидаги Уйшун қишлоғида курсоқчилик бўлганча ёмғир ёғдириш учун қўйидаги маросим бажарилган: бир кампир бошига нон ёпишда ишлатиладиган рапидани кийиб олиб, икки снгига эса тандирдан нон узадиган енглик – “енгса”ни кийган ва уйма-уй юрган. Одамлар ҳазил-хузул билан унинг бошидан сув қўйишган ва:

*Сув кампир, сув кампир,  
Ёмғирни ёғдирган кампир,  
Бугдоини уйдирган кампир,  
Үрани тўлдирган кампир,* – деб ашула айтганлар.

Зарафиён воҳасида эса курсоқчилик бўлган пайтда момакалдироқ тангриси деб тасаввур қилинган Бобо Қамбарга му-

рожаат қилиб, ёмғир сўраш удуми мавжуд бўлган. Одамлар йил қурғоқ келса, дараҳт шохларига тумор осиб, тагига сув қуишишган. Болалар тупроқ үумидан чуқурчалар ковлаб, ўша чуқурчаларни сув билан тўлғазганлар. Сўнгра сув тўла чуқурча-га тош ташлаб:

*Қамбар, Қамбар, сув бергил,  
Сигирларга сут бергил!* – деб айтим айтишган (Пещерева Е.М. Некоторые игры среди оседлого населения Туркестана // Бюллетень САГУ. Вып.11-12. – Ташкент, 1926. – С.91).

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида ёмғир ёғдириш ва уни тўхтатиш билан алоқадор ўзига хос маросим қўшиқлари мавжуд бўлган. Қуйида чоп эттирилаётган материаллар наврӯз ва баҳор фасли билан алоқадор маросим қўшиқлари асосида дастур тайёrlайдиган фольклор-этнографик жамоалар учун ғоят муҳим манба бўлиб хизмат қиласи.

## **СУСТ ХОТИН, СУЗМА ХОТИН**

Суст хотин, сузма хотин,  
Кўланкаси майдон хотин,  
Ёмғир ёғдир, ҳўл бўлсин,  
Еру жаҳон кўл бўлсин,  
Майсалар кулоқ ёзсин,  
Суту қатиқ мўл бўлсин

Ёмғир ёғдир, кўк бўлсин,  
Курғоқчилик йўқ бўлсин,  
Арпа-буғдой бош тортсин,  
Кайвонилар ош тортсин.

Ёмғир ёғдир, ҳўл бўлайлик,  
Биз ҳам сенга жўр бўлайлик,  
Кўкламда ўйнаб-кулиб,  
Ҳам шўху, ҳам зўр бўлайлик.

Ёмғир ёғди, дўл бўлди,  
Еру жаҳон кўл бўлди.

Шафтолилар барг ёзи,  
Дунё тула гул бўлди,  
Суст хотин, сузма хотин (1).

## **СУСТ ХОТИН, СУЛТОН ХОТИН**

Суст хотин, султон хотин,  
Кўланкаси майдон хотин.  
Ҳаво жовмас бўлама, суст хотин,  
Томчи томмас бўлама, суст хотин,  
Жетмишдаги кампирни, суст хотин,  
Сел опкетмас бўлама, суст хотин.

Суст хотин, султон хотин,  
Кўланкаси майдон хотин.

Ҳосиллар мўл бўлсин, суст хотин,  
Деҳқоннинг уйи тўлсин, суст хотин,  
Ёмғирларни ёғдиргина суст хотин,  
Ёмоннинг уйи кўйсин, суст хотин.

Суст хотин, султон хотин,  
Кўланкаси майдон хотин.

Ҳаволарни жовдиргина суст хотин,  
Бугдойларни бўлдиргина суст хотин,  
Осмондан томчи ташлаб, суст хотин,  
Элу юртни тўйдиргина суст хотин.

Суст хотин, султон хотин,  
Кўланкаси майдон хотин (2).

## **СУСТ ХОТИН-О, СУСТ ХОТИН**

Суст хотин-о, суст хотин,  
Иштонбоя бўз хотин,

Олти қарич ови бор,  
Оқ жияқдан бови бор.  
Хаво жовмас бўлама,  
Томчи томмас бўлама,  
Етмишдаги кампирни,  
Сел опкетмас бўлама?!

Суст хотин-о, суст хотин,  
Иштонбови бўз хотин,  
Деҳқонларни ғам босди,  
Омочини чанг босди,  
Хаво жовсин себалаб,  
Бўри қочсин жебалаб,  
Буғдой бўлсин зарчалаб,  
Сагир-суфур қолганлар,  
Нонни есин парчалаб (3).

## СЎЗ ХОТИН

Томчи томмас бўлама,<sup>1</sup>  
Хаво жовмас<sup>2</sup> бўлама,  
Саксондаги кампирларни  
Сув оқизмас бўлама,  
Сўз-сўз хотин, сўз хотин,  
Иштонбови<sup>3</sup> бўз хотин.

Хаво жовмас бўлама,  
Томчи томмас бўлама,  
Тўйга келган кампирларни,  
Сел оқизмас бўлама,  
Сўз-сўз хотин, сўз хотин,  
Иштонбови бўз хотин.

<sup>1</sup> “булама” - бўларми

<sup>2</sup> “жовмас” - ёғмас

<sup>3</sup> “иштонбови” - иштонбоги

Омочларни чанг босди,  
Юракларни ғам босди,  
Деҳқон кўзи намлансин,  
Ҳаво жовиб<sup>1</sup> айлансин,  
Сўз-сўз хотин, сўз хотин,  
Иштонбови бўз хотин.  
Ҳаво жовсин зарчалаб,  
Буғдой бўлсин шохчалаб,  
Булутларни эндирысин,  
Гулдур момо<sup>2</sup> гулдираб,  
Сўз-сўз хотин, сўз хотин,  
Иштонбови бўз хотин.

Сўз-сўз хотин, сўз хотин,  
Иштонбови бўз хотин,  
Олти қарич оғи бор,  
Оқ ипакдан боги бор,  
Сўз-сўз хотин, сўз хотин,  
Иштонбови бўз хотин.

Қорабойнинг келини,  
Олти ботмон елини,  
Ола байтал тепибди,  
Ололмайди белини,  
Сўз-сўз хотин, сўз хотин,  
Иштонбови бўз хотин.

Ҳаво жовсин тов-тогва,  
Йилқи келсин матовга,<sup>3</sup>  
Кўчада юрган келинчак,  
Қочиб кирсин ўтовга,  
Сўз-сўз хотин, сўз хотин,  
Иштонбови бўз хотин.  
Суст хотин, сузма хотин (4).

<sup>1</sup> “жовиб” - ёғиб

<sup>2</sup> “Гулдур момо” - момақалдироқ

<sup>3</sup> “матовга” - бойлонга

## **ОШИ АРАВОН ХОТИН**

Суст хотин-о, суст хотин,  
Иштонбови бўз хотин,  
Оши аравон хотин,  
Нони фаровон хотин (5).

## **БУГДОЙ ТУРСИН ФУНЧАЛАБ**

Суст хотин-о, суст хотин,  
Иштонбови бўз хотин,  
Ҳаво ёғиб сел келсин,  
Ҳосили мўл йил келсин,  
Ҳаво жовмас бўлама,  
Томчи томмас бўлама,  
Буғдой турсин гунчалаб,  
Кўчадаги сағирлар,  
Нонни есин парчалаб,  
Омочларни чанг босди,  
Деҳқонларни ғам босди (6).

## **ТОМЧИ ТОММАС БЎЛАМА**

Суст хотин-о, суст хотин,  
Иштонбоги бўз хотин,  
Олти қарич оғи бор,  
Оқ ипакдан боги бор,  
Суст хотин-о, суст хотин,  
Ҳанг босдию, ҳанг босди,  
Деҳқонларни ғам босди,  
Омочларни чанг босди,  
Суст хотин-о, суст хотин,  
Ҳаво ёғмас бўлама,  
Томчи томмас бўлама,  
Қари-қартанг кампирларни,  
Сел олкетмас бўлама (7).

## ЧАЙЛА ҚОЗОҚ ЙИГЛАЙДИ

Чайла қозоқ йиглайди,  
Нону патир тилайди,  
Кўккина қўзи маърайди,  
Кўккина ўтни тилайди (8).

## ЎРАЛАР ТҮЛСИН, СУТ ХОТИН

Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги Новқа қишлоғида баъзи йиллар ниҳоятда қурғоқ келиб, қурғоқчилик туфайли экинлар битмай қолса, табиатдан сув сўраб “Сут хотин” ма-росимини ўтказишиади. Бунда бир хотин ёғочдан қўтирчоқ ясаб, уни кўтариб уйма-уй “Сут хотин” кўшиғини айтиб, тиланиб юради. Одамлар унга атаган-топганини ҳадя этадилар ва йи-ғилган нарсалардан худойи қилинади.

Сут хотин, сут хотин,  
Ўралар тўлсин, сут хотин,  
Сут хотин, сут хотин,  
Сут хотинга сув керак,  
Оч қолганда нон керак,  
Сут хотин, сут хотин,  
Тандир-тандир нон бўлсин,  
Қозон-қозон ош бўлсин,  
Сут хотин, сут хотин,  
Аллопнинг<sup>1</sup> уйи куйсин,  
Сут хотин, сут хотин (9).

## ҲАВОЛАР ЁФДИ ТОВ-ТОВГА

Сут хотин-о, сут хотин,  
Тўгараги майдон хотин,  
Ҳаволар ёғсин, ўралар тўлсин,

<sup>1</sup> “аллан” – ун билан савдо қўлувчи киши

**Буғдойлар пишсин, әлимиз тўйсин.**

**Сут хотин-о, сут хотин,**

**Ҳаволар ёғди тов-товга,**

**Йилқилар тушди матовга,**

**Менинг ойнам<sup>1</sup> берк бўлиб,**

**Бахмал ёлсин ўтовга.**

**Сут хотин-о, сут хотин,**

**Олдимизда оғалоқ бўлсин,**

**Қўлимизда чақалоқ бўлсин,**

**Нонлар кўп замон бўлсин,**

**Юргимиз омон бўлсин,**

**Сут хотин-о, сут хотин,**

**Софинганлар бор бўлсин,**

**Ҳаммага худо ёр бўлсин,**

**Сут хотин-о, сут хотин (10).**

## **СЎЗ ХОТИН, СУЛУВ ХОТИН**

Бойсун туманининг Работ қишлоғида узоқ вақт ёмғир ёғманда бир неча кампирлар ва болалар бошларига чакмон ёпи-ниб олиб, уйма-уй юриб ушбу қўшиқни айтишган:

**Сўз хотин, сўз хотин,**

**Иштонбоги бўз хотин,**

**Бизлар келдик кўп хотин,**

**Ҳаво ёғсин, хўл бўлсин,**

**Ўйдим ерлар кўл бўлсин,**

**Ҳосилимиз мўл бўлсин,**

**Сўз хотин, сулув хотин,**

**Сўз айтиб келар хотин.**

**Ҳаво ёғса осмондан,**

**Ҳосилин олар хотин,**

**Ҳосилимиз мўл бўлса –**

**Шод бўлиб юрар хотин (11).**

---

<sup>1</sup> “оїмам” - қадрдоним

## **СУС ХОТИНГА СУВ КЕРАК**

“Сус хотин” маросимини ўтказишида, уч киши битта куракчага қуйлак кийдириб, уни күтарганча эшикма-эшик юрадилар ва ана шу қўшиқни айтадилар. Уй эгалари берган эҳсондан махсус таом пишириб, бутун қишлоқ аҳли биргалашиб тановул қиласидилар.

Сус хотин, сус хотин,  
Ҳаволар ёғсин далага.  
Сус хотин, сус хотин,  
Ўралар тўлсин буёдойга,  
Сус хотин, сус хотин,  
Сус хотинга сув керак,  
Сус хотин, сус хотин,  
Оч қолганда нон керак.  
Сус хотин, сус хотин,  
Тандир тўла нон бўлсин,  
Қозон тўла ош бўлсин,  
Сус хотин, сус хотин,  
Аллопнинг уйи қўйсин (12).

## **СУС ХОТИН**

Ёмғир чақириш маросимининг “Сус хотин” номи билан аталган кўриниши Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманинаги Қирғизсарой қишлоғида этнограф олим Ф.Раҳмонов томонидан қайд қилинган. Йигитлар баҳор қурғоқ келганда бир қўғирчоқ ясад, унга аёлларнинг эски-туски кийимларини кийгизиб, “безатишган”. Қўғирчоқнинг бош қисмига эса битта тошбақани ип билан боғлаб осиб қўйганлар. Кейин ана шу қўғирчоқни баланд кўтариб, уйма-уй юришган ва қўйидаги қўшиқни айтишган. Уй эгалари бўлса қўғирчоқ бошига илингандан тошбақанинг устидан сув қўйинган:

Ҳаволарнинг эгаси, сус хотин,  
Баҳор ойи бекаси, сус хотин,

Сен меҳрибон энасан, сус хотин,  
Кўк тоқининг эркаси, сус хотин,  
Булутларни қамчилат, сус хотин,  
Экинларга томчилаб, сус хотин.

Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида эса ёмғир чақириш маросимини ўзидан тиниб-тингичган, серфарзанд, кутбаракали ва албатта, онасидан тўнгич фарзанд бўлиб туғилган момо ўтказган. У уч-тўртта хотинни эргаштириб олиб, бошига эски тўн ёки чакмон ёпинганча, уйма-уй юриб куйидаги қўшиқни куйлаган:

Шамол елди, билмадингми, сус хотин,  
Қорлар кетди, билмадингми, сус хотин,  
Ўт-ўлан энтиккан кун оловидан,  
Қир-адирда кезмадингми, сус хотин,  
Арпа-буғдой тўлиқ бўлсин, сус хотин,  
Катта-кичик кўнгли тўлсин, сус хотин (13).

## ҚИВЛАДАН БИР БУЛУТ КЕЛАР

Бухоро вилоятининг Қоракул туманида ёмғир чақириш маросими “Чала хотин” номи билан аталади. Бу маросим номини билдирувчи “Чала хотин” атамасидаги “чала” сўзи “жала” лексемаси билан этимологик жиҳатдан ўзакдошdir. Шунга кура, “Чала хотин” сўзи “Жала хотин” маъносини англатади. Бу маросимни ўтказиш учун аёллар бир ходанинг учига капкир боғлаб бош қиласидилар ва унинг остидан кўндаланг таёқ боғлаб қўл ясадилар. Шу ходага куйлак кийгизилади ва ҳосил бўлган қўғирчоқни кўтариб юриб, юқоридаги қўшиқни куйладилар.

Қивладан бир булут келар ёғаман деб,  
Момолар титрашади ўламан деб,  
Ёғса-ёғсин арпа-буғдой устина,  
Ураверсин селлар.

Онамнинг түнгичиман,  
Қозоннинг қиргичиман,  
Ёмғирнинг ёғдиргичиман,  
Ёғса-ёғсин арпа-буғдой устина,  
Ураверсин селлар.

Айланади Чала хотин,  
Үргилади Чала хотин,  
Ҳаво ёғса оби раҳмат,  
Ураверсин селлар (14).

### СЕЛ-СЕЛ ХОТИН

Қашқадарё вилоятининг Қамаши тумани аҳолисининг удумига кўра, агар баҳор ойида ёғингарчилик кам бўлиб, экинлар сувсизликдан қурий бошласа, хотин-қизлар тўпланишиб, 25-30 яшар, эмизикли чақалоғи бор бўлган бир аёлни уйма-уй олиб юриб, ҳар хонадоннинг дарвозаси олдига боргандга унинг устидан бир челяк сув қўйиб ана шу қўшиқни ижро этадилар.

Сел-сел хотин, сел хотин,  
Селларга оқсин шул хотин,  
Еру замин гулга тўлса,  
Гуллар тақсин шул хотин (15).

### СИГИР ИЙСИН, СУС ХОТИН

Ёмғир ёғсин, сус хотин,  
Арпа пишсин, сус хотин,  
Сигир ийсин, сус хотин (16).

### ЁМҒИР ЁҒСИН, СУР ХОТИН

Ёмғир ёғсин,  
Ўралар тўлсин,

**Сур хотинга сув керак  
Қозон-қозон ун керак (17).**

## **ЁМГИР ЁҒАЛОҚ**

Ёмғир ёғалоқ,  
Момом туғалоқ,<sup>1</sup>  
Ёмғир тинганда,  
Чиқар камалак (18).

## **СУВ ХОТИН, СУЛТОН ХОТИН**

Сув хотин, султон хотин,  
Кўланкаси майдон хотин,  
Сув хотин - сувсиз хотин,  
Куйлаклари бўз хотин.

Ёмғир ёғсин, сув хотин,  
Буғдой пишсин, сув хотин,  
Хирмон булсин, сув хотин,  
Сув хотин – сувсиз хотин.

Ҳосиллар мўл булсин, сув хотин,  
Деҳқоннинг уйи тўлсин, сув хотин,  
Каззобнинг уйи куйсин, сув хотин,  
Сув хотин – сувсиз хотин.

Ҳавони ёғдирган сув хотин,  
Буғдойни бўлдириган сув хотин,  
Элни тўйдирган сув хотин,  
Сув хотин – сувсиз хотин (19).

<sup>1</sup> “тұғалоқ” - думалоқ

## ЁМФИР ЁҒ, СОЧИМ ЎС

Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги Бердали қишлоғида ёмғир ёғдириш маросимини асосан ёш болалар ўтказицган. Болалар битта кўғирчоқни ясатиб олиб, ўшани кўтарганча уйма-уй юриб қўшиқ айтишган:

Сув хотин, ивиб кел,  
Булутларни кувиб кел,  
Ёмғиринг сел бўлсин,  
Ўралар кўл бўлсин,  
Ёмғир ёғ, сочим ўс,  
Ёмғир ёғ, сочим ўс!

Сув хотин, сувинг сеп,  
Ўзинг кўр ҳолим кеп,  
Ўт дейди улоқчам,  
Гул дейди кулоқчам,  
Ёмғир ёғ, сочим ўс,  
Ёмғир ёғ, сочим ўс!

Баҳор келди элга,  
Гуллар сочиб ерга,  
Томчиларни олиб кел,  
Сув хотин қирга,  
Ёмғир ёғ, сочим ўс,  
Ёмғир ёғ, сочим ўс! (20).

## ЁМФИР ЁҒОРА ГАЛДИ

Ёмғир ёғора<sup>1</sup> галди,  
Кўйлар дўғора<sup>2</sup> галди,  
Шу замоннинг қизлари,  
Сигир согора<sup>3</sup> галди (21).

<sup>1</sup> “ёғора” - ёғишга

<sup>2</sup> “дўғора” - бу ўринла “қўзилашга”

<sup>3</sup> “согора” - согишига

## **СЕЛ КЕЛДИ, СЕЛОН КЕЛДИ**

Сел келди, селон келди,  
Майсасини босиб келди,  
Деҳқонга худо берди,  
Ҳаннотнинг уйи куйди (22).

## **ЁМФИР ГАДОЙИ КЕЛДИ**

Агар баҳор фаслида ёғингарчилик бўлмаса, болалар бир узун таёққа эски латталарни ўраб, қўшиларни кига бориб, мазкур қўпикни айтадилар. Уй эгаси болаларга пул ё нон олиб чиқиб берадилар. Бирор киши сездирмай том устига чиқиб, болаларнинг устидан сув қуйиб юборади, яъни удумга кўра, ёмфир ёғсин деб яхши ният қилади.

Ёмфир гадойи келди,  
Асосини чалиб келди,  
Тўрвасини осиб келди (23).

## **“ҚЎСАМ, ҚЎСАМ, ҲОЙ ҚЎСАМ”**

Бухоро вилоятининг Қорақўл туманидаги Вахим қишлоғида ўтказиб келинган ёмфир чақириш маросимининг номи “Қўсам-қўсам” деб аталади. Аёллар учига кўндалант чўп боғланган бир ходага куйлак кийгизиб тайёрланган қўғирчоқни кўтариб, уйма-уй юриб мазкур қўшиқни айтишган. Маросим охирига етганда ушбу қўғирчоқни сув оқадиган ариқ ичига кўмгандар.

Қўсам, қўсам, ҳой қўсам,  
Бир олача той қўсам.  
Сен қўсамни кўмарман,  
Эрта туриб очарман,  
Ёмфирларни сочарман (24).

## ЁМФИР ЁҒАДИ

Ёмғир ёғади,  
Эски тўним хўл бўлади,  
Момом кўчади,  
Уйимнинг ичи чўл бўлади (25).

## ШЕРОЛО

Шимолий Афғонистонда истиқомат қилувчи ўзбеклар орасида оммалашган ёмғир чақириш маросимининг номи “Шероло” дейилади. Узоқ вақт ёмғир ёғмаса, отаси йўқ, яъни етим боланинг билагига саллани боғланганлар. Болалардан бири салланинг бир учидан тутиб, билаги боғланган болани етаклаб уйма-уй юрган. Бопқа болалар эса уларга эргашиб боришган. Билагига салла боғланган бола “Шероло” деб номланган. Ҳар уй олдига борганде “Шероло” бўлган бола мазкур қўшиқни айтган. Уй эгаси “Шероло”нинг устидан сув қуиб, бугдой, қанд-қурс, пул берган. Жиққа хўл бўлган “Шероло” қайтиб кетаётганида уй эгасига эзгу тилак билдирган.

Шер келди, ола келди,  
Ёмғирни ола келди,  
Деҳқонга худо берди,  
Ҳаннотнинг уйи куйди.

Қумурқадай кўргалаб,  
Бўданадай<sup>1</sup> йўргалаб,  
Хизир келсин қошингизга,  
Давлат келсин қаршингизга (26).

## ТУЗ ХОТИН

Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги Қирғизсарой қишлоғида ёмғир чақириш маросими “Туз хотин” номи билан

<sup>1</sup> “бўдана” - бедана

юритилади. Этнограф олим Ф.Раҳмонов томонидан ёзиб олинган маълумотларга кўра, оиласинг тунғич ўғли устига чопон ёки эски курпача ёпиниб олиб, бир неча йигитлар ҳамроҳлигида уйма-уй юрган. Ҳар бир ҳовлига кираётганда йигитлардан биттаси баланд овоз билан қўшиқни айтган:

Туз хотин-а, Туз хотин,  
Осмон чокин буз хотин,  
Ҳаволарни жовдир-а,<sup>1</sup>  
Ариқ тўлса, сўз хотин.  
Туз хотин-а, Туз хотин,  
Дала-даштни кез хотин,  
Хирмон уйсак, Туз хотин,  
Қўчкор сўйсак, Туз хотин,  
Сени дуо қиламиз,  
Жовдир, жовдир, Туз хотин.

Шу қўшиқ айтилгач, уй эгалари тўнғич боланинг устидан сув қўйиб, хайр-садақа чиқариб берган (27).

## ЧУЛ ХОТИН, ЧУЛДИР ХОТИН

Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидаги Қарноб қишлоғида, қадимда йил қурғоқчилик келса, бир қизнинг устидан сув қўйиб, қўшиларникига ўтказиб юбориб, қўйидаги қўшиқни айтганлар:

Чул хотин, чулдир хотин,  
Ёмғирларни ёғдир хотин,  
Буғдойларни бўлдир хотин,  
Майсаларни ўстир хотин (28).

## ЁМГИР ЁФСИН, СЎЗ ХОТИН

Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидаги Кўшработ қишлоғида қурғоқчилик бўлганда одамлар тошбақани ипга

<sup>1</sup> “жовдир” - ёғдир

осиб, бир кампирни кийинтиришган ва тошбақаннинг устидан сув қуиб:

Ёмғир ёғсин, сўз хотин,  
Ўралар тұлсин сўз хотин,  
Оқ-оққина бузоқлар  
Оқиб ўтсин, сўз хотин.  
Қарри-қурри момолар  
Жавраб қолсин сўз хотин, - дейишган (29).

## ЁМФИРНИ ТИНДИРГУВЧИМАН

Халқимиз орасида бир неча кун мобайнида устма-уст ёғиб, ҳаддан зиёд намгарчилликка сабаб бўлувчи ёмғирни тўхтатиш билан алоқадор талайгина ирим-сирим, айтим ва қўшиқлар сақланиб қолган. Хусусан, Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Қассоббаёт қишлоғида яшовчи 60 яшар Тутма момо Жума қизидан 1989 йилда ёзиб олинган маълумотга қараганда, бир неча кунга чўзилган ёмғирни “қора ёмғир” дейдилар. Шундай пайтларда одамлар қора қўғирчоқ ясаб, ёмғир тўхтатиш маросимини ўтказишган. Бунинг учун қамишдан кичкина қўғирчоқ ясаб, оқ мато бўлакларини қозонкуяга суркаб, “қоп-қора” бўлган “либос” кийгизганлар ва уни уйнинг қибла томонига қараган деворига қистириб қўйганлар. Қора қўғирчоқни деворга қистирган момо ёш оиласардан бирининг тўнгич боласини ташқарига олиб чиқиб, орқасини очган ва уй атрофида уч марта айлантириб:

*Онамнинг тўнгичиман,  
Кети ялонюочиман,  
Қозоннинг қиргичиман,  
Ёмғирни тиндиргуечиман, - деб қўшиқ айтган.*

Шундай қилинса, ёмғир тинади деб умид қилишган. Қуйида ёмғир тўхтатиш маросимининг айрим қўшиқлари келтирилади:

## **ТИН, ТИН ЁМФИР, ТИН ЁМФИР**

Онамнинг тўнгичиман,  
Қозоннинг қирғичиман,  
Ёмғирни тиндиргувчиман,  
Тин, тин ёмғир, тин ёмғир.

Булутларни дўндараман,  
Ёмғирларни тиндираман,  
Сумалакни сундираман,  
Тин, тин ёмғир, тин ёмғир (30).

## **ЁҒМА ЁМФИР, ЁҒМА ЁМФИР**

Ёғма ёмғир, ёғма ёмғир,  
Ёлғиз оғам чўлдадир.  
Беллари толма камарли  
Савдогарим йўлдадир.

Қайт булат, қайтгин булат,  
Қирлар томон кетгин булат,  
Тўнгичимнинг тўни йўқдир,  
Тўхтамай йитгин<sup>1</sup> булат (29).

---

<sup>1</sup> “йитгин” - йўқолгин

## ШАМОЛИНГНИ ҚҮЙ, ҲАЙДАР

(шамол чақириш ва уни тўхтатиш билан боғлиқ маросим  
қўшиқлари)

Эрта кўкламда, айниқса, наврўз кунлари болалар варрак  
учираётганда шамолни чақириб шундай қўшиқ айтадилар:

*Шамол, шамол,  
Багринг камол,  
Онангни сув олиб кетди,  
Отангни сув олиб кетди,  
Эса қолсанг-чи!*

*Шамол, шамол,  
Багринг камол,  
Кетмонингни ерга қўй,  
Болангни сув оқизди,  
Эса қолсангчи.*

*Шамол, шамол,  
Багринг камол,  
Чўлоқ кетмонингни олиб қоч!*

Наврўз байрамида варрак учираётган болалар томонидан мазкур қўшиқнинг ижро этилганлиги бежиз эмас. Чунки, Қадимда ўзбек маросим фольклорининг жанрлар тизимида шамолни чақириш ва уни тўхтатиш билан алоқадор удум, маросим ҳамда турли-туман қўшиқлар мавжуд бўлган.

Бободеҳқонларимиз бўлиқ донга тўла бошоқлар дарёдай тўлқинланиб турган даласидаги буғдойни ўриб, бир жойга хирмон қилган ва ҳўқиззарни галаговга қўшиб, гарамни янчган. Фарам янчиб бўлингач, миришкор дэҳқон сомон совурадиган маҳсус панишахасини қўлига олиб чош ёнига келган ва сомонни панишаха билан тепага отиб донни ажратишга ки-

ришган. Ана шу пайтда ғир эсгани шабада бўлмаса дехқоннинг иши юришмаган. Шамол эсиб турсагина сомонни дондан ажратиб олиш осон бўлишини яхши билган дехқон ота-боболаридан ўрганган айтим ва амалларини ишга солиб, “шамол пир”ларидан нажот сўраган. Шу тариқа шамол билан боғлиқ мифологиқ тасаввурларга асосланган маросимлар юзага келган. Ўзбекларнинг мифик инончларига кўра, Чоймомо, Ҳайдар, Ялонгоч ота, Ажлар бобо, Ялли момо, Ялкан хотин каби хаёлий персонажлар “шамол эгаси” сифатида тасаввур қилинган. Шамолни чақириш ёки уни тўхтатиш маросимларида ана шу персонажларга мурожаат қилганлар.

Хусусан, Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Қораҳожи қишлоғида истиқомат қилувчи Жумақул Дурматовдан 1981 йилда ёзиб олинган маълумотга кўра, шамол чақириш учун хуштак чалиб туриб, куйидаги қўшиқ айтилади:

*Аждар, шамолим,  
Аждар, шамолим,  
Ота-онаңг ўлди,  
Моли сенга қолди,  
Шамолингни қўйиб юбор,  
Шамолингни қўйиб юбор!*

Ўша қишлоқлик Ражаббой aka Қораевдан эса Аждарга мурожаат қилиб шамол чақириш маросимининг қўйидаги тўртлигини ёзиб олган эдик:

*Аждар-о. Аждар,  
Ота-онаңг ўлибди,  
Моли сенга қолибди,  
Югурракўр!*

Ахборотчилар “ёзниг иссиқ кунларида шундай деб туриб, шамолнинг эсишига тақлид қилиб ҳуштак чалинса, майин эпкин эсади дейдилар.

Фикримизча, шамол ҳомийсининг Аждар деб аталиши ўзига хос эътиқодий қарашлар маҳсули бўлиб, ҳалқимизнинг улкан илонсифат мавжудот сифатида тасаввур қилинадиган мифо-

логик образ-аждаҳо түғрисидаги инончлари асосида юзага келган. Ҳалқ қарашларига кўра, илон тўққиз ёшгача “илон” деб айтилади. Тўққиздан тўқсон ёшгача “афҳи” дейилади. Тўқсон тўққиз ёшдан тўққиз юз ёшгача “аждарҳо”, тўққиз юздан тўққиз минг ёшгача “юҳо” деб аталади. Аждар ёки аждаҳо кўпинча горда яшар эмиш. Маълумки, гор – қадимги мифологияда шамол пирининг макони, шабада-ел чиқадиган жой деб тасаввур қилинган. Намангандик Бибисора Худойберган қизидан ёзиб олинган бир эртакда тасвиrlанишича, бўронларнинг отаси Шамол бобо ўзининг кулбаси-горидан чиқиб, ёмон одамларнинг додини бериш учун йўлга тушади.

Навоий вилоятининг Нурота туманидаги Сойкечар қишлоғида яшовчи Тоштемир Турдиевнинг айтишича, хирмон совураётгандан ҳаво дим бўлиб, сомон юришмаса, сопол ёки чинни идишларни тақиљлатиб, хуштак чалишган. Шундаям шамол эсавермаса, хуштак чалиб туриб:

*Шамолингни қўйвор,  
Сомони сендан,  
Бугдойи мендан,  
Ҳайдаро, Ҳайдар,  
Боланг сувга оқди,  
Югар ушлаб ол!*

Айрим жойларда деҳқонлар шамол пирига хирмондаги лондан ҳам “улуш” чиқарғанлар. Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Банти қишлоғида яшовчи Эшон бува Абдиевдан ёзиб олинган қўйидаги айтим фикримиз далилидир:

*Ҳайдар оға, Ҳайдар оға,  
Шамолингни қайтар, оға.  
Отиздаги бугдойимнинг,  
Ярмини қилдим садоға.*

Бу айтим замирида халқимизнинг шамол пири - Ҳайдарга сифиниш удумининг ўзига хос бир кўриниши - шамол чақириш маросимида шамол пирига қурбонлик қилиш анъанаси ўз ифодасини топган. Назаримизда, илгарилари ҳар бир деҳқ-

он олинадиган ҳосилнинг маълум бир қисмидан ҳосилдорлик баҳш этувчи афсонавий пирларни ритуал таом билан сийлаш мақсадида махсус маросим оши тайёrlаңда фойдаланган. “Даладаги буғдойнинг ярмини сенга садақа қилдим” деганда олинажак дондан махсус таом пишириб, шамол пири Ҳайдар ҳақига баҳш этилиши назарда тутилган.

1989 йилнинг июнида Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Қассоббаёт қишлоғида яшовчи Дурси момо Аллашеванинг айтиб берган тўртликда эса шамол қари ота-онасидан айрилиб, фирт “етим”га айланганилиги, барча мерос унга қолганилиги баён қилинади:

*Ҳайдар-о, Ҳайдар,  
Шамолингни қўй, Ҳайдар!  
Отанг-онанг ўлибди,  
Моли сенга қолибди!*

Шу қишлоқлик Яхши момо билан суҳбатлашганимизда, олотликларнинг шамол чақириш билан боғлиқ маросимида ижро этилган қадимий қўшиқнинг нисбатан тугал сақланган намунасини ёзиб олишга муваффақ бўлдик. Момонинг айтишича, қадимгилар буғдой совуриладиган палла шамол бўлмай қолса, дарҳол олов ёқиб, *иўл кади* (сув қовоқ)ларни куйдиришаркан. Аёллар Ҳайдар бобонинг ҳақига ис чиқаришган, кади куйдираётганлар эса:

*Ҳайдар оға, Ҳайдар,  
Шамолингни қайтар,  
Ўғлинг ўра кетди,  
Қизинг қира кетди,  
Ўғлинг керак бўлса,  
Арқон олиб югур.  
Қизинг керак бўлса,  
Кетмон олиб югур,  
Ҳайдар оға, Ҳайдар,  
Шамолингни қайтар!* - деб қўшиқ айтишган.

Назаримизда, маросим қўшиғида Ҳайдарнинг оила аъзолари тўғрисида бундай тўла маълумот берилганилиги бежиз эмас.

Табиат ҳодисалари тўғрисидаги қадимги туркий асотирларнингчуваш фольклорида сақланиб қолган мотивлари талқинига кўра, шамолнинг отаси билан онаси бор эмиш. Турган-битгани зиён-заҳматдан иборат бўлган бу чол-кампир одамларнинг уй-жойлари, экин-тикинларини пайхон қилиб, ҳамиша зарар етказишар экан (Ашмарин Н.И. Введение в курс чувашской народной словесности // Исследования по чувашскому фольклору. – Чебоксары, 1984. - С.20).

Тадқиқотларимиздан маълум бўлишича, Ўрта Осиёда яшаган қадимги деҳқонларнинг ҳосилдорлик культи билан алоқалор мифик тасаввурлари тизимида шамол тангриси сифатида талқин қилинган мифологик ҳомий - *Vata* образининг тадрижий ривожи натижасида шамол пири – Ҳайдар тўғрисидаги халқ қарашлари келиб чиққан.

Наврўз байрами ва деҳқончилик билан боғлиқ маросимларнинг саҳнавий талқинини яратишида фольклор-этнографик жамоалари шамол чақириш маросими фольклоридан ҳам са-марали фойдаланишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки ўзбек фольклорининг қадимий қатламига мансуб бўлган бундай қўшиқларнинг аксарияти бугунги кунда унугилиб кетган бўлиб, уларнинг фольклор жамоалари дастуридан ўрин олиши миллий қадриятларимизни тиклашдек эзгу мақсадга хизмат қилади. Шунинг учун биз қўйида шамол чақириш ва уни тўхтатиш маросимининг турли хил қўшиқларидан айрим намуналарни келтирамиз.

## ШАМОЛ ЧАҚИРИШ МАРОСИМИ ҚЎШИҚЛАРИ

### ҲАЙДАР-О, ҲАЙДАР

Ҳайдар-о, Ҳайдар,  
Шамолингни кўйвор,  
Сомони сендан,  
Буғдои мендан,  
Ҳайдар-о, Ҳайдар,

Боланг сувга оқди,  
Юур, ушлаб ол! (1).

## **ХАЙДАР, ҲАЙДАР, КЕЛАҚОЛ**

Ҳайдар-о, Ҳайдар,  
Шамолингни қайтар,  
Боланг қудуқقا тушди,  
Үйинг қайғуга тулди.

Ҳайдар, Ҳайдар, келақол,  
Шамол бўлиб эсақол,  
Буғдойи менга фойда,  
Сомонини олақол (2).

## **ТЕЗРОҚ ЕТИШ, ҲАЙДАРЖОН**

Ҳайдар, Ҳайдар, Ҳайдаржон,  
Кутар сени бутун жон,  
Хирмонда соврилсин дон,  
Ҳайдар, Ҳайдар, Ҳайдаржон,  
Тезроқ етиш, Ҳайдаржон!

Қулочингни ёзиб кел,  
Кокилинг ўзим тарай,  
Хирмонимни совурай,  
Донини қоплаттирай,  
Ҳайдар, Ҳайдар, Ҳайдаржон,  
Тезроқ етиш, Ҳайдаржон! (3).

## **КОКИЛИНГНИ СИЛКИТ**

Ҳайдар-о, Ҳайдар,  
Кокилингни силкит,

**Хотинингни уйқу босди,  
Болангни сув оқизди,  
Ҳайдар-о, Ҳайдар,  
Кокилингни силкит! (4).**

## **ҲАЙДАР, ШАМОЛИНГНИ ҚАЙТАР**

**Ҳайдар-о, Ҳайдар,  
Шамолингни қайтар,  
Үғлинг ўрга кетди,  
Қизинг қирга кетди,  
Үғлинг керак бўлса,  
Арқон олиб югур,  
Қизинг керак бўлса,  
Кетмон олиб югур,  
Ҳайдар-о, Ҳайдар,  
Шамолингни қайтар! (5).**

## **ҲАЙДАР, ШАМОЛИНГНИ ОЛИБ КЕЛ**

**Ғарамларни яйратиб,  
Уватга босиб қўйдим.  
Елкасига игна санчиб,  
Курбақа осиб қўйдим,  
Ҳайдар, шамолингни олиб кел!**

**Ҳовузлар сасиб кетди,  
Бақатўн босиб кетди,  
Боқ бува соқолидан,  
Бир тутам бериб кетди,  
Ҳайдар, шамолингни олиб кел! (6).**

## ШАМОЛ, ҚАНОТ ЁЗ

Шамо-ол, қанот ёз,  
Боланг қуйига<sup>1</sup> йиқилди,  
Йўлингга бурч<sup>2</sup>-пиёз,  
Тезроқ етиб кел,  
Бодрак<sup>3</sup>-чархпалак,  
Озгина кўмак керак,  
Тезроқ етиб келмасанг,  
Менга кўмак бермасанг,  
Жинларга сифинавер,  
Болагинангдан тинавер,<sup>4</sup>  
Йўлингга бурч-пиёз,  
Бола гаракса,<sup>5</sup> қанот ёз,  
Боланг қуйига йиқилди,  
Боланг бодрак,  
Озгина кўмак керак (7).

## ҚАТТИҚ ШАМОЛНИ ТЎХТАТИШ МАРОСИМИ ҚЎШИҚЛАРИ

### “ЧОЙМОМО” МАРОСИМИ

Аждодларимиз ўзларининг кўп йиллик кузатишлари натижасида шамол гоҳида ҳаддан зиёд кўп эсиб, чанг-тўзондан иборат куюн олиб келса, баъзида кучли шамол буғдой, жўхори ва бошқа экинларни пайхон қилиб, дов-дараҳтларнинг ҳали пишиб етилмаган фўраларини ерга тўкиб одамларга кўп зарар етказишини яхши билишган. Улар табиатдаги барча нарса-ҳодисалар сингари шамол ҳам муайян ғайриоддий кучларнинг измига бўйсунади, шамолнинг эсиши, кучли ёки кучсизлиги ана шу “шамол эга”сининг хатти-ҳаракатига боғлиқ деб

<sup>1</sup> “қуши” - кудук

<sup>2</sup> “бурч” - мурч

<sup>3</sup> “бодрак” - варрак

<sup>4</sup> “тинавер” - яъни “ажралавер”

<sup>5</sup> “гаракса” - керак бўлса

ўйлаганлар. Шу тариқа шамолнинг мифологик табиати тұғри-сидаги халқ қарашлари келиб чиққан. Айни пишиқчилек ма-ҳали эсган гармаселнинг экин-тикинларни қовжиратиб кетиши ёки қуюн-довул далаларни, бөг-роғларни пайхон қилиши ҳам ана шу афсонавий “шамол әгаси” газабининг ифодаси деб билғанлар. Бу мифологик қарашлар асосида бүгдой ўрими палласи шамол эсишини сұраш ҳамда сурункали ел ёки қуюн тинкани қуриптан пайтда эса муттасил эсган шамолнинг тинишини илтижо қилиб “шамол әгаси”га мурожаат қилишдан иборат ибтидоий ритуаллар юзага келган. Табиат күчларига сиғи-ниш замирига қурилган бундай қадимий удумларнинг тадрижий ривожи давомида шамол чақириш ва шамол тұхтатиши маросимлари келиб чиққан.

Халқимизнинг шамол ҳомийси-әгаси сифатида тасаввур қылған мифологик образларидан бири **Чоймомо** бўлиб, у ҳақдағи эътиқодий қарашлар Қозоғистон республикасининг Чимкент вилоятида яшовчи ўзбеклар орасида сақланып қолган. Одамлар сурункали эсган елни тұхтатиши учун шамол ҳомийси Чоймомога мурожаат қилишган.

Чимкент вилоятининг Сайрам тұманидаги Қорамурт қишлоғида бу маросим уч күн давомида ўтказилған, яъни чоршанба күни бошланиб, жума күни “худойи оши” пишириб тарқатиши билан ниҳояланған (Тайджанов К., Исмаилов Х. Особенности доисламских верований у узбеков-карамуртов // Древние обряды, верования и культуры народов Средней Азии.-М.: Наука, 1986.-С.116).

Қорамурт қишлоғида бир неча күн сурункали шамол эсіб түрсa, уни тұхтатиши мақсадида ўтказиладиган маросимнинг иккى хил күрениши мавжуд. Маросимнинг биринчи типи беш ёки етти нафар бўй етган қизлар томонидан ўтказилған. Баъзи ахборотчилар уларнинг сони тұртта бўлади дейдилар ва шунинг учун маросимнинг номини ҳам “Чормомо” деб юритадилар. Қизлар бошларига палак ёки сұзана ёпиб олганча юзларини бекитиб кекса аёллар бошчилигига қишлоқ күчаларини айланиб чиқадилар. Улар чоршанба, пайшанба ва жума кунлары уйма-уй юриб, уни ва бүгдой йиғадилар. Энг орқада юрадиган қиз кели сопи күтариб олади, унинг этагига боғланған супурғи эса ерда судралиб бораверади. Улар маросим чоғида “Чоймомо” қўшигини айтадилар.

Бу маросимнинг Қорамурт қишлоғида ўтказилиб келинган бошқа бир кўрининини бошига чодир ёпиниб олган кампир бошқариб туради. У орқасига қарамасдан қишлоқ кўчаларини айланиб юради. Кампирнинг орқасидан эса бошларига ёлингич ёпиб олган етти нафар етим қиз боради ва улар “Чашгомо” қўшигини ижро этадилар. Қизлар “шамол келидай туйилсин, сөдек босилсан, шамолнинг изи супурисин” учун келисопга боғлаб кўйилган супургини судраб юрадилар.

Бу маросимнинг учинчи варианти Сайрам туманининг Пушкин номли жамоа хўжалигида қайд қилинган. Ахборотчиларнинг маълумотига қараганда, қаттиқ шамолнинг оти Чоймомо бўлиб, олмапишар вақтида кучли шамол эсиб, меваларни тўкиб, зарар етказадиган бўлганда шамолни тўхтатиш мақсадида мазкур маросимни ўтказилар экан. Маросимнинг барча ритуаллари асосан учта кампир томонидан бажарилган: улардан бири ўқлоғини миниб олса, иккинчиси супурги ушлаб олган, учинчи кампир эса йиғиладиган масаллиқларни тўрвага солиб кўтариб юрган. Уч кампир ана шу ҳолатда қишлоқдаги ҳар бир уй олдига бориб Чоймомо қўшигини айтганлар. Уй эталари хайр-садақа қилиб чиқариб берган нарсаларни тўллаб, худойи қилиб берганлар. Ахборотчи Жаҳон опа Имомрашидованинг эслазича, уларнинг қишлоғида истиқомат қилган Бодомгул момо деган кампир ана шундай маросимларда доим қатнашиб келган бўлиб, у куйидаги қўшиқни айтган экан:

Чоймомо, чой, чой, чой,  
Чайилиб қолсин кув шамол,  
Боса-боса беринглар,  
Босилиб қолсин кув шамол!  
Уга-уга беринглар.  
Угилиб қолсин бу шамол.  
Чоймомолар ўлибди,  
Ўғли етим қолибди,  
Чоймомонинг онаси,  
Амакимга борибди,  
Чоймомо, чой, чой,  
Чайилиб қолсин кув шамол,  
Боса-боса беринглар,

Босилиб қолсин қув шамол!  
Уга-уга беринглар,  
Угилиб қолсин қув шамол (8).

## ЧҮЙ, ЧҮЙ, ЧҮЙМОМО

Чүй, чүй, чүймомо,  
Уга-уга беринглар,  
Угилиб қолсин, бу шамол,  
Боса-боса беринглар,  
Босилиб қолсин, қув шамол,  
Йига-йига беринглар,  
Йифилиб қолсин, бу шамол,  
Чүй, чүй, чүймомо (9).

## “ЯЛЛИ МОМО” МАРОСИМИ

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги Фамхўр қишигидан қайд қилинган этнофольклористик маълумотга кура, бир неча кун шамол эсиб, қуюн бўлиб, одамларни безор қилса, момолар эски-туски латталардан қўғирчоқ ясаганлар. Бу қўғирчоқ “ўлик бача” дейилган. Момолар ана шу “ўлик бача” - қўғирчоқни оқ матодан қилинган кафандга ўраб кўтариб олганча, қишлоқ кўчалари бўйлаб уйма-уй юрганлар. ҳар уйга борганда момолардан бири “Ялли момо” кўшигини куйлаган.

Ҳар ким ўз имкониятига қараб, атаган нарсасини: бир кап унми, буғдойми, нонми, нима хоҳласа чиқариб берган. Тўпланган нарсаларни қишлоқдаги ёлғиз яшайдиган момолардан бирининг уйига олиб бориб, “шамол оши” қилиб тарқатадилар. Кейин “ўлик бача”га жаноза ўқишишган-да, болаларнинг қўлига беришган. Болалар “ўлик бача”ни кўмиш учун ҳалиги якка яшайдиган момонинг молхонаси томон йўл олганлар. Ҳаммадан орқада бораётган боланинг белига арқон боғлаб, арқоннинг учига супурги осиб қўйишган. Болалар “ўлик бача”ни кўтариб молхона атрофини бир айлангач, оғилга киришган ва сигирнинг охуридан чуқур ковлаб, қўғирчоқни кўмганлар.

Шундан кейин болалар билан бирга “үлкін бача”ни күмиш учун бирга борган кишилар “Чапдан қайт, чапдан қайт!” деб, орқалариға қарамасдан қайтиб кетишган. Ана шундай қилинса, шамол босилиб қолади деб умид қилғанлар.

Бухоро вилоятининг Шоғиркон туманидаги “Шоғиркон” жамоа хўжалигига яшовчи Шарифа биби Маъқул қизининг айтишича, кучли шамол кутарилганда болалар уйма-уй юриб, кўшиқ айтиб ун йигадилар. Улар ҳар бир хонадонга борганда:

*Лалалай лайли хотин ўлибди деб эшиштамиз,*

*Сув топмай сирка билан ювибди деб эшиштамиз,*

Кетмон топмай теша билан кўмибди деб эшиштамиз, - деб кўшиқ айтадилар. Болалар йигиб чиқсан ундан қишлоқнинг кайвониси “қотир” (қатлама) пиширади ва болаларга тарқатилади. Ана шундан кейин шамол пасаяр эмиш.

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги Ванғози қишлоғига яшовчи Г.Зариповадан 1997 йилда ёзиб олинган маълумотга кўра, кучли шамолни тўхтатиш учун қишлоқ аёллари йиғилишиб эски-туски латталардан битта кўғирчоқ ясадидилар. Бу беўхшов, хунук, букри қўғирчоқ “Ялкан хотин” деб аталади. “Ялкан” сузи “юзи қора қўғирчоқ” маъносини билдиради. Аёллардан бири ана шу Ялкан хотинни кўтариб қишлоқдаги етти уйга киради, яъни уни гадойчиликка олиб боради. ҳар бир хонадонга борганда уй эгалари “Ялкан хотин”га бি-роzdan ун, ёф берадилар. Аёллар ана шу йиғилган маҳсулотдан бўғирсоқ пишириб, болаларга беришади. Ялкан хотинни эса бир молнинг охурига олиб бориб кўмиб келадилар. Шундан кейин шамол тўхтайди деб ўйладилар.

Ялкан хотин образининг генетик илдизлари ўзбекларнинг шамол тўхтатиш маросимлари ва ирим-сиримларида номи тилга олинадиган Ялли момо тўғрисидаги мифологик тасаввурлар билан муштарак негизга эга.

## ЯЛЛИ МОМО, ЯЛЛИ-Ё

Ялли момо, ялли-ё,

Ялли момо ўлди-ё,

Кудук суви тополмай,

Сирка билан ювдик-о,  
Бўздан кафан тополмай,  
Бўйра билан кўмдик-о!

Ялли момо, ялли-ё,  
Ялли момо ўлди-ё,  
Ялли момо гуллари,  
Хазон бўлмай сўлди-ё,  
Шум шамолнинг онаси,  
Ялли момо ўлди-ё!

Ялли момо, ялли-ё,  
Ялли момо ўлди-ё,  
Кетмончани тополмай,  
Теша билан кўмдик-о,  
Очиқ гўрни тополмай,  
Мол охурга кўмдик-о!

Ялли момо, ялли-ё,  
Ялли момо ўлди-ё,  
Яллининг изи йитсин<sup>1</sup> деб  
Жўроб<sup>2</sup> билан супурдик-о,  
Яллинни сув ютсин деб,  
Иzlарига сув урдик-о! (10).

## ЯЛАЛА МОМО “ЯЛ” ДЕДИЛАР

Ялала момом “ял” дедилар,  
Жом косада сув дедилар,  
Сув тополмай сирка билан юв дедилар,  
Кафан топмай бўйра билан кўм дедилар (11).

<sup>1</sup> “йитсин” - йўқоссин

<sup>2</sup> “жўроб” - супурги

# ҚҮШГА ҚҮШДИМ ҚҮШ ҲЎКИЗ

(эрта баҳорда далага илк бор қўши чиқариш ва дон экиш билан боғлиқ ўзбек халқ қўшиқлари)

Асрлар давомида бутун оламга ажиб бир баҳорий кайфият баҳш этганча, қалби яратувчилик ва бунёдкорлик ҳисси билан тўлиб-тошган ҳар бир кишининг кўнгил чаманзорини яшнатиб келган наврўзи олам айни пайтда янги меҳнат мавсумининг ҳам бошланиш нуқтаси санаалган. Шунинг учун ҳам жаҳондаги энг қадимги деҳқончилик маданиятларидан бирини бунёд этган зукко ва меҳнатсевар халқимиз қарийиб тўрт минг давомида наврўз байрамини серҳосиллик, қут-барака, меҳр-муруват, ҳамжиҳатлик тантанаси сифатида нишонлаб келмоқда. Ҳар бир гиёҳи, ҳар бир майсасида кўклам табассуми жилоланиб турган муқаддас юртимиз деҳқонлари наврўз яқинлашиши билан келгуси меҳнат мавсумига тайёргарликни қизитиб юборганлар.

Ўзбек деҳқонларининг баҳорги юмушлари ичидা, айниқса, далага биринчи қўш чиқариш маросими мухим амалий аҳамиятга эга бўлган. Чунки далалардан олинажак ҳосилнинг мўл бўлиши ва йил баракали келиши экиш мавсумини ўз вақтида сифатли қилиб ўтказишга боғлиқ деб қаралган. Шунинг учун ҳам халқимиз орасида далага илк бор қўш солиш ва ерга уруғ сепиш билан алоқадор қатор маросимлар юзага келган. Ҳусусан, Фарғона водийсидаги Саймалитош номли жойдан то-пилган қадимги қоятош суратлари орасида далага биринчи марта қўш солиш манзараси тасвирланган лавҳалар кўплиги ҳам халқимиз орасида “Шоҳ мойлар” ёки “Биринчи қўш” номи билан юритилган бу аграр маросимнинг тарихий илдизлари жуда олис замонларга бориб тақалишини кўрсатади.

Саймалитош суратларидаги бир жуфт ҳўқиз (яқ)ни қўшга кўшиб ер ҳайдаётган деҳқон образи тасвирланган 32та лавҳани таҳлил қилган Ю.Н.Голодухин милоддан аввалги III минг йилликнинг охири – II минг йилликнинг бошларида яшаб, Саймалитош Петроглифларини чизиб қолдирган қабилалар асо-

сан деҳқончилик билан шуғулланиш ганлигини аниқлади. Зеро, қоятошдаги чизгиларда акс эттирилган шамсий тимсоллардаги нурлар сони 7, 12, 13, 15, 28 тарзидан изчил такрорланади. Бу эса дала ишларини бажариш муддатларини аниқ ифодаловчи анъанавий тақвимни кўллаган аждодларимиз муйян астрономик ва математик билимга эга бўлишган деб холоса чиқаришга асос беради (Голодухин Ю.Н. Вопросы классификации и духовный мир древнего земледельца по петроглифам Саймалы-Таша // Первобытное искусство. - Новосибирск.: 1971. - С.202). Күёшга сифиниш удумини Саймалитош материаллари асосида тадқиқ этган Г.А.Помаскина эса бу қоятош суратларида баҳорда ер ҳайдаб, экин экиш маросими акс эттирилганлигини эътироф этади (Помаскина Г.А. К вопросу о культе солнце в верованиях ранних кочевников Прииссыккулья // Ранние кочевники Средней Азии и Казахстана. - Л.: 1975. - С.45-47).

Бизнингча ҳам бу лавҳалар қадимги деҳқонларнинг эртабаҳорда ерга биринчи қўш солиш удумининг тасвири бўлиб, узбек маросим фольклори жанрлар таркибида сақланиб қолган “Шоҳ мойлар” маросимининг тарихий-генетик асосларини аниқлаш учун нодир манба бўла олади. Саймалитош суратларида қўшга қўшилган ҳўқиз, як ва бошқа жонзотларнинг узун, қайрилма шоҳлари бўрттириб, муболагадор қилиб чизилган. Саймалитош, Заракуткамар, Сармишсой, Қарнаб, Буқантов ва бошқа жойлардаги Қоятошларга чизилган петроглифларда тасвиirlанган жониворлар шоҳининг бўртиб кўриниб туриши уларнинг самовийлиги, серҳосиллик маъбулдарига алоқадорлигини кўрсатувчи белги санаалган.

Ўрта Осиё ҳалқлари қадим замонлардан бўён эчки, қўчкор, арҳар, олқор ва бошқа жониворлар шоҳига алоҳида магик кучга эга бўлган нарса деб қараганлар. Тешиктош ғорида тоғдан йиқилиб ҳалок бўлган ёш болани дағн этган неандерталлар майит жасадининг боши узра тоғ тақаларининг шоҳини ярим ой шаклида териб қўйишган. Бу билан улар марҳумни жонивор қиёфасидаги мифологик ҳомийлар ўзга оламга кузатиб боради деган ишонч-эътиқодларни намойиш этишган. Муқаддас жойларда, шунингдек, айрим хонадонларда қўчкор ва олқорларнинг бурама шоҳларини осиб қўйиш анъанаси ҳам қадимда

мавжуд бўлган “шоҳ” тимсоли билан алоқадор ҳалқ қарашла-  
рининг қолдиқ ҳолда етиб келган кўриниши ҳисобланади. Эрта  
баҳорда далага биринчи қўш солаётганда ҳўқизлар шохини “ис  
ёғи” билан мойланӣ удумида ҳам жонивор шохининг магик  
кудрат касб этиши, серҳосиллик гояси билан боғланниши каби  
инончлар ўз ифодасини топган.

Қўши ҳайдаётган одамнинг кўриниши ҳам афсонавий персо-  
наж шаклини эслатади. Хусусан, Саймалитошдаги қоятошлар-  
дан бирига икки шоҳдор ҳўқизни қўшга қўшиб ер ҳайдаётган  
думли одам сурати тасвирланган. Бошида иккита шохи ҳам  
бор бўлган бу одам бир қўли билан ҳўқизлар боғланган ипни  
маҳкам ушлаганча, ўнг қўли билан омоч дастасини бошқариб  
бормоқда. Кўшвоннинг ўнг томонидан бошидан ўн иккита нур  
таралаётган иккита “куёш одам” сурати ҳамда уларнинг ўрга-  
сига битта тўғри чизиқ чизилган.

Фикримизча, биринчи қўшиш маросими акс этган бу  
суратдаги “куёш одам”лар ҳар бири ўн икки ойдан иборат  
(“куёш одам”лар бошидан таралаётган нурлар сони ҳам ўн  
иккитадан) янги ва эски йилни англатади. Уларнинг ўртаси-  
даги чизиқ эса йилбоши белгисидир. Анъанага кўра, дехқон-  
лар наврӯзи олам байрами сайлини ўтказгандан кейин янги  
йилнинг биринчи чоршанбасида (чоршанба “чош” куни, яъни  
барака куни деб тасаввур қилинган) далага биринчи куш со-  
лишган. Саймалитош суратида ҳам қўш ҳайдаётган афсонавий  
персонаж “куёш одам”чалар ўртасидаги чизиқдан тепада ту-  
рибди. Бу эса Саймалитош петроглифларини қолдирган қаби-  
лалар йилбоши байрамидан кейин анъанага кўра далага қўш  
чиқаришган деб хулоса чиқаришга имкон беради.

Саймалитошдаги қўш ҳайдаш лавҳаси тасвирланган петрог-  
лифларнинг деярли барчасида қўшвон бошига эчки шохини  
эслатувчи мослама ёки ниқоб кийган “думли одам” сифатида  
тасвирланган. Бизнингча, бу типдаги қоятош суратларида де-  
ҳқончилик билан боғлиқ қадимги тақвимий маросимлардан  
бири – “биринчи қўш” удуми акс эттирилган. Унда қўш ҳай-  
даётган “шоҳли” ва “думли” одам - ҳосил мўл бўлиши ҳамда  
йилнинг баракали келишини таъминловчи афсонавий табиат  
пирларининг инсоний қиёфада тасаввур қилинган кўриниши,  
яъни мифологик ҳомий тимсолидир. Табиатнинг эзгу кучла-

ридан мадад тилаш ва уларга эътиқод қилиш ритуалларининг гадрижий ривожи жараёнида кейинчалик Ўрта Осиё халқлари мифологиясидаги аграр культлар тизимида Бобо дәҳқон образи юзага келган. Баҳорда ўтказилган биринчи қўш ёки “Шоҳ мойлар” маросимида ҳам Бобо дәҳқон тимсоли муҳим роль ўйнаган.

Илгарилари қуш чиқариш вақтини табиатдаги уйғониш, юлдузларнинг ҳолати ва қушларнинг ўлкамизга қайтиб келишига қараб аниқлаганлар. Тажрибали дәҳқонлар хут ойининг бошида томдаги қорлар эриб, бўғотлардан сув оқа бошлишини эътибор бериб кузатишган. Ҳатто бу давр ҳақида халқ орасида “Тушгача мугуз, тушдан кейин кигиз” деган нақл ҳам бор. Чунки томдан оқаётган қор суви кечга томон музлаб, сумалакка айланади. Шунинг учун “тушгача мугуз”, яъни “шоҳдай қаттиқ” дейишган. Тушдан кейин ҳаво бир оз илиши билан сумалаклар эриб, кигиздай юмшаб қолади. Илгари уйларнинг томлари лойсувоқ қилингани учун қор суви лой билан аралашиб сумалаклар сарғиш тус олган. Шу боис ҳисобдонлар хут ҳақида сўз кетганда “сариқсумалак кирди” ёки “сариқсумалак чиқди” деган ибораларни ишлатишган. Одамлар сариқсумалак ўтгандан кейин қиши бўйи ухлаб ётган кўк қарға уйғонади, деб нақл қиласидилар.

Анъянага кўра, далага қуш чиқариладиган кунни қишлоқ оқсоқоллари белгилаб беришган. Ўрта Осиёда яшовчи халқлар ўзлари яшаб турган ҳудуднинг табиий-иқлимий шароитларидан келиб чиққан ҳолда экиш мавсумига оид турли-туман анъаналарни кашф этганлар. Хусусан, умр бўйи қуш ҳайдаб, омоч билан сурилган ерга барака уруғи қадашни яхши кўрган бухоролик кекса қўшчи Хайрулла бува Мулла Файзулла ўғлининг айтишича, наврўз ёки йилбоши байрамидан кейинги илк чоршанба куни далага биринчи марта қуш солиш хайрли бўлар экан. Чунки чоршанба чош, яъни мўл-кўл дон уюми тимсоли деб тасаввур қилинган.

Қуш ҳайдаладиган куни дәҳқонлар ўзаро маслаҳатлашиб, энг яхши ҳўқизлардан бир жуфтини далага чиқаришга тайёрлашган. Ўша куни эрталаб ҳўқизларга ивitiлган сомон устига озгина ун сепиб едиришган. Момолар буғдой ёрмасидан “қўш оши” пиширишган. Одатда уни пиширишдан аввал уйма-уй юриб, масаллиқ учун ун, дон-дун йигишган. Ҳар бир оила

келаётган йил ҳосил мўл, рўзгор бут, бола-чақаси соғ-омон бўлишини ният қилиб, “қўш оши”га имкон қадар ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилишган.

Далага илк бор қўш олиб чиқилаётганда, катта-катта дошқозонларда “қўш оши” пишираётган момолар: “Илоҳим оқликка буюрсин, тўқликка чиқайлик! Сенинг шарофатинг билан тоғора-тоғора ун элайлик!”, - деб ҳўқизларнинг шохи орасига бир чимдимдан ун сепишган. Тажрибали деҳқонлардан яна бири Саъдулла Мирсапаровнинг айтишига қараганда, далага қўш чиқараётган кекса миришкорлар: “Бу йил ҳосилимизга барака берсин, мўл-қўлчилик бўлсин, оёғинг теккан жойга Бобо деҳқон назар қиласин, хайру баракасини берсин!” деб яхши ният билан ҳўқизларнинг сёклинига ун суртиб қўйишар экан.

Биринчи қўш чиққан куни ҳамма хонадонларда бўғирсоқ пишириб, “ис” чиқариларкан. Ана шу пишириқни кўпчилик еса йил баракали келади, дейдилар. Бўғирсоқ пиширилган мой билан ҳўқизнинг шохи, бўйни ва омочнинг тифи мойланади. Шундан кейин оқсоқоллардан бири эл-юртга омонлик, тинчлик-хотиржамлик ва мўл ҳосил тилаб, дуо ўқиди.

Қоракўл туманининг Тангачар қишлоғида яшовчи Остона-кул Жўраевнинг айтишига қараганда, ҳутнинг охирги чоршанба (ҳаво агар серёғин келса, йил боини) куни деҳқонлар бўғирсоқ еб, ўрик шарбатидан ичишган ва яхши ният билан:

*Илоҳи омин,  
Еримиз зўр бўлсин,  
Экканимиз зар бўлсин,  
Буғдоимиз чош бўлсин,  
Еганимиз ош бўлсин,  
Теварагимиз боғ бўлсин,  
Ризқу рўзимиз тоғ бўлсин,  
Бобо деҳқон давлат берсин,*

*Хирмонга баракат берсин!* - деб қўш ҳайдашган. Деҳқонлар экип учун олиб келган галласининг бир қисмини атайлаб уйларига қайтариб олиб кетишаркан. Шундай қилинса, гўё йил бўйи ўша деҳқоннинг рўзгоридан барака аrimас экан. Қадимда Хоразм вилоятининг Хонқа туманида истиқомат қилувчи деҳқонлар эса далага буғдоӣ билан бирга бир

ҳовуч жийда ҳам сочишган экан. Чунки жийда барака ва серх-осиллик тимсоли сифатида талқин қилинган.

Қадимда ерга илк бор уруғ сепиш жараёни ўзига хос рамзий маросим сифатида ўтказилган бўлиб, унда кекса зироат-корлардан бири Бобо дехқон қиёфасига кириб қўш ҳайдашни бошлаб берган.

Ўзбек дехқонлари олинажак ҳосилнинг мўл бўлиши ва йил баракали келиши экиш мавсумини ўз вақтида сифатли қилиб ўтказишга боғлиқ деб билишган. Шунинг учун ҳам ҳалқимиз орасида далага илк бор қўш солиш ва ерга уруғ сепиш билан алоқадор қатор маросимлар юзага келган. Ҳалқимиз орасида “Шоҳ мойлар” ёки “Биринчи қўш” номи билан юритилган бу аграр маросимнинг тарихий илдизлари жуда олис замонларга бориб тақалади.

Куйида дехқонларимизнинг қадимиий қўш қўшиқларидан айрим намуналарни эътиборингизга ҳавола қиласиз.

## ДЕХҚОН ДАЛА АЙЛАНДИ

Дехқон дала айланди,  
Хўқиз шохи бойланди,  
Омоч-мола, чўнка тиш,  
Дехқон бобо шайланди.  
Опкелгин-а омочни-я,  
Қўшга қўшгин омочни-я.

Юртга баҳор келибди,  
Ер тобига келибди,  
Экин экиб далага  
Мўл ҳосиллар олайлик,  
Опкелгин-а омочни-я,  
Қўшга қўшгин омочни-я.

Сепиб қўйдим буғдойни,  
Буғдойни-ё, буғдойни.  
Буғдой униб ун бўлса,  
Ёпиб қўй ширмой нонни,

Опкелгин-а омочни-я,  
Күшга қүшгин омочни-я.

Мен сепаман шолини,  
Баланд күтар полини,  
Шоли униб гуруч бўлса,  
Еб кўринг половини,  
Опкелгин-а омочни-я,  
Күшга қўшгин омочни-я.

Ёмғир-жала кўп бўлсин,  
Курғоқчилик йўқ бўлсин,  
Арпа, буғдой бош тортсин,  
Кайвонилар ош тортсин,  
Опкелгин-а омочни-я,  
Күшга қўшгин омочни-я (1).

## ШОХМОЙЛАР

Күшга илдам юрмасанг,  
Учангга тортиб қўяман,  
Яхши юрсанг, шохингга,  
Мойлар суртиб қўяман.

Шохларинг бор шомиён,  
Қўзларинг бор ойнадай,  
Сендан бўлган болалар,  
Тўти билан майнадай.

Кўшни тортгин жонивор,  
Тумор тақай шохингга,  
Саратонда ишлагин,  
Сомон қолар ҳақингга.

Кўшга қўшдим қўш хўкиз,  
Иккиси ҳам бир хўкиз.  
Ўз ишингни тиндириб,  
Ҳовурингдан туш хўкиз.

Қора молим қобилим,  
Қора ерни қоқ ёрган.  
Меҳнатининг зўридан,  
Тепасидан шох ёрган (2).

## ДОН СЕПДИ

Дон сепдим-а, дон сепдим,  
Дон сепмадим, жон сепдим,  
Сепган донни уйғотиб,  
Ёмғирни осмон сепсин.  
Дон сепдим-а, дон сепдим,  
Баракани тиладим,  
Ҳар бир ҳовуч донимга,  
Тилагимни уладим.

Кўнгил бўлсин кўкламдай,  
Майса бўлсин гиламдай,  
Бошоқ бўлсин қаламдай,  
Хирмон бўлсин оламдай.

Куртак бўлсин, майса бўлсин,  
Бошоқ бўлсин, дон бўлсин,  
Хирмон бўлсин, кепак бўлсин,  
Ун бўлсин-у, нон бўлсин (3).

## ҚЎШ ҲАЙДАШ

Ола ҳўкиз, тарғил ҳўкиз,  
Шудгор танобин тортиб ўз,  
Қўш ҳайдай баҳор ва куз,  
Атрофимиз дала ва туз,  
Юр жонивор, ҳўш жонивор!

Қўш ётади Ҳулкар ботса,  
Иш бошлиймиз тонглар отса,  
Қадам ташлаб аста-аста,

Олдингга босгин пайваста,  
Юр жонивор, ҳўш жонивор! (4).

## СЕНСАН ДЕҲҚОН ҚУВВАТИ

Шохларинг бор чамбарак,  
Кўзларинг мисли чироқ,  
Кўшга қўшсам меҳнатингдан,  
Элу юртнинг вақти чоғ.

Шохгинанг мулла довоти,  
Сенсан дехқоннинг қуввати,  
Сен бўлмасанг дехқоннинг,  
Қайрилади қаноти.

Қаро ерни қоқ ёрган,  
Қовун экиб лаб ёрган,  
Меҳнатингнинг зўридан,  
Тос тепангдан шоҳ ёрган.

Ҳайдা, ҳайдা химич билан,  
Донни сепма чўмич билан,  
Дехқон ўғли олишади,  
Кучи етмай омоч билан.

Эниб келдинг экишдан,  
Тўрт оёғинг кумушдан,  
Эгаларинг қарамади,  
Баъзўр чиқдинг бу қишдан.

Тарлон таёғим ҳайдा,  
Темир туёғим ҳайдा,  
Ишни тамом қилмасанг,  
Жонингга ором қайдা.

Кўшга қўшдим қўш ҳўқиз,  
Ҳайдा, жониворим, ҳайдा.  
Меҳнатинг зое кетмас,  
Сомони сенга фойда.

Деҳқон ҳайдайди қўшиди,  
Ҳайдаган жойи бўшиди(р),  
Деҳқонга “ҳорма”, - десанг,  
Ўлгунча вақти хушди(р).

Панг-панг босган, панг босган,  
Орқа бошин чанг босган,  
Меҳнатининг зўридан,  
Тўрт оёғин тенг босган.

Шохгинанг бор чамбарак,  
Кўзгинанг бор тўгарак.  
Шохинг бофнинг чайласи,  
Кўзинг қизнинг ойнаси.

Сенинг энанг сийирди,  
Сувлардан бурнин жийирди,  
Сени қўшга қўшсин деб,  
Бобойи деҳқон буюрди.

Орқагинанг ойқичноқ,  
Қизлар ўйнар қўғирчоқ,  
Сени ҳайдаган деҳқонинг,  
Опкелади келинчак.

Думларинг бор қамчидаӣ,  
Учи қизнинг социдай,  
Киндигингдан томган тер,  
Томдан томган томчидаӣ.

Шохларинг бор қиёвон,  
Ариқда сувлар равон,  
Биринг бўлсанг безавон,  
Бошқаларинг соявон.

Шохгинанг бор шойнадай,  
Кўзгинанг бор ойнадай,  
Сендан бўлган болалар,  
Тўти билан майнадай.

Қора бир сенинг қулогинг,  
Далада ўсар қиёғинг,  
Айри бир сенинг туёғинг,  
Оламда йўқдир сиёғинг.

Бўйинтуруғинг арчадан,  
Бўйинсалинг парчадан,  
Кулоққинанг қалқондай,  
Босган еринг толқондай.

Ялтираган шоҳингни,  
Мойлаб қўяй жонивор.  
Йилтираган кўзингни,  
Сурмалайнин жонивор.

Паст-пастгина тепалар,  
Унга ёмғир сепалар.  
Қадринг билмас деҳқонлар,  
Қобирғангга тўбалар.

Шоҳи олдинга қараган,  
Меҳнат учун яраган,  
Меҳнатининг зўридан,  
Бобо деҳқон сўраган.

Қирғий қушнинг қаноти,  
Ҳиндистоннинг матони,  
Бу йил айтсан адo бўлмас,  
Икки ҳайвоннинг зийнати (5).

# ҚҮЙ СОҒАМАН ҚЎШОҚДА

(чорвачилик билан боғлиқ ўзбек халқ қўшиклари)

Халқимизниг турмуш тарзи ва тирикчилик манбанин белгиловчи асосий меҳнат турларидан бири чорвачилик ҳисобланади. Ўзбек халқ тақвимига кўра, асосан икки хил вақт ҳисоби амаллари фаол кўлланилган бўлиб, “чорва ҳисоби” календари бўйича меҳнат мавсуми “дехқон ҳисоби”дан 10 кун олдин бошланади. Чорванинг қишиги қўтондаги қишлоғ мавсумини якунлаб, баҳорги мавсумни бошлашда қатор ирим-сириларга амал қилганлар. Хусусан, Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Катта Баёт қишлоғида яшовчи 80 яшар чўпон Зиёд бобо Олтиевдан ёзib олинган маълумотларга кўра, эрта баҳорда чўпонлар сурувни яйловга олиб чиқишдан олдин қўтон-чолисининг олдига катта олов – гулхан ёқишиган. Эрта тонгда қўйларни қўтондан олиб чиқиб, ана шу олов атрофида айлантириб, чўпон таёғини ҳам шу ловиллаб ёнаётган олов тилига тегизиб, уч марта “ялатиб” олганлар. Бу удум “*таёқ қизартирап*” дейилган. Шундай қилинса, йил бўйи сурувга ҳеч қандай зиён-захмат етмайди деб ўйлаганлар. Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Бандбоши қишлоғида яшовчи 67 яшар Бобораҳмат Жумаевнинг айтишича, “*қўйлар ҳут ойида яйловга олиб чиқлади ва қишида янтоқ яхлаганидан сўнг қипки қишлоғга қайтариб олиб келинади*”.

Навоий вилоятининг Хатирчи туманида сурувни баҳорда биринчи марта яйловга чиқарганда қўйларнинг қий-кумалогини олиб яйловга сепиб юборадилар. “*қўй-қўзилар, эчки-улоқлар ана шу қумалоқдай кўпайшиб кетсин*” деб ирим қиладилар.

Сурхонларё вилоятининг Бойсун туманидаги Паданг қишлоғида қайд қилинган анъанага кўра, сурувни баҳорда биринчи марта яйловга чиқаришдан олдин муллани чақириб, қўй сўйилади ва чорвадорлар пири “Чўпон ота”нинг ҳақига дуо ўқилади. Эртаси куни чўпон ҳамқишлоқларининг фотиҳасини олади-да, битта нонни синдириб белига бойлаб, қўйларни яйловга ҳайдаб кетади.

Қўйларни яйловга олиб чиқиладиган хосиятли кунни ҳисоб-донлардан сўраб аниқлайдилар. Чунки чорва ҳисобини билмаган кишилар молларини чўлга ҳайдаб, яйловга чиққанлар ва натижада аямажуз, тўғал, аҳман-даҳман каби кунлар келиб қолиб бемаҳал яйловга чиқарилган чорваларидан айрилиб қолган. Тажрибали чўпон ана шу кунларни ўтказиб, кейин яйловга чиқиб кетиши керак бўлган. Бойсун туманидаги Кўкстепа маҳалласида истиқомат қилувчи 1912 йилда туғилган Холиқ бува Раҳмоновнинг айтишича, чўпонлар чоршанба ва пайшанбани ирим кўрмайдилар. Жумани улуғ кун деб биладилар. Шунинг учун ҳам “чорва ҳисоби”ни биладиган кишилар “қўтон бузиш” муддатини кўпинча чоршанба кунига белгилаганлар. Чунки чоршанбани баракали кун деб билишган.

Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги “Гулистон” жамоа хўжалигига қарашли Эски маҳалла қишлоғида яшовчи 1926 йилда туғилган Исмат ота Раҳмонқулов деган чўпондан ёзиб олинган маълумотларга кўра, “чорва ҳисоби” 10 марта-дан, яъни аямажуз, аҳман-даҳман, хезим-хирмон кунлари ўтгандан кейин бошланади. “Чорва ҳисоби”нинг боши “қўтон бузиш” деб аталади. Бу баҳорда тоққа, яйловга кўчиш деган маънони англатган. Кекса чўпонлар “эрта баҳорда йилқилар бир-иккита қулунлагандан кейин чўрчикал деган күш келади” дейдилар. *Чўрчикал* – бургутдан катта, бошининг тепасида озроқ жойи патсиз бўлган бир күшнинг номи. Чўпонлар бу күшни “ҳисобчўт” дейишади. Улар бу күшни кўргач, “чўрчикал келди, энди қўтонларни бузиб, яйловга чиқаверса бўлади. Бундан кейин қор, ёмғир, аёзли кунлар хавф солмайди” дейдилар. Чунки бу күш келган вақтда ернинг иссиғи бетига кўтарилганлиги учун ёқсан қор кўп турмай, эриб кетади”.

Шимолий Фарғона чўпонлари эрта баҳорда *“Наврўз чумчук”* деб аталувчи қүшнинг учиб келиши вақтига ва унинг рангига зътибор беришган: агар у оқ рангли бўлса, ёғингарчилик кам бўлади, сариқ тусли бўлса, ёмғир кўп ёғади деб тарьбир қилишган.

Чўпонларнинг *“тўйл вақти”*даги удумлари ҳам ўзига хос. Тўй вақтида кўп совлиқлар бир кечада ўнлаб, юзлаб қўзиласа, чўпонлар шошиб қолиб қўзиларни бир жойга қўйса, ҳиди бирбирига уриб қолади. Сурхондарё вилоятининг Сариосиё тума-

нидаги Телпакчиқар қишлоғида яшовчи Жўрабой Тошматовдан 1957 йилда Музайяна Алавия ёзиб олган маълумотга кўра, чўпон қўзичоқнинг онасини таниб шу совлиқнинг боласи, деб Қўзини унинг остига ташлаб, шундай дейди:

*Ўзинг келиб ётибсан, фурай, фурай,  
Чаранага ботибсан фурай, фурай,  
Қўзинг олиб қўйга бор, фурай, фурай,  
Ўтлари кўп жойга бор, фурай, фурай.*

*Қўзинг олиб яйраб кел, фурай, фурай,  
Қўй олдида маъраб кел, фурай, фурай,  
Маъраб келсанг ярашар, фурай, фурай,  
Халойиқлар қарашар, фурай, фурай.*

Тажрибали чўпонлар ўз таёқларини мўътабар деб билгандар. Чўпон таёғининг устидан ҳатлаб ўтиш мумкин бўлмаган, чунки ҳатлаб ўтган одам шу таёқдай қурийди деб ирим қилишган. Ҳар йили наврўз байрамида кекса чўпонлар ўз шогирдларига таёқларини топширишган. Бойсунлик Холик бува Раҳмонвоннинг айтишича, “чўпон таёғининг ирими бўлади. Ирими шуки, унинг устидан ҳеч бир инсон ҳатлаб ўтмайди. Уйнинг ёнида бир ип бўлади, таёқни шу ерга тикиб қўяди. У ерга ҳеч ким бормайдиям, уни ҳеч ким олмайдиям, тегмайдиям. Бундан ташқари, бир одам иномардлик қиласа, чўпон шу одамнинг олдига бориб, “сен менинг бир молимни егансан” дейди. У “мен сенинг молингни емаганман” деб бўйнига олмаса, чўпон уни қасамга тирайди: “емабсанми, олмабсанми, мен сени урмайман, сўкмайман, мана шу таёғимдан ҳатлаб ўт”, - дейди. Таёқ устидан ҳатлаб ўтади ва агар ҳақиқатан ҳам чўпоннинг молини еган бўлса таёқдай қуриб ўлади. Агар айби бўлмаса, ҳеч нарса қўлмайди” деб ўйлайдилар.

Ўзбек халқ тақвимининг қадимиий ва анъанавий турларидан бири ҳисобланган “чорва ҳисоби” ўз ичига чорвани эрта баҳорда биринчи марта яйловга олиб чиқиши, “қўтон бузиш”, тўл олиш, яйлов алмаштириш, “қирқим”, яъни қўйларнинг жунини олиш, қўчкор қўшиш, кузда яйловдан (тоғ ва тоғ олди туманларида) тушиш, қишлоғга қайтиш каби муддатларни ўз

ичига олади. Куйида чорвадорларнинг энг муҳим баҳорий юмушларидан бири – “тўл вақти” билан боғлиқ қадимий кушиқлардан айрим намуналарни келтирамиз.

## ҚЎЙ БОЛАСИНИ ОЛМАГАНДА АЙТИЛАДИГАН ҚЎШИҚ

“Турей-турей” - баҳорги тўл вақтида айтиладиган ўзбек халқ меҳнат қушиқлари сирасига киради. Бу қўшиқлар боласини олмаган қўйларга, шунингдек, барраси сўйилган она совлиқларни соғиши пайтида ижро этилади.

Эсли молим, оқилим, турей-турей,  
Елкамдаги кокилим, турей-турей,  
Шунча молнинг ичидা, турей-турей,  
Боғда очилган гулим, турей-турей.

Қўй ичидা қорасан, турей-турей,  
Ақллисан, доносан, турей-турей,  
Агар боланг олмасанг, турей-турей,  
Бозорларга борасан, турей-турей.

Болагинанг оққина, турей-турей,  
Үйқулари соққина, турей-турей,  
Агар боланг олмасанг, турей-турей,  
Сагирдир бебоққинанг, турей-турей.

Ол болангни жонивор-а, турей-турей,  
Сол меҳрингни жонивор-а, турей-турей,  
Ёна ерда ётганда-я, турей-турей,  
Ёнингда ўйнар шул боланг-а, турей-турей.

Даштга борсанг чанг босар-а, турей-турей,  
Бозорга борсанг дам босар-а, турей-турей,  
Агар боланг олмасанг, турей-турей,  
Юраккинанг ғам босар-а, турей-турей.

Болалилар ёш бўлар-а, турей-турей,  
Боласизлар ғаш булар-а, турей-турей,  
Шу болангни олмасанг, турей-турей,  
Елинларинг тош булар-а, турей-турей.

Тоғда булоқ шарқирап, турей-турей,  
Елинқопинг ярқирап, турей-турей,  
Агар боланг олмасанг, турей-турей,  
Елингинанг зирқирап, турей-турей.

Оқил бўлсанг англагин-а, турей-турей,  
Кулоқ солиб тинглагин-а, турей-турей,  
Агар боланг олмасанг, турей-турей,  
Жонинг қолар хатарда-я, турей-турей.

Тоғда олқор ўтинг бор-ай, турей-турей,  
Оқар булоқ сутинг бор-ай, турей-турей,  
Оқирмагин сутингни, турей-турей,  
Кўтармагин путингни, турей-турей.

Тоғларда бор ола қор-ай, турей-турей,  
Ола қордан сув оқар-ай, турей-турей,  
Сен болангни олмасанг, турей-турей,  
Болагинангни ким боқар-ай, турей-турей.

Тоғларда бор олича-ай, турей-турей,  
Олича гуллаганча-ай, турей-турей,  
Ширингина болагинангни,  
Олиб тургин бу йилча-ай, турей-турей.

Ёна ерда ётганда-ай, турей-турей,  
Ёнингда ўйнар жон қўзинг-ай, турей-турей,  
Орқовулда ётганда-ай, турей-турей,  
Орқангда ўйнар жон қўзинг-ай, турей-турей.

Тоғларда бор болдиғон-ай, турей-турей,  
Совсалар кади тўлдиғон-ай, турей-турей,  
Жунларинг қариш-қариш-ай, турей-турей,  
Боланг билан искалаш-ай, турей-турей (1).

## ҚҮЙ СОҒАЁТГАНДА АЙТИЛАДИГАН ҚЎШИҚ

Тоғларда бор қув олма, турей-турей,  
Совди<sup>1</sup> бўлгин, сув олма, турей-турей,  
Болагинанг йўқлигини, турей-турей,  
Кўнглингга оғир олма, турей-турей.

Тоғларда бор олича, турей-турей,  
Совдилар бўл бу йилча, турей-турей,  
Келаси йил жонивор, турей-турей.  
Сен кўрасан беквачча, турей-турей.

Тоғларда бор гулхайри, турей-турей,  
Оқ сутингни қил хайр, турей-турей,  
Келар йили туққанинг, турей-турей,  
Бўлсин-да Зухра-Тоҳир, турей-турей.

Совди бўлиб совдиргин, турей-турей,  
Совса кади тўлдиргин, турей-турей,  
Бунча куйма жонивор, турей-турей,  
Тақдирларга кўндиргин, турей-турей.

Болаликнинг боғи бор, турей-турей,  
Боласизнинг доги бор, турей-турей,  
Ким куймайди болага, турей-турей,  
Юрагида чўғи бор, турей-турей.

Болалилар бош бўлар, турей-турей,  
Боласизлар ёш бўлар, турей-турей,  
Келар йили туққанинг, турей-турей,  
Ўзингга йўлдош бўлар, турей-турей.

Турткиласам иясан, турей-турей,  
Бир кади сут берасан, турей-турей,  
Яшириб қолган сутингни, турей-турей,  
Қай бир кимга берасан, турей-турей.

<sup>1</sup> “совди” – соғиладиган она совлиқ

Кўй соғаман қўшоқда, турей-турей,  
Кўйлар ўтлар шувоқда, турей-турей,  
Кўй сутини ичганлар, турей-турей,  
Кундан-кунга хушвақт-да, турей-турей (2).

## ЧУРЕЙ-ЧУРЕЙ

Баҳорда эчкилар ҳам болалай бошлайди ва биринчи марта туқсан ёш она эчкилар улогини олмай, улоқиб кетаверса, чўпонлар “чурей-чурей” қўшигини айтиб, эчкига боласини эмизадилар. Эчкини боласига ийдириш ёки эчки соғиш қўшиқлари “чириё”, “чурей-чурей”, “чирия” каби номлар билан аталади.

## ЧИРИЁ

Ол болангни жонивор-а, чириё,  
Маъраб-маъраб келаға-я, чириё,  
Молдан олдин келмасанг-а, чириё,  
Үйдан кетмай қуяқол-а, чириё.

Молдан билинар қашқанг-а, чириё,  
Борма-ё бундан бошқага, чириё,  
Ёна ерда ётгандада-ё, чириё,  
Ёнингда ўйнар жон боланг-а, чириё.

Соқолинг бор бир тутам-а, чириё,  
Ёки бўлдингми қўсама<sup>1</sup>, чириё,  
Бўлган бўлсанг қўсама, чириё,  
Бўлади сени сўйсам-а, чириё.

Шоҳларинг бор бир минор, чириё,  
Минорга қушлар қўнар, чириё,  
Боланг олиб исқасанг, чириё,  
Куюнган юрагинг қонар, чириё (3).

<sup>1</sup>кўсама-серка

## **ЧУРЕЙ-ЧУРЕЙ**

(эчки солиши пайтида айтшладиган қўшиқ)

От изини от босар, чурей-чурей,  
Оқ юзингни гард босар, чурей-чурей,  
Агар шайтиб соғдирмасанг, чурей-чурей,  
Қассоблар путингдан осар, чурей-чурей.

Оғзигинангда ўтинг бор, чурей-чурей,  
Елингинангда сутинг бор, чурей-чурей,  
Серсоқолим-жонивор, чурей-чурей,  
Керилиб туриб сутинг бер, чурей-чурей.

Болагинанг баҳтингдир, чурей-чурей,  
Уни олиб ухлагин, чурей-чурей,  
Болалилар маърашар, чурей-чурей,  
Боласизлар қарашар, чурей-чурей (4).

## **ОЛГИН, ШУ ЭЧКИМ ЯХШИ**

Тикрайган қулоги бор, чирия,  
Чашмадек 'булоги бор, чирия,  
Ичида эгиз улоги бор, чирия,  
Олгин, шу эчким яхши, чирия.

Ҳаволар ёғиб буркирайди, чирия,  
Ўтлар чиқиб гуркирайди, чирия,  
Эчки бадани диркирайди, чирия,  
Олгин, шу эчким яхши, чирия.

Сувга солсам тояди, чирия,  
Ўтга солсам туюди, чирия,  
Кабоб қилсам куяди, чирия,  
Олгин, шу эчким яхши, чирия (5).

## ҲАРРОВ, ҲАРРОВ, ҲАРРОВ (түя соғаётганды айтладиган құышық)

Корсонни тиззага қўйиб.  
Бойбича түя совади,<sup>1</sup>  
Иссиқ сўзини айтиб,  
Туянинг кўнглин товади,<sup>2</sup>  
Ҳарров, ҳарров, ҳарров.

Оқ шўрани кўрганда,  
Түя баргин узади,  
Бўталоги бўзласа,  
Бўйинни аста чўзади,  
Ҳарров, ҳарров, ҳарров.

Сутинг келсин шарқираб,  
Ийиб бергин, жонивор.  
Банди-бўйинг сирқираб,  
Ийиб бергин, жонивор,  
Ҳарров, ҳарров, ҳарров.

Эмчакка сут ияди,  
Бўталоги эмади,  
Тиззага қўйиб корсонни,  
Бойбича түя совади,  
Ҳарров, ҳарров, ҳарров.

Товистоннинг<sup>3</sup> чўлидан,  
Қизиб келади бандаси,  
Бир коса айрон ичиб,  
Желкадан<sup>4</sup> тушади жандаси,  
Ҳарров, ҳарров, ҳарров (6).

<sup>1</sup> “совади” - соғади

<sup>2</sup> “товади” - топади

<sup>3</sup> “Товистон” - дараҳтсиз, сувсиз тоғ

<sup>4</sup> “желка” - елка

## **ХҮШ-ХҮШ**

*(Сигир соғаётганда айтилган  
қадимий қўшиқлардан намуналар)*

Одам ота боққаним, хўш-хўш,  
Мома Ҳаво соққаним, хўш-хўш,  
Хўши-хўшласам жўшасан, хўш-хўш,  
Дарё бўлиб оққаним, хўш-хўш.

Сой ёқалаб ўтлаган, хўши-хўш,  
Боласини йўқлаган, хўш-хўш,  
Бири ўлса жонивор-а, хўш-хўш,  
Бўкиришиб жўқлаган, хўш-хўш.

Ўйлаб кўрсам ҳушинг бор, хўш-хўш,  
Сўфидай товушинг бор, хўш-хўш,  
Болангни чақирасан, хўш-хўш,  
Бир одамча ақлинг бор, хўши-хўш.

Кадиларни тўлдиргин, хўш-хўш,  
Сутлилигинг билдиригин, хўш-хўш,  
Икки қиз соға кетса, хўш-хўш,  
Билагини толдиригин, хўш-хўш.

## **ХҮШ-ХҮШ ДЕЙМАН**

Хўш-хўш дейман олабош,  
Кўзинг ўткир, қалам қош,  
Қалам қошинг сузилсин,  
Сутинг ерга сизилсин.

Хўш-хўш жониворим, соғдир,  
Сутинг оқади шир-шир,  
Олти кади қўлимда,  
Ийиб сут билан тўлдир.

Хўш-хўш сардорим сори,  
Ким айттар сени қари,  
Олти қизни толдирдинг,  
Сут бердинг совган сари.

Хўш-хўш дейман қорабош,  
Ўзинг ҳаммадан ювош,  
Ишиб адo қилолмас,  
Сутингни олти ҳаваш.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> “ҳаваш” - қорни катта, субтўймас, мечкай киши

# МАНБАЛАР КҮРСАТКИЧИ

## БУГУН ЙИЛБОШИ – НАВРҮЗ

(наврүз байрами таранкүм этилган халқ қўшиқлари)

1. Жарчилар қушиғи – Наврӯз. (Наврӯз билан боғлиқ қўшиқлар, афсоналар, одатлар ва иримлар). Тузувчилар: Т.Мирзаев, М.Жўраев. – Тошкент.: Фан, 1992, 28-29-бетлар.
2. Наврӯзга кел – Р.Мустафоқулов. Халқ педагогикаси сарчашмаси. Сурхон воҳаси халқ қўшиқлари. – Термиз, “Жайхун” нашриёти, 1995, 139-бет.
3. Сайлга чорлар - Жиззах вилоятининг Галлаорол туманидаги “Гаштак” фольклор-этнографик жамоаси репертуаридан.
4. Сайлдан кеч қолманлар – Самарқанд вилоятининг Каттақўргон туманидаги “Сарбози” фольклор-этнографик жамоаси дастуридан.
5. Чорлов – Ҳикмат бахшии Мусурмон ўғли. Чорлов // Қишлоқ ҳақиқати, 1990, 17 март.
6. Доирани чалинг, жон момо – М.Қаюмова. Болаликдаги наврӯз // Ленин учқуни, 1990, 13 март.
7. Наврӯз келди, ёз келди – А.Мусақулов, М.Жўраев. Халқ наврӯзномаси // Тошкент ҳақиқати, 1990, 21 март.
8. Келди наврӯз – на баҳор – «Наврӯз», 30-бет.
9. Баҳор келар, ёз келар – Хоразм хазинаси. Нашрга тайёрловчи Собир Эҳсон. – Урганч, “Хоразм” нашриёти, 1996, 101-бет.
10. Кўклиам келди – «Наврӯз», 30-31-бетлар.
11. Наврӯз ёр-ёри – «Наврӯз», 31-бет.
12. Йилбони – А.Мусақулов, М.Жўраев. Халқ наврӯзномаси // Тошкент ҳақиқати, 1990, 21 март. Бу қўшиқ Булунғур туманидаги “Чавқи” фольклор-этнографик жамоасининг аъзоси Менглибой Раҳимовдан ёзиб олинган.
13. Омонлиқ, ҳей омонлиқ – “Тошкент ҳақиқати”, 1990, 21 март.
14. Эртага наврӯз, эртага – Жиззах вилоятининг Галлаорол туманидаги “Гаштак” фольклор-этнографик жамоаси репертуаридан.
15. Наврӯз ўйқовни – М.Қаюмова. “Болаликдаги наврӯз”.
16. “Жақида, ҳақида, ҳаққа” - Жиззах вилоятининг Зомин туманидаги “Зомин сайқали” фольклор-этнографик жамоаси дастуридан.
17. “Сир бўйига чиқайлик” - Сирдарё вилоятининг Гулистан тума-

ни маданият ва спорт ишлари бўлими қошидаги “Сайхун йигитлари” халқ фольклор-этнографик дастаси репертуаридан.

18. Келса наврӯз, бўлса наврӯз – Т.Эшбеков. Қизлар гулли рўмол ўтар // Туркистон, 1989, 22 март.

19. Наврӯзжон, бу йилги келишинг бошқа – Ҳикмат бахши Мусурмонов. Келишинг бошқа // Қишлоқ ҳақиқати, 1990, 16 март.

20. Кўп наврӯзга етармиз – “Хоразм хазинаси”, 34-бет.

21. Юртимизда наврӯз - Хоразм вилоятининг Кўшкўпир тумани “Жўралар” фольклор-этнографик жамоаси репертуаридан.

22. Наврӯз олқини – А.Мусақулов, М.Жўраев. Халқ наврӯзномаси // Тошкент ҳақиқати, 1990, 21 март.

23. “Наврӯзи олам келди” - ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. И nv. №8154. Қилич бахши Шукуровдан Т.Жабборов ёзиб олган.

24. “Наврӯзингдан, укажон, чиройлик” - Шода-шода марварид. Узбек халқ қўшиқлари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Э.Оқилов. – Тошкент.: Шарқ, 2006, 199-бет.

25. “Бутун наврӯз, дейди-ё” - “Шода-шода марварид”, 276-бет.

## СУМАЛАК – КУКЛАМ МЎЪЖИЗАСИ

(сумалак пишириши билан боғлиқ удумлар  
ва маросим қўшиқлари)

1. Сумалакжон, сумалак - «Наврӯз», 39-41-бетлар.
2. Сумалак берар дармон - “Халқ педагогикаси сарчашмаси”, 105-бет.
3. Сумалак – «Наврӯз», 42-бет.
4. Сумалакни бошладик - Андикон вилоятининг Балиқчи туманидаги “Зилол” фольклор-этнографик жамоасининг “Балиқчидаги наврӯз сайлий” номли дастуридан.
5. Ҳосилимиз мўл бўлсин - Каттақўргон шаҳрида яшовчи Ўрунова Сабоҳатдан 1991 йилда М.Жўраев ёзиб олган.
6. «Апошадарози» ўйинни - Т.Қиличев. Хоразм халқ театри. - Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 70-75-бетлар.

## ҲАЛИНЧАКДА КЕЛИНЧАК

(наврӯзда ҳалинчак учиш удуми билан боғлиқ қўшиқлар)

1. Ҳалинчагим, ҳалинчак - “Наврӯз”, 32-33-бетлар.
2. Ҳалинчак - “Наврӯз”, 33-бет.

**3. Ҳалинчагим ҳайла - Қашқадарёлик фольклоршунос олим А.Қаҳ-хоров ёзиб олган халқ қўшиғи.**

**4. Ҳалинчак учдим - ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№1746/1. Жиззах вилояти-нинг Бахмал туманидаги Мўғал қишлоғида яшовчи Умрхол Жайна-говадан 1980 йилда М.Мадраҳимова ёзиб олган.**

## **БОЙЧЕЧАГИМ БОЙЛАНДИ**

*(“Бойчечак сайли” билан боғлиқ ҳолда яратилган қўшиқлар)*

**1. Бойчечак чиқибди, бугун наврӯз экан - “Бойсун” халқ фольк-лор-этнографик жамоаси репертуаридан.**

**2. Бойчечагим, бойчечак - “Наврӯз”, 47-48-бетлар.**

**3. Бойчечагим бойланди - “Наврӯз”, 48-49-бетлар.**

**4. Бойчечагим ҳиллолик - “Наврӯз”, 50-бет.**

**5. Бойчечагим бойирон - “Наврӯз”, 51-бет.**

**6. Бойчечагим асилидир - “Наврӯз”, 51-бет.**

**7. Этагим тула бойчечак - “Наврӯз”, 51-52-бетлар.**

**8. Бойчечакни айтганда - ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№1300/3. Самарк-анд вилоятининг Ургут туманидаги Қоратепа қишлоғида яшовчи Сайдмурод Расуловдан 1957 йил 4 июлда М.Афзалов ёзиб олган.**

**9. Юмалаб чиқкан бойчечак - ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№1657, пап.1, №3/2. Ёзиб олувчи: Тўраев Ҳабибулло (Кўқон шаҳар, Фарғона кўчаси, 2-йи).**

**10. Бўта, бўта, бойчечак - ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№3732. Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманида яшовчи С.Ҳамдамовдан О.Холмир-заев ёзиб олган.**

**11. Бойчечак айтган билан тўямызми - ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№4314. 1965 йил февраль ойида Қирқ қишлоғилик Саримсоқ Умрзоқовдан ёзиб олинган.**

**12. Бойчечаккинг изи бор - Навоий вилоятининг Навбаҳор тума-нида яшовчи Сиддиқ бува Турдиевдан 2004 йилда М.Жўраев ёзиб олган.**

**13. Бойчечагим бөқия - ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№1746/2.18. Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги Мўғал қишлоғида яшовчи Умрхол Жай-нағовадан 1980 йилда М.Мадраҳимова ёзиб олган.**

## **ТУРНАЛАР УЧСА ҚАРАЙЛИК**

(эрта кўқламда ўлкамизга учиб келадиган қушларга  
қарата ийтиладиган қўшиқ ва айтимлар)

1. Туна келди - С. Йўлдошева. Фольклор-этнографик жамоалар услубиёти. – Тошкент.: Фан, 1999, 97-бет.
2. Ҳей, туриа, туриа - “Халқ педагогикаси сарчашмаси”, 150-бет.

## **ЧИММА, ЧИММА, ЧИРАЛАЙ**

(чучмома, қоқи ўт, қўзиқорин ва бошқа  
баҳорий неъматларни тераётгандага ижро этилган айтимлар)

1. Чучмома - ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. И nv. №1713, 1971 йил 19 март куни Нурота туманининг Қоракиса қишлоғида Раҳматулла Юсуф ўғли ёзib олган.
2. Қоқи ўт териш - ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. И nv. №1713, 1971 йил 19 март куни Нурота туманининг Қоракиса қишлоғида Раҳматулла Юсуф ўғли ёзib олган.
3. Қузиқорин териш - Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Жигачи қишлоғида яшовчи Қаҳрамон Жўраевдан 1986 йилда ёзib олинган.
4. Замбуруқ – бағринг ёриқ – Бойчечак. Болалар фольклори. Мехнат қўшиқлари. – Тошкент.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 116-бет.
5. Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Қумкашон қишлоғида яшовчи Ойпара момо Мурод қизидан 1989 йилда М.Жўраев ёзib олган.

## **ЛОЛАЧАГА ИШИМ БОР**

(«Лола сайли» ва у билан боғлиқ халқ қўшиқлари)

1. Лола, лола, лолажон - “Наврўз”, 33-35-бетлар.
2. Ҳей, лола - “Бойсун” халқ фольклор-этнографик жамоаси репертуаридан.
3. Очилди гули лола - “Наврўз”, 35-36-бетлар.
4. Ҳо ёрим, гуллола - “Гулёр” халқ фольклор-этнографик жамоаси репертуаридан.
5. Наврўз келди - “Халқ педагогикаси сарчашмаси”, 104-бет.

6. “Дўст бўламиз лолача” - “Шода-шода марварид”, 24-бет.
7. “Доира дум-дума” “Шода-шода марварид”, 107-108-бетлар.

## КИЗИЛ ГУЛИНГ БЎЛОЙИН (анъанавий «Қизил гул» сайлида ижро этилган қўшиқлар)

1. “Асра қизил гулни эгам” - Фулом Зафарий. Ашуалалар. – Тошкент, 1925 йил.
2. “Қизил гулмнг бўлай” - Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Вахм қишлоғида яшончи Дурсун момо Ўраевадан М.Жўраев ёзиг олган.
3. “Қизил гулнинг донаси” - “Шода-шода марварид”, 124-бет.
4. “Қизил гуллар даста-даста” - “Шода-шода марварид”, 286-бет.
5. “Қизил гулнинг қўлимда” - “Шода-шода марварид”, 247-бет.
6. Гул сайлида яйраб қол - Гулсара Салом қизи Қаюмова. Унтилган қадриятлар. – Бухоро, “Бухоро” нашриёти, 1993, 14-17-бетлар.
7. Наврўз гуля пайваста – Бухоро вилоятининг Когон туманидаги «Қасри орифон» фольклор-этнографик жамоаси репертуаридан.
8. Ҳой, ҳоя момо, жимжима - Бухоро вилоятининг Когон туманидаги «Қасри орифон» фольклор-этнографик жамоаси репертуаридан.

## ЁМФИР ЁГДИР, КЎК БЎЛСИН (ёмғир ёғдириси ва уни тўхтатиши билан боғлиқ қадимиий маросим қўшиқлари)

1. Суст хотин, сузма хотин – “Наврўз”, 52-бет.
2. Суст хотин, сulton хотин - ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№1770/2. Тожикистан Республикасининг Хўжанд вилоятидаги Ўратепа туманига қарашли Шаҳристон қишлоқ фуқаролар йигинининг Янгикўргон қишлоғидан 1980 йилда Б.Саримсоқов ёзиг олган.
3. Суст хотин-о, суст хотин - ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№1770/3. Тожикистан Республикасининг Курғонтепа вилоятидаги Ёвон туманининг Форбулоқ қишлоғида яшовчи Жаббор Чориқуловдан 1982 йил 20 июнда Б.Саримсоқов ёзиг олган.
4. Сўз хотин – Тожикистан Республикасининг Ёвон туманидаги Шўрча қишлоғида яшовчи Қизларгул Жалматовадан 1982 йил 17 июнда М.Жўраев ёзиг олган.

**5. Оши аравон хотин - Тожикистон Республикасининг Ёвон туманидаги Башқайнар қишлоғида яшовчи Ҳазрат Чориевдан 1982 йил 18 июнда М.Жўраев ёзib олган.**

**6. Буғдои турсин ғунчалаб - ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№1718.Д.1.26. Тожикистон Республикасининг Восеъ туманидаги Орол қишлоғида яшовчи 81 яшар Бегам Норқуловадан 1977 йил 20 июнда З.Хусайнова ёзib олган.**

**7. Томчи томмас бўлама - Тожикистон Республикасининг Ёвон туманидаги Галабулоқ қишлоғида яшовчи 82 яшар Тошгул Жумаевадан 1982 йил 16 июнда М.Жўраев ёзib олган.**

**8. Чайла қозоқ йиглайди - ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№1652/15. Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги Миришкор қишлоғида яшовчи 48 яшар Тўхта Хосиятовадан 1972 йил 14 июнда З.Хусайнова ёзib олган.**

**9. Ўралар тўлсии, суст хотин - ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№1746.Д.1.19. Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги Новқа қишлоғида яшовчи 56 яшар Зарҳал Бобокуловадан 1980 йилда М.Мадраҳимова ёзib олган.**

**10. Ҳаволар ёғсин тов-тогва - ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№1746.Д.1.19. Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги Новқа қишлоғида яшовчи 56 яшар Зарҳал Бобокуловадан 1980 йилда М.Мадраҳимова ёзib олган.**

**11. Суз хотин, сулув хотин - Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Работ қишлоғида яшовчи 76 яшар Нурмамат Бадаловадан 1973 йил 27 июлда Т.Мирзаев ёзib олган.**

**12. Сус хотинга сув керак - ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№1746.Д.1.3. Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги Новқа қишлоғида яшовчи 56 яшар Зарҳал Бобокуловадан 1980 йилда М.Мадраҳимова ёзib олган.**

**13. Сус хотин - Раҳмонов Ф Қашқадарё воҳаси аҳолисининг зироатчиликка оид урф-одатлари ва маросимлари (XIX асрнинг охири – XX аср бошлари). Тарих файлари номз. дисс. – Тошкент, 2001, 107-108-бетлар.**

**14. Қивладан бир булут келар - Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Танғачар қишлоғида яшовчи 73 яшар Олия момодан 1981 йилда М.Жўраев ёзib олган.**

**15. Сел-сел хотин - Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида яшовчи Ҳазратқул баҳши Худойберди ўғлидан 1985 йил 26 марта М.Жўраев ёзib олган.**

**16. Сигир ийсин, сус хотин - Арандаренко Г. О метрологических познаниях туземцев Зарафшанского округа // Туркестанские ведомости, 1877, №22, 7 июнь.**

**17. Ёмғир ёссиң, сур хотин - "Наврӯз", 56-57-бетлар.**

**18. Ёмғир ёғалоқ - Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Жигачи қишлоғида яшовчи Ҳанифа Олимовадан 1986 йилда М.Жўраев ёзиб олган.**

**19. Сув хотин, сұлтон хотин - Келиной қўшиқлари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи: О.Собиров. – Тошкент.: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983,**

**20. Ёмғир ёғ, сочим ўс – Ф.Раҳмонов. Кўрсатилган манба, 109-110-бетлар.**

**21. Ёмғир ёғора галди - "Хоразм ҳазинаси", 41-бет.**

**22. Сел келди, селон келди - Ҳалқ дурданалари. Нашрга тайёрловчи: Файзулла Аймоқ. – Тошкент.: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986, 137-бет.**

**23. Ёмғир гадойи келди - "Ҳалқ дурданалари", 137-бет.**

**24. «Қўсан, қўсан, ҳой қўсан» - Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Вахм қишлоғида яшовчи 1916 йилда туғилган Дурсун момо Ўраевадан 1986 йилда М.Жўраев ёзиб олган.**

**25. Ёмғир ёғади - "Бойчечак", 116-бет.**

**26. Шероло - афғонистонлик фольклоршунос Ҳалим Ёрқиндан 1988 йилнинг 15 марта М.Жўраев ёзиб олган.**

**27. Туз хотин – Раҳмонов Ф. Кўрсатилган манба, 106-107-бетлар.**

**28. Чул хотин, чулдир хотин - Паҳтачи туманидаги Қарноб қишлоғида яшовчи Берликулова Яҳшигуддан 1991 йилда ёзиб олинган.**

**29. Ёмғир ёғсин, сўз хотин - Самарқанд вилоятининг Паҳтачи туманидаги Күшработ қишлоғида яшовчи Навбаҳор Жумаевадан 1991 йилда ёзиб олинган.**

**30. "Тин, тин ёмғир, тин ёмғир" - Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Вахм қишлоғида яшовчи 1916 йилда туғилган Дурсун момо Ўраевадан 1986 йилда М.Жўраев ёзиб олган.**

**31. "Ёгма ёмғир, ёгма ёмғир" - Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Қумкашон қишлоғида яшовчи 1927 йилда туғилган Ойпара момо Мурод қизидан 1989 йилда М.Жўраев ёзиб олган.**

## **ШАМОЛИНГНИ ҚЎЙ, ҲАЙДАР**

*(шамол чақириш ва уни тўхтотиш билан боғлиқ маросим қўшиқлари)*

**1. Ҳайдар-о, Ҳайдар - Навоий вилоятининг Нурота туманидаги**

**Сойкечар қишлоғида яшовчи Тоштемир Турдиевдан 1991 йилда М.Жўраев ёзib олган.**

**2. Ҳайдар, Ҳайдар, келақол - Бухоро вилоятининг Шоғиркон туманида яшовчи Турсуной Ўруновадан 1991 йилда М.Жўраев ёзib олган.**

**3. Тезроқ етиш, Ҳайдаржон - Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида яшовчи М.Муродовадан 1991 йилда М.Жўраев ёзib олган.**

**4. Кокилингни силкит - Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги Арабон қишлоғида яшоячи М.Орзиевадан 1991 йилда М.Жўраев ёзib олган.**

**5. Ҳайдар, шамолингни қайтар - Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Қассоббаёт қишлоғида яшовчи Яхши момодан 1989 йилда М.Жўраев ёзib олган.**

**6. Ҳайдар, шамолингни олиб кел - Қайнар булоқ. Тўпловчи: Й.Султонов. – Тошкент.: Чўлпон, 1991, 28-бет.**

**7. Шамол, қанот ёз - “Хоразм ҳазинаси”, 139-бет.**

**8. Чоймомо - ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№1630/1. Чимкент вилоятининг Сайрам туманида яшовчи Жаҳон опа Имомрашидовадан 1969 йил 10 июнда З.Хусайнова ёзib олган.**

**9. Чўй, чўй, чўймомо - Профессор Тўра Мирзаев томонидан Ёкуб Ҳайитбоевдан ёзib олинган.**

**10. Ялли момо, ялли-ё - Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги Гамхўр қишлоғида яшоячи Ойдин Атпевадан 1991 йилда М.Жўраев ёзib олган.**

**11. Ялала момом ал дедилар - ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№1805/20, 23-бет. Ёзib олувчи: А.Мусакулов.**

## **ҚЎШГА ҚЎШДИМ ҚЎШ ҲЎКИЗ**

**(эрта баҳорда далага илк бор қўши чиқариш ва дон экши билан боғлиқ ўзбек халқ қўшиқлари)**

**1. Деҳқон дала айланди - Сирдарё вилоятининг Гулистон тумани маданият ва спорт ишлари бўлими қошидаги “Сайҳун йигитлари” халқ фольклор-этнографик дастаси репертуаридан.**

**2. Шоҳмойлар - “Бойсун” халқ фольклор-этнографик жамоаси репертуаридан.**

**3. Дон сепди – «Халқ педагогикаси сарчашмаси», 135-бет.**

**4. Қўш ҳайдаш - ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№1745/9. Жиззах вилояти-**

нинг Жиззах туманидаги Оқкүрғон қишлоғида яшовчи Сожида бувидан 1980 йилда Б.Саримсоқов ёзиб олган.

5. Сенсан дәхқон күввати – «Наврўз», 71-74-бетлар.

### **ҚҮЙ СОҒАМАН ҚҮШОҚДА** (чорвачилик билан боғлиқ ўзбек халқ қўшиқлари)

1. Қўй боласини олмагандага айтиладиган қушиқ - “Бойчечак”, 299-300-бетлар.

2. Қўй согаётгандага айтиладиган қушиқ - ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№1664. Косон туманидаги Мудин қишлоғида яшовчи 67 яшар Ҳасанбобо Шоназаровдан 1963 йил 20 декабрда К.Очилов ёзиб олган.

3. Чириёс - “Бойчечак”, 300-бет.

4. Чурей-чурей - “Бойчечак”, 300-бет.

5. “Олгин шу эчким яхши” - ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№1644. Қамаши туманидаги Кўкбулоқ қишлоғида яшовчи Усмон Эшқурбоновдан 1969 йилда К.Очилов ёзиб олган.

6. Ҳарров, ҳарров, ҳарров - Алла айтай жоним болам. Нашрга тайёрловчи Г.Мардонова. - Тошкент, Чўлпон, 1992, 51-52-бетлар.

7. “Ҳўш-ҳўш” - ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№1644. Қашқадарё вилоятининг Яккабог туманидаги Бобошоди қишлоғида яшовчи Малоҳат Султоновадан 1980 йилда М.Тўраева ёзиб олган.

8. “Ҳўш-ҳўш дейман” - ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№1644. Дәхқонободлик баҳши Қодир Раҳимоидан 1969 йил 20 июнда К.Очилов ёзиб олган.

## **МУНДАРИЖА**

Эзгуликка эш бўлган айём .....	3
Бугун йилбоши - наврўз.....	12
Сумалак — кўклам мўъжизаси .....	29
Ҳалинчакда келинчак .....	50
Бойчечагим бойланди .....	55
Турналар учса қарайлик .....	68
Чимма, чимма, чиралай .....	74
Лолачага ишим бор .....	79
Қизил гулинг бўлайн .....	87
Ёмғир ёёдир, кўк бўлсин .....	98
Шамолингни куй, Ҳайдар.....	119
Қўшга қўшлим қўш хўкиз .....	132
Қўй соғаман қўшоқда.....	143
Манбалар кўрсаткичи .....	154

## **Маматқул ЖҮРАЕВ**

### **НАВРҮЗ ҚҰШИҚЛАРИ**

*(наврүз байрами ва баҳорий удумлар билан бөглиқ  
ўзбек халқ құшиқлари)*

Мұхаррир *Хусан Нишонов*,  
Бадиий мұхаррир *Абдухалил Турсынов*  
Техник мұхаррир *Татьяна Смирнова*  
Мусаххих *Шерали Нишонов*  
Матнни оққа күчирүвчи *Жумахол Мавлонова*

Босишига 06.02.2007 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16.  
Хажми :0,25 б.т. Адади 200 нұсха.  
Буюртма №20. Шартнома №9/3.  
Баҳоси келишилган нархда.

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.  
Тошкент, X. Сулаймонова кучаси, 33.